

# XV-XVI АСР ТАСАВВУФ НАМОЯНДАЛАРИ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

## II ҚИСМ

## МАХДУМИ ХОРАЗМИЙ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети




# XV-XVI АСР ТАСАВВУФ НАМОЯНДАЛАРИ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

## *II қисм*

Илмий мақолар тўплами

Самарқанд–2013

УДК 321:9 (575.1)
ББК 63.3 (5)Ўз
Ў 75

XV-XVI аср тасаввуф намояндалари илмий меросининг маънавий-маърифий қадриятларни юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти. II-қисм. Илмий мақолар тўплами. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2013. – 120-бет.

Масъул муҳаррир Д. Салоҳий

Таҳрир ҳайъати: С. Аббосов
М. Қодиров
С. Раззоқов
Ш. Аҳадов
М. Турсунова

*© Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети, 2013*

# МАХДУМИ ХОРАЗМИЙ – ЙИРИК МАЪНАВИЙ МУРШИД

## *(ҳаёти, илмий ва адабий мероси)*

***Рўзибоев С., Аҳмедов А.***

## МАХДУМИ ХОРАЗМИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИ ҲАҚИДА

Жонажон Ўзбекистонимизнинг энг қадимий маданият ўчоқларидан бири ҳисобланган Хоразм диёри жаҳонга Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд ва Огаҳий каби алломаларимизни бахш этган.

Ҳозирги кунда мустақиллик шарофати, муҳтарам Президентимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги натижасида тарихда яшаб ўтган кўплаб машҳур сиймоларнинг ҳаёти ва ижодлари тадқиқ этилиб, ўрганилмоқда. Ана шундай алломалардан бири, бутун Шарқ оламда донг таратган файласуф ва шоир Махдуми Хоразмий-Шайх Ҳусайин Хоразмий ҳазратларидир. Афсуски, бу буюк алломанинг ҳаёти ва ижодий мероси ҳозирги кунгача ўрганилмасдан келмоқда.

Ушбу масъулиятли вазифани амалга ошириш мақсадида 2002 йил 26 мартда Самарқанд вилоят Адлия бошқармаси рухсати билан «Махдуми Хоразмий» жамғармаси ташкил қилинган эди.

Жамғарманинг асосий мақсади – ислом оламининг буюк мутафаккири, аллома етук олим, маърифатпарвар инсон, мутасаввиф зот, улуғ пир ва шоир Ҳусайин Хоразмий (Махдуми Хоразмий)нинг одоб, ахлоққа доир яратган қимматли асарлари (ҳозирга қадар 8 та китоби бизга маълум), Самарқандда 16 асрда ул зот томондан барпо этилган мадраса, масжид, хонақо, қорихона (кўзи ожизлар реабилитация маркази), қайта тиклаш, асарларини форс, араб тилларидан ўзбек ва бошқа хорижий тилларга таржима қилиш, уларнинг кенг омма ўртасида тарғибот этиш, алломанинг ҳаёти, илмий меросини ўрганиш, уни абадийлаштириш, ёдгорлик мажмуасини зиёратгоҳга айлантиришдан иборатдир. Албатта, бу улкан вазифани амалга ошириш катта маблағни талаб этади. Бу соҳада кўплаб фидоий фуқаролар, ташкилотлар ҳомийлигида анча ишлар амалга оширилди. Мажмуа атрофидаги деворлар тикланиб, олимнинг бир китоби форсчадан ўзбекчага ўгирилиб, чоп этилди.

Кейинги йилларда Махдуми Хоразмийнинг ижодига эътибор кучаймоқда. Академик Б. Валихўжаев унинг фаолиятига катта аҳамият қаратади. Самарқандлик олим Комилхон Каттаев бир қатор мақолалардан сўнг «Маҳдум Хоразмий» номли китоб ёзди. Шарқшунос олим М.Ҳасаний ҳам мақола эълон қилиб, Ал-Хоразмийнинг «Иршод ул-муридийи», «Рисолаи мавъиза» номли асарларини ўзбек тилида таржима қилиб, форсий ғазал ва рубоийларини нашрга тайёрлади. Бундан ташқари, Ал-Хоразмий «Одоб ус-солиқийи», «Рисолаи дарвишийёа», «Рисола мин натойижи Зайнуддин Ал-Хавофий», «Рисола минмақулоти Шайх Исҳоқ Хатлоний» каби рисолалар ҳам ёзди.

Маҳдум Хоразмий Нажмиддин Кубро асос солган Кубравия тариқатининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Маълумки, Нажмиддин Кубро хоразмлик вакиллари мусаввиф олим бўлиб, Чингизхон ишларига қарши байроқ кўтариб чиқиб, 1222 йили ҳалок бўлади. Шарий ва тасаввуфининг бир қанча асарлар муаллифидир. Маҳдум Хоразмий мазкур тариқатни ривожлантириш билан бирга Кубравия тариқатидан Ҳусайния сулук (йўли)га асос солди. Минглаб муридларни ҳақ йўлга бошлаб, комил инсонни тарбиялаш йўлида катта меҳнат қилди. Рисолаларида ва шеърларида фалсафа, тасаввуф ва одоб-ахлоқ масалаларини ёритди. Ўтмишда ёзилган кўплаб тарихий манбаларда уни йирик мутасаввиф олим ва шоир сифатида тилга олинади. Абдулхолиқ Ғиждивоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Маҳдуми Аъзамлар қаторида унинг ижодини ўрганиш, асарларини нашр қилиш, номини абадийлаштириш керак.

Шунинг билан бир қаторда, аллома фаолият кўрсатган масжид, хонақоҳ, мадраса ва қорихонани қайта таъмирлаб, асарларини чоп этиш ва китоблари тақдимотини халқаро миқёсда ўтказиш ҳамда мажмуани туристик маршрут тизимига киритиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

***Каримов Эльёр,***
*тарих фанлари доктори*

# ЎРТА ОСИЁ ҲУДУДИДА КУБРАВИЯ СЎФИЙЛИК ТАРИҚАТИ

Нажмиддин Кубронинг маънавий мероси ва таълимоти кенг тарқалиб, кўплаб сўфийлик тариқатларига асос солинишига олиб келди. Масалан, Ҳиндистондаги Фирдавсия тариқати, Бағдоддаги Нурия, Хуросондаги Рукния, Игтишашия, Захабия, Нурбахшия, Кашмирдаги Хамадония-Алия тариқатлари шулар жумласидандир[1]. Мазкур китобда Кубравия тариқатининг Ўрта Осиёдаги сўнгги ўрта асрларга мансуб яна бир тармоғи бўлмиш «Ҳусайния» ҳақида фикр юритилиб, бу борада мавжуд қарашларни бойитиш мақсад қилиб қўйилган. Ушбу тариқатга оид ва тадқиқотга жалб этилган ҳужжатлар уни Ўрта Осиёнинг айрим ҳудудларида XX асрларга қадар мавжуд бўлган Кубравийликнинг «Ҳусайния» тармоғи, деб номлашга имконият беради[2].

Ўз тараққиётининг дастлабки даврида Кубравия тариқати Ўрта Осиёда кучли мавқега эга бўлган. Бундан ташқари, бу тариқат вакиллари сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан жуда ҳам фаол бўлган. Шундай қилиб, тариқатнинг машҳур назариётчилари, сўфийлик илмига оид йирик асарларнинг муаллифлари ҳамда, умуман, ислом динининг мустаҳкамланиши ва тарқалишига ўз ҳиссасини қўшган Нажмиддин Кубронинг кўп сонли шогирдларидан қайси бири алоҳида фаоллик билан ажралиб турадилар?

Улар орасида энг таниқлиси Сайфиддин Бохарзий эди (вафоти 659/1261). Бухорода унинг номи билан боғлиқ йирик вақф мулки бўлган. Кейинчалик бу вақф мулки беш аср мобайнида унинг диний издошлари ва қариндошларига авлодма-авлод мерос тариқасида ўтиб борган. Сайфиддин Бохзарийнинг сўфийлик фаолияти биз учун яна шуниси билан аҳамиятлики, у Ўрта Осиёнинг мўғул ҳукмдорларига яқин бўлган ва бир қатор номусулмон туркий қабилаларни исломлаштиришда муҳим ўрин тутган.

Ўрта Осиёга ислом дини кириб келган даврдан бошлаб, исломлаштириш жараёни мазкур ҳудуд тарихида муҳим ўрин тутган. Бу масала кўчманчи ва ўтроқ аҳолининг муносабатлари билан бевосита боғлиқ. Ислом дини деярли тез ёйилган Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарлари жойлашган марказий ҳудудларидан фарқли ўлароқ чекка ҳудудларда бу жараённинг кечиши муаммоли бўлган.

Ўтроқ аҳолидан ташкил топган воҳаларни исломлаштириш якунлангач, кўчманчилар орасида ислом динини тарғиб қилиш диний сиёсатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланган. Бу масалани сўфийлик таълимоти ва ундан келиб чиққан сўфийлик тариқатлари муваффақиятли амалга оширганлар. Бу тариқатлар маҳаллий аҳолининг анъана ва диний қарашларининг айрим жиҳатларини қабул қилган ҳолда ноисломий ҳудудлардаги аҳоли орасида ислом динини сингдириш йўлидан бордилар ва бунинг уддасидан чиқдилар. Ушбу жараёнда Кубравия тариқати, жумладан, Ўрта Осиёни босиб олган мўғулларни XIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ислом динига киритган Кубронинг илк шогирдлари фаолияти муҳим ўрин тутди[1]. Масалан, Олтин Ўрданинг ҳукмдори Беркахонни ислом динига айнан Сайфиддин Бохарзий киритган.

Кейинчалик Кубравия тариқатининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёт соҳаларидаги тажрибалари бошқа сўфийлик тариқатлари томонидан қўлланилган. Шу тариқат Сайфиддин Бохарзий ва издошлари томонидан Кубравия тариқатининг бу соҳадаги тажрибалари XV асрлардаги Нақшбандия тариқати фаолиятида давом эттирилган. Мисол тариқасида Сайфиддин Бохарзий вақфида акс эттирилган Кубравия тариқатининг сиёсий-иқтисодий фаолиятини келтириш мумкин. Бу тажриба кейинги даврларда ҳам кенг қўлланилган: ҳокимият тепасига келган

---

1 Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе / Пер. с англ. Ставиской А.А. Под ред. И с предисл. Акимушкина О.Ф. М: Наука. Глав. ред. вост.лит-ры, 1989. С.56-57.

2 Ҳозирги тадқиқотларда тилган олинган XIX аср биринчи ярмида яшаган шайх Муҳаммад Ҳусайн томонидан асос солинган Нақшбандия тариқатининг сўнгги тармоғларидан бири бўлмиш «Мужаддидия Ҳусайния» билан адаштирилмасин.

1 DeWeese D. Islamization and Native Religion in the Golden Horde: Baba Tükles and Conversion to Islam in Historical and Epic Tradition / Pennsylvania State University Press, Series «Hermeneutics: Studies in the Hisroty of Religions», 1994. P. 356-357.

мўғуллар сулоласи вакили томонидан шайхнинг диний-маънавий ҳаётидаги фаолияти тан олиниб, унга қимматбаҳо эҳсонлар топширилган. Кейинчалик эса, бу мулклар шайх қариндошлари ва яқин издошларига мерос сифатида ўтган[2]. XV аср иккинчи ярмида бу тажриба Хўжа Аҳрор томонидан кенгроқ кўламда қўлланилиб, муҳим иқтисодий ютуқларга олиб келди. Бу эса Нақшбандия тариқатининг сиёсий мавқеини кўтаришга хизмат қилган.

Ўрта Осиёдаги Кубравия тариқатининг яна бир тармоғи Хоразмда Нажмиддин Кубронинг шогирди бўлган Бобо Камол Жандий (вафоти 672/1273) исми билан боғлиқ. Бобо Камол Жандий мўғуллар босқинига қадар устозини қолдириб, Сирдарёнинг ўрта оқимларида истиқомат қилувчи туркий қабилалар ҳудудига йўл олган эди. Бобо Камол айнан ушбу ҳудудлардаги туркий қабилалар орасида ислом динини ёйиш бўйича олиб борган фаолияти билан машҳурдир. «Жавоҳир ал-асрор» асарида Бобо Камолнинг Сайфиддин Бохарзий билан бўлган ёзишмалари тилга олинади[3].

Бобо Камолнинг сўнгги диний издоши Хоразмнинг машҳур шоири Хўжа Абдулвафо Хоразмийнинг (вафоти 835/1431-32) шогирди Ҳусайн Хоразмий[4] бўлган. Ўзининг адабий асарлари билан машҳур Ҳусайн Хоразмийнинг ҳаёти ҳақида маълумотлар жуда кам. Унинг «Кунуз ал-ҳақойиқ» ва «Янбу ал-асрор фи насаих ал-аброр» асарларидан маълум бўладики, у камида икки марта Дашти Қипчоқда истиқомат қилган кўчманчилар билан бу ҳудудни айланиб чиққан ва Темурийларнинг Хоразмдаги ҳукмдори Шайх Малик (вафоти 1426) ҳузурида маслаҳатчи бўлиб хизмат қилган[5]. Ҳусайн Хоразмий тахминан 834/1430 йилда содир бўлган даштиқипчоқлик Абдулхайрхон бошчилигидаги кўчманчи аҳоли вакилларидан Хоразмни ҳимоя қилиш жараёнида фаол ҳаракат олиб борган ва бу фаолият натижасида унинг номи танилган.

Ҳусайн Хоразмий ўлими билан Бобо Камол Жандий томонидан асос солинган Кубравия тариқатининг янги тармоғи якун топади. Ҳусайн Хоразмий ўз силсиласини давом эттирадиган муридларини қолдира олмаган бўлса керак. Бироқ Темурийлар орасида ҳам, кўчманчи аҳоли орасида ҳам Ҳусайн Хоразмий эга бўлган сиёсий таъсирга кейинчалик Яссавия ва Нақшбандия шайхлари ҳам эришгандир. Шу тариқа Кубравия тариқати ўз фаолияти билан Ўрта Осиёнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида Яссавия ва Нақшбандия тариқатларидан устун турган.

Кубравия тариқатининг қизиқ жиҳатларидан бири ушбу тариқат тарихида Ҳусайн Хоразмий номи билан XV, XVI ва XVII асрларда фаолият олиб борган учта тарихий шахснинг мавжудлиги ҳисобланади. Юқорида тилга олинган шахсларнинг камида иккитаси Кубравия тариқатининг кўзга кўринган арбобларидан бири бўлганлар.

Ушбу учта шахснинг фаолият олиб борган ҳудудлари турличадир. Илк даврдаги Ҳусайн Темурийлар даврида Хуросон ҳудудида, ўрта даврдаги Ҳусайн Мовароуннахр ва Хоразм, сўнгги даврдаги Ҳусайн эса, топилган манбаларга кўра, Хоразм ҳудудида фаолият олиб борган.

Биринчи Ҳусайн ҳаёти ҳақида, афсуски, маълумотлар ниҳоятда кам. Д.ДеВиснинг таъкидлашича, ўша даврдаги тазкира тузувчилари ё умуман Ҳусайн ҳақида маълумот бермаганлар (Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳат ул-унс» асарида бўлганидек), ёки Ҳусайн Хоразмий ҳақида жуда кам хабар берганлар[1].

Биринчи Ҳусайн Хоразмий ҳақидаги энг бирламчи ва тўлароқ маълумот Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-Нафоис» асарида келтирилган. Айнан Алишер Навоий маълумотлари Ҳусайн Хоразмийнинг кейинги манбаларда келтирган маълумотлар учун асос сифатида хизмат қилган. Биз ушбу маълумотни тўла ҳолда келтирамиз: «Мавлоно Ҳусайн Хоразмий олий билимларига оид илмлар бўйича Хўжа Абдулвафо Хоразмийнинг муриди ва издоши бўлган. Мавлоно ўз даврининг машҳур кишиларидан бири бўлган. Унинг қаламига «Мақсад-и Ақсо» асари мансуб бўлган. У Мавлоно Жалолиддин Румийнинг «Маснавий» ва хоразмий-туркий тилда «Қасида-и Бурда» ва бошқа асарларга шарҳлар ёзган. Бироқ унинг одат ва қизиқишлари олий билимлардаги ютуқлари билан мос келмаган. Шоҳруҳ Мирзо даврида Мавлоно бир шеъри деб, ширкда айбланган ва

2 DeWeese D. The Eclipse of the Kubraviyah in Central Asia // Iranian Studies. Vol. XXI. No 1-2, 1988. P.49.
3 DeWees D. Baba Kamai Jandi and Kubravi Tradition. P. 66.
4 XV асрда яшаган Ҳусайн Хоразмийга бағишланган махсус мақола ҳам мавжуд: ДеВис, Девин Хусейн Хоразми: Среднеазиатский суфий начала XV в. // Из истории суфизма: источники и социальная практика. Ташкент, 1991. С.48-69.
5 DeWees D. Baba Kamai Jandi and Kubravi Tradition. P. 93; Idem.: The Eclipse of the Kubraviyah in Central Asia. P. 51.

1 ДеВис Д. Хусайн Хоразми: Средеазиатский суфий начала XV в. С. 49.

Хоразмдан Ҳиротга сургун қилинган. У донов а нотиқ бўлганлиги учун унга айб қўйиганлар унинг хатосини исботлаб бера олишмади ва ўз ватанига қайтиб келди (Сўнг Навоий Ҳусайн Хоразмийга айб қўйилган шеърини келтиради). Мавлоно Хоразмлаги Тан Сўфий бошчилигидаги қўзғолон давомида қийноқлар билан ўлдирилади. Унинг қабри Хўжа Абдулвафо қабри ёнида жойлашган[2].

Д.ДеВис таъкидлашича, Ҳусайн Хоразмий ҳақидаги бу илк манба Ҳусайн Хоразмийнинг вафоти ҳақида аниқ маълумот бермайди. Америкалик тадқиқотчи ушбу саволга жавобни Ҳусайн ҳаётига оид яна бир бошқа манба ҳисобланмиш «Мажолис ал-Ушшоқ» асаридан топишга муваффақ бўлади. Унда таъкидланишича, унинг вафоти 839/1435-36 йилга оид. Лекин, шунга қарамай, Ҳусайн Хоразмда Шоҳ Малик (вафоти 1426) даврида яшаб, ушбу ҳукмдорнинг ҳомийлигидан фойдаланганлиги ҳамда у ёзганасарлари ва ўз устози шайх Абдулвафо орқали Кубравия тариқатига мансуб бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлардан ташқари биз унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида деярли ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз.

Иккинчи Ҳусайн Хоразмий ҳақида эса биз кўпроқ маълумотга эгамиз. Бу шахс фаолияти Кубравия тариқатининг сўнгги ўрта асрлардаги Ўрта Осиёдаги тармоғининг энг чўққига чиққан даври билан боғланади. Бундай хулосага ушбу мавзуга оид бўлган манбаларда келтирган маълумотлар асосида келиш мумкин.

XVI асрда яшаган Камолиддин Ҳусайн Хоразмий номи билан ҳам машҳур бўлган Кубравия шайхи Ҳусайн Хоразмий (вафоти 958/1551) Хоразмда таваллуд топган. 923/1517 йилнинг охирида Ҳусайн Самарқанд шаҳрига кўчиб келади ва кейинги 30 йил давомида айнан шу шаҳарда ўз фаолиятини олиб боради[1]. Таржимаи ҳолининг асосий манбаси сифатида шогирди Жони Маҳмуд ибн Шайх Али ибн Имодаддин Ғиждувонийнинг «Мифтаҳ ат-толибин» асарини келтириш мумкин[2]. ушбу асарнинг Ҳусайн Хоразмийга тегишли бўлган маълумотларга оид қисмлари В.В.Бартольд томонидан нашр қилинган[3].

[2] Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Илмий-танқидий текст тайёрловчи С.ғаниева. –Тошкент: Фан, 1961, 9-10-бетлар.

[1] DeWees D. The Eclipse of the Kubraviyah in Central Asia. P. 72.

[2] Мифтах ат-талибин. Рук. ИВ АН РУз, инв. № 394.

[3] Бартольд В.В. Сочинения. Т. XIII: Работы по источниковедению. М.: Наука, 1973. С. 145-151.

«Мифтах ат-толибин» муаллифи томонидан келтирилган шайхнинг Ўрта Осиё бўйлаб қилган саёҳатларига алоҳида тўхтаб ўтиш лозим. У Ҳусайн Хоразмийни Бухорода кўрган ва Фатҳободга бўлган саёҳати давомида шерик бўлган. Шу билан бирга шайх яна Хуросондан Чоржўйга саёҳат қилган, қайиқда уни тантана билан кутиб олишган жой Даргонгача етиб, у ердан Урганчга келган. Шайх яна Урганчнинг ғарбий ҳудудларидаги Вазир шаҳри ва Ҳаким Ота, Сайид Ота, Хубби Хўжа каби шайхларнинг қабрлари жойлашган Урганчдан уч кунлик масофадаги Боқирғон даштини ҳам зиёрат қилган[4].

Шайх бир неча марта Хоразмдан 20 кунлик масофада жойлашган Манғишлоққа ҳам саёҳат қилган. Бу ерда яшаган ички солор қабиласининг барча эркак ва аёллари шайхнинг муридлари бўлишган. Шайх бу ерни нафақат Хоразмда яшаган даврида, балки Самарқандга кўчиб келгач ҳам бир неча марта зиёрат қилган. Айнан шу ерда шайхнинг Бобо Қўлдош лақабли ити билан боғлиқ воқеа бўлиб ўтган. Ҳусайн Хоразмийнинг ити Нажмиддин Кубронинг ити каби машҳур бўлган[5]. Манғишлоқда яшовчи бир туркман уни бўри билан адаштириб ўлдириб қўяди. Кейин қотил ўз ишидан пушаймон бўлса ҳам, барибир мохов дардига дучор бўлган. Унинг қабиласи эса бутунлай қирилиб кетган. Ит кўмилган жой махсус белги билан ажратилиб, маҳаллий аҳолининг муқаддас қадамжосига айланган.

Умуман, Ҳусайн Хоразмийнинг таржимаи ҳоли авлиё ҳаётини эслатади[1]. Машҳур Нақшбандия тариқатининг вакили Хўжа Аҳрорга (вафоти 895/1490) оид маноқиблари каби[2]

[4] Д.ДеВис особо отмечает йасавийско-кубравийское соперничество, которое существовало в этот период в Средней Азии: DeWees D. The Eclipse of the Kubraviyah in Central Asia. P. 73.

[5] DeWees D. Dog Saint and dog shrines in Kubravi tradition. P. 471-472.

[1] Узоқ ватқ давомида маноқиблар тадқиқотчиларнинг баҳс-мунозараларига саба бўлган. Негаки, бу манбаларнинг муаллифлари тарихий воқеаларни афсоналар билан боғлашган. Ўрта аср муаллифлари ўша даврдаги ўқувчигакўпроқ таъсир қилиш учун ҳақиқат билан уйдирмани атайлаб бир-бирига боғлиб ташлаши ҳам мумкин эди. Балки, шунинг учун ҳам ўрта асрларда Шарқда маноқиблар жуда ҳам машҳур бўлган (Буни ҳаттоки, ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар фондидаги манбалар орасида маноқиб асарлар фоизи жиҳатидан кўп миқдорни ташкил этиши ҳам исботлайди). Лекин, шунга қарамай, айнан муноқиблар Ўрта Осиё ҳудудидаги ислом тарихи бўйича муҳим манба ҳисобланади. См: Paul J. Hagiographische Texte als historische Quelle // Saeculum. Verlag Kari Alber Freiburg. München, Jahrbuch für Universalgeschichte, 41 (1990). P. 17-43.

[2] Например: ас-Сафи, Фахр ад-Дин али ал-Кâшифи. Рашахâт ‘айн ал-хайâт. Литография. Ташкент, 1911.

«Мифтах ат-толибин» асарида Ҳусайн Хоразмий ҳаётига доир афсонавий маълумотлар келтирилади. Масалан, шайхнинг дуоси орқали Серахс шаҳрининг олиниши, бир бадавлат кишининг етти йил давомида касал бўлган ўғлини даволаши, Заҳириддин Муҳаммад Бобур томонидан шайхнинг ҳассаси олдида намоз ўқилганлиги ва ҳаётида ҳеч қачон кўрмаган, аммо, ўзгалардан эшитган маълумотлари асосида уни қаттиқ ҳурмат қилган Бобурнинг шайхдан мадад сўраганлиги ва, албатта, ўз тарафдорларига шайхнинг мўъжизавий таъсири ҳақидаги маълумотлар шулар жумласидандир. Сўнгги ҳолат тасдиғи учун шайхнинг Самарқанддаги ҳаётига оид маълумотни мисол тариқасида келтириш мумкин. 939/1532-33 йили шаҳарда оғир ичак касаллиги тарқалади. Шайх хонақоҳидаги кишилар эса бутун эпидемия давомида бу дардга умуман дучор бўлмаганлар. Жума кунлари ибодат учун шайх «Хоним» масжидига кетаётганда бутун йўл давомида унинг икки тарафини чўзилган қўлида сувли идиш билан одамлар қаторлашиб, шайх уларга қўлини текизиб, фотиҳа ўқишини интизорлик билан кутиб туришарди.кимки бу илтифотга эришса, у касалликдан фориғ бўлар эди[3].

Шу каби ҳикоялар турли сўфийлик тариқатларининг намояндалари ўз издошларига чукурроқ таъсир қилиш ҳамда янги тарафдорлани жалб қилишда муҳим ўрин тутган. Ўрта Осиёнинг асосий учта – Нақшбандия, Яссавия ва Кубравия тариқатларининг тарафдорлари ушбу ҳикоялар орқали бир-биридан янада ажралиб чиқмоқчи бўлганлар. Бу нарса XVI асрга келиб Шайбонийлар ҳукмронлиги ўрнатилгач, ҳудуддаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши билан боғлиқ шароитда янада кўзга кўринади[4].

Сўнгги даврларда Кубравия тариқати ўз мавқеини ошириш учун олиб борган фаол ҳаракатлари тўғрисида биз нафақат аниқ, балки бу масалага оид бўлган билвосита маълумотларни ҳам учратишимиз мумкин. Масалан, Махдуми Аъзам шогирди Мавлоно Лутфиллоҳ Чустийга (вафоти 1571) бағишланган «Макамат-и Мавлоно Лутфиллоҳ» асарини кўриб чиқайлик. Мазкур асар ҳижрий 1292 (1875) йили Мавлоно Мир Муҳаммад ал-Муфтий ат-Тошкандий томонидан ёзилган. Ушбу манбага кўра Мавлоно Лутфиллонинг бутун фаолияти Ҳусайн Хоразмийнинг издошлари билан баҳс-мунозара қилиш билан ўтган.

Биринчи йирик тўқнашув Оҳангаронда бўлиб ўтган. Бу тўқнашувда Мавлоно Лутфиллоҳ Кубравия тариқатининг намояндаси Хўжайи Хўрда (Соктареги) муридларини ўзининг тарафига ўтишга кўндариб олади. Хўжайи Хўрда тарафдорлари Мавлоно Лутфиллоҳ ҳақида айбнома тузиб, Бароқхон аъёнларига ушбу айбномани тақдим қилишади. Ўз ўрнида Мавлоно Лутфиллоҳ тарафдорлари Бароқхон ҳузурига келиб, бутут можарони ўз манфаатлари томонидан талқин қиладилар. Натижада, Бароқхон аъёнларининг бир қисми Мавлоно Лутфиллоҳ, иккинчи қисми эса Хўжайи Хўрданинг тарафини олишади. Бароқхон ушбу муаммо жиддий тус олаётганини кўриб, икала тарафни мажлисга чақиради ва улардан ярашиб олишни талаб қилади.

Пировардида, Мавлоно Лутфиллоҳ тарафдорлари Бароқхондан ҳимоя ёрлиғини олишга муяссар бўладилар. Бу ёрлиқда қуйидагилар баён қилинган: «Бу тухматни яна кимдир қайтарса, ўз бошини йўқотишдан қўрқсин. Ва Мавлоно хизматида турган кишиларнинг йўлида турмасин. Ва, айниқса, Шайх Муҳаммад Ҳусайн Кубровий тарафдорлари томонидан ҳеч қандй йўлтўсарлик бўлмаслиги керак»[1].

Бу ёрлиқ ҳақиқатдан ҳам Тошкент ҳукмдори томонидан ёзилганлиги тўғрисида бирор нарса дейиш қийин. Нима бўлганда ҳам, бу ёрлиқ Мавлоно Лутфиллоҳнинг ҳолатини мустаҳкамлаб бера олмади. Негаки, юқорида тилга олинган воқеадан сўнг у яна бир йил мобайнида Тошкентда кўринмай юрган. Фақатгина, Хўжайи Хўрда вафот этган (ва қўлёзмада келтирилишича, унинг тарафдорлари «ўз қилмишларидан пушаймон» бўлгач[2]), Мавлоно Лутфиллоҳнинг мавқеи яна Тошкентда ўрнатилди.

Самарқандда ҳам Мавлоно Лутфиллоҳ Кубравия тариқатининг намояндалари билан ёмон алоқада бўлган. «Мақомоти Мавлоно Лутфиллоҳ» номли манбада келтирилишича, «Хўжагий васифтига кўра» (яъни, Маҳдум Аъзам) Мавлоно самарқандда Нақшбандия таъсирини тикламоқчи бўлган. Ҳусайн Хоразмий тарафдорлари билан

[3] Цитируется по кн.: Бартольд В.В. Сочитания. Т. VIII. С. 150.
[4] Мукминова Р.Г. Борьба за Мавераннахр между Темуридами и Шейбанидами / к истории образования узбекского государства Шейбанидов: / дисс. канд. истор. наук. Л.; 1949. С.130.

[1] Макамат-и Мавлана Лутфиллох. Рук. ИВ АН РУз, инв. « 5785, л. 167б-168а.
[2] Макамат-и Мавлана Лутфиллох. 168а.

бўлган музокараларда Мавлоно Лутфиллоҳ уларни рофизийликда (шиаликда) айблаган[3].

Шуни айтиб ўтиш керакки, қўлёзма манбаларда келтирилган маълумотларнинг таҳлили Кубравия тариқатининг тарафдорлари тез-тез шиаликда айбланиб келганлигини кўрсатмоқда[4]. Бу ҳодиса, асосан, ўша даврда Эрон ҳудудида шиалик ҳаракатининг ўсиши билан боғлиқ. Шиаликнинг етакчилари ўзларини Кубравия сўфийлик тариқатининг издошлари, деб ҳисоблаганлар[5]. Ж.М.Тримингэм таъкидлашича, «шиалик сўфийлик ниқобида Кубравия, Хилватия, Бектошия ва Байрамия тариқатлари ичида яширин оқимга айланди»[6].

Шиаликда бўлган айблар Ўрта Осиё ҳудудида Кубравия тариқатининг суннийлик оқимида эканлигини яна ва яна таъкидлаш учун ҳаракатлар қилинди. Ушбу иш, хусусан, 1139/1726 йили тузилган «Ашжар ал-ҳулд» асарида амалга оширилган[7]. Ушбу асарда турли сўфийлик тариқатларига мансуб бўлган еттита шайх шажараси келтирилган. Шулар жумласидан, кубровийлик тариқатининг шайхлари – «Силсилаи сунния Кубравия» ҳам бор[1]. Ва бу шажара Шайх Нажмиддин Ҳусайн билан якунланади. Бироқ, бу ҳаракатларга қарамай, Кубравия тариқатини шиаликда айблаш тез-тез вужудга келиб турган[2].

Юқорида тилга олинган айбловларга жавобан Кубравия тариқатининг тарафдорлари Самарқанд тахтининг вориси Султон Сайиддан мадад олиб, Мавлоно Лутфиллоҳни тутиб олишади ва ҳамманинг кўз ўнгида унинг соқолини оладилар.

Манбада келтирилишича, бир неча кундан сўнг Самарқанд ҳукмдори Абдуллатиф Мавлоно Лутфиллоҳ ҳузурига келиб, ундан ўз жияни (биродар-зода-йе худ) Султон Сайид қилган иши учун узр сўрайди. Лекин, шунга қарамай, Мавлоно Лутфиллоҳ ичида гина сақлайди. Ва Абдуллатиф вафот қилганидан сўнг (вафоти 1550) Лутфиллоҳ Бароқхонни Самарқандни босиб олишга кўндирмоқчи бўлади. Ҳақиқатан ҳам, бироздан сўнг Бароқхон икки марта ҳаракат қилиб, 1153 йили Самарқандни босиб олади[3].

Самарқанд ҳукмдори Абдуллатиф укасининг қилмишлари учун ҳақиқатан ҳам, Мавлоно Лутфиллоҳдан кечирим сўраган бўлиши мумкин. Негаки, Абдуллатиф Мавлоно Лутфиллоҳнинг Бароқхон билан яхши муносабатда эканлигидан хабардор ва Бароқхон юқорида тилга олинган нохуш воқеадан фойдаланиб, Самарқандни босиб олишга ҳаракат қилиши мумкин эди.

Юқорда тилга олинган маълумотлар XVI асрда Кубравия тариқатининг мавқеи Мовароуннаҳрнинг йирик шаҳарларида юқори даражага эга бўлганидан далолат бермоқда. Турли тариқатлар, таълмотлар ва сўфийлик гуруҳлари ўртасидаги рақобатга келадиган бўлсак, бу ҳолат янги эмас, балки одатий бўлган. Ўрта Осиёда турли тариқатларнинг рақобати, айниқса, XIV-XV асрларда яққол кўзга ташланади. Натижада, биз баён қилаётган даврга келиб, нақшбандия тариқати, айниқса, Хўжа Аҳрор фаолияти туфайли юқори мавқега эришади ва бундай ҳолат XV асрда ҳам сақланиб туради. Бироқ, тадқиқот Ўрта Осиёда ислом тарихи жуда мураккаб ва серқирра эканлигини кўрсатмоқда.

Д.ДеВис XVI асрдаги Ҳусайн Хоразмийнинг фаолияти Ўрта Осиёдаги Кубравия тариқатининг қисқа муддат ичида бўлса ҳам энг кучли ва обрўли даври, деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, ушбу тариқат намояндалари кейинги даврларда ҳам анча фаол ҳаракат олиб борганлар. Буни тарихда Ҳусайн исми билан аталувчи ва Хоразмдан келиб чиққан учинчи шахснинг мавжудлиги ҳам исботлайди.

Учинчи Ҳусайн Хоразмий бўйича тадқиқот олиб борар эканмиз, биз бу шахс ҳақида умуман тарихий маълумотларнинг мавжуд эмаслиги ва қўлёзма манбаларда деярли ҳеч маълумот келтирмаганлигига амин бўлдик. Учинчи Ҳусайн ҳақида маълумот кам учраши у фақатгина Хоразм ҳудудида танилган бўлиши мумикнлиги билан боғлиқ бўлса керак. Бирок шунга қарамай, аниқ шажаранинг мавжудлиги ва вақф хўжалигининг ҳолати Кубравия тариқатининг сўнгги асрлардаги тармоғининг ушбу намояндаси ҳам таниқли шахс бўлганлигидан далолат бермоқди.

---

3 Макамат-и Мавлана Лутфиллох. Л. 177а.
4 Mole M. Les Kubrawiya entre sunnisme et shiisme aux huitieme et neuviéme siécles de l'Hégire // Revue des études islamiques, 29 (1961). P. 61-142.
5 Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. С.87.
6 Ibid. С.88.
7 Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекистана. – Ташкент: Фан, Т.III. С.363. № описания 2689.
1 Ашжар ул-ҳулд. Рук. ИВ АН РУз, инв. № 498/II. Л. 150 а.
2 Ушбу масала биз тадқиқ этаётган мавзуга карашли эмас. Бу масалага Девин ДеВис қуйидаги мақоласида мурожат қилган: Sayyid 'Ali Hamadani and Kubrawi Hagiographical Traditions // The Legacy of Mediaeval Persian Sufism. Edited by Leonard Lewisohn. London: Khaniqahi Nimatullahi Publications, 1992. P. 121-158.
3 Макамат-и Мавлана Лутфиллох. Л. 177б-178б.

Шу ўринда савол туғилади. Қандай қилиб XVII асрда Хоразмда яшаган Ҳусайн Бобо номи билан маълум бўлган учинчи Ҳусайн Хоразмий Кубравия тариқатига алоқадор бўлган? Ва, умуман, бу тариқатга мансуб бўлганми ёки йўқ?[1]

Шу билан боғлиқ ҳолда биз бир ёзма ёдгорлик ҳақида эслатиб ўтмоқчи эдик. Бу манба Ҳусайн Бобо[2] номи билан маълум бўлган шахсга тегишли бўлиб, тарихда учинчи Ҳусайн исмли киши мавжуд бўлганлигини исботлайди.

Ушбу ҳужжатнинг топилишига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Ҳозирги Ўзбекистоннинг Хоразм вилоятининг Хазорасп туманида[3] Муқаддас қадамжоларнинг бири жойлашган. Бу «Шайх Ҳусайн Бобо» мозори бўлиб, унинг атрофида яшовчи бир неча маҳаллий оилалар ўзларини хўжа ва пирлар авлодига тегишли, деб ҳисоблайдилар. Улар ўзларининг шажараларини Шайх Ҳусайн Бободан бошлаб олиб борадилар. Ушбу шажаралар бўйича ҳозирги авлод ўзини 10-ёки 11-бўғин, деб ҳисоблайди.

1995 йили юқорида тилга олинган мозорнинг муиаввалийси Ҳайитбой Маткаримов эски мозорларнинг бирида титилиб кетган араб ёзуви билан ёзилган қоғозларни топиб олади. Бу шажара эди. унинг катта қисми умуман ўқишга яроқли эмасди. Биринчидан, улар ёзилган даврдан анча вақт ўтганди, иккинчидан, сақланиш шароити жуда ёмон бўлганлиги учун қоғозлар чирий бошлаганди[4]. бироқ шунга қарамай, шажаранинг сўнгги қисмини ҳамда бу шажарани ёзган мозор мутаввалийси бўлмиш Ҳаким Ҳожининг исмини ва шажара ёзилган сана билан муҳрни ўқишга эришилади.

Ушбу ҳужжатга биноан Ҳусайн Бобо силсиласи Ҳусайн Хоразмийга қуйидагича бориб тақалади: Шайх Ҳусайн Хоразмий – Шайх Ҳусайн Хивақий – Шайх Ҳусайн Бухорий – Шайх Боқий – Шайх Латиф – Шайх Ҳусайн Бухорий.

Мазкур шажарадан кўриниб турибдики, Ҳусайн Бобонинг Кубравия тариқатига мансублиги Ҳусайн Хоразмийга алоқадорлиги билан исботланади. Бундан ташқари, биз «Ғариб ул-мискин» асарида ҳам Ҳусайн Бобо ҳақида маълумот учратдик. Бу асар «Рисола-йи хилват-и сўфия» номи билан Шарқ қўлёзмалари тўплами Фихристида тилга олинади[1]. Бу асар ўзбек тилида номаълум муаллиф томонидан ёзилган бўлиб, унда 1228/1813 йил воқеалари баён қилинган. Ушбу йили Хиванинг тўртта йирик хонақоҳларидан иноқ Қутлуғ Мурод ибн Авазбек буйруғи билан қирқ кунлик рўза ўтказилади. Ушбу маросимда иштирок этган «хоразмлик сўфийлар» орасида Қутлуғ Муроддан ташқари Хиванинг қози ал-қуззоти (яъни, қозийлар қозиси) Шер Муҳаммад Хўжа, Муҳаммадбий иноқ ва бошқа кишилар бор эдилар. Ушбу асар жуда қисқа бўлишига қарамай, у XIX асрнинг биринчи ярмида Хивадаги диний вазият ҳақида маълумот берувчи муҳим манба ҳисобланади. Қўлёзмада уни кўчирган ҳаттотнинг исми кўрсатилган (Мулла Муҳаммад Собир Худойберган девон муҳркон[2] ўғли Хоразмий) ва манба кўчирилган сана сифатида 27 шаъбон 1343/23 март 1925 йил эикр этилган. Бу эса асар кўчирилган вақтда ҳам ўз мавкеини йўқотмаганидан далолат беради.

Мазкур асарининг муаллифи Кубравия тариқатининг издошлари бўлган Хоразм шайхларини ҳам санаб ўтиб, уларнинг ҳаёти, вафоти ва қабрларининг қаерда жойлашганлиги ҳақида қимматли маълумотларни келтиради. Бу

---

1 Ушбу масалани Д.Девис Кубравия ҳақидаги мақоламизни кўриб чиққач, бизнинг олдимизга қўйган. Қаранг: Каримов Э. К характеристике некоторых позднесредневековых источников по истории деятельности тариката Кубравийа в Центральной Азии / O'zbekiston tarixi. № 1. Ташкент, 2006. С.24-33.

2 1997-2002 йилларда биз томондан Хоразмга уюштирилган бир қатор экспедициялар давомида мозийнинг бир неча ўқлёзма ёдгорликларини аниқлашга муваффақ бўлинди. Булар, биринчи навбатда, шахсий қўлларда сақланувчи вақфномалар ва Хивадаги Ичан-Қалъа музейидаги шу кунларгача ўрганилмаган ҳужжатлари.

3 Туман маркази Хазорасп ҳозирги Ўзбекистоннинг Хоразм вилоятида Хивадан шарқда жойлашган. Тарихий Хазорасп шаҳри Буюк Ипак йўлининг йирик савдо ва маданий шаҳарларидан бири бўлган. Шу билан бирга, бу шаҳар Хазорасп давлатининг шарқий дарвозаси сифатида ҳам танилган эди. Хазорасп (Азарис, Хазарист, Гизарис) шаҳри Хива иноқлари жойлашган ерларнинг бири ҳам бўлган.

4 Бу ҳолат ўтмиш тарихи ҳозирги кун билан боғланадиган ҳолатга ўхшайди. XX асрда Ўрта Осиё аҳолиси бир неча марта большевик ҳокимияти томонидан уюштирилган қатағонлик тўлқинларини бошдан ўтказишган. Қўрқувдан одамлар уларга айбловлар қўйиш мумкин бўлган барча нарсаларни яширишган. Шу тариқат тарихий ёзма ёдгорликларни йўқ қилиш йўлга қўйилади. Ҳукумат барча ҳужжатларни тортиб олиб, йўқ қилиш ва ҳаттоки, ушбу ҳужжатларнинг нақадар бебаҳолиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрилмаган. Одамлар эса ҳукумат уларда араб тилида ёзилган ҳужжатларни кўриб қолади, деб ўйлаб, қўрқувдан ўзлари ушбу ҳужжатларни ёндириб ташлашади. Бу жараён бу жараён шажара ва насабномаларга ҳам тегишли. Одамлар баъзида ҳужжатларни ерга ҳам кўмиб ташлашган эди. Вақт ўтган сари улар билан нима содир бўлганлиги аёндир. Бу ҳодиса билан биз хон ёрлиқлари ва қози ҳужжатларини нашрга тайёрлаш жараёнида ҳам тўқнаш келганмиз. Қаранг: Каримов Э. Регесты казийских документов и ханский йарлыков Хивинского ханства XVII – начала XX в. - Ташкент: Фан, 2007.

1 Сборние восточных рукописей АН Узбекистана. Т.III. С.381. № описания 2720.

2 Муҳркан – муҳр ясовчи.

ёзма ёдгорлик Ҳусайн Бобо невараси шайх ал-ислам Отажон Хўжа ҳақида ҳам баён қилади. Унга кўра бу шахс невараси Хива хонининг саройида шайхул ислом лавозимини эгаллаб келган[3]. Асарда, шунингдек, XIX асрда Хивада Нажмиддин Кубронинг масжиди ва хонақоҳи мавжуд бўлганлиги ва Кубравия тариқати бу ерда кучли фаолият олиб борганлиги ҳам тилга олинади[4].

Бирор тариқатга тегишли мозорнинг мавжудлиги (бизнинг мисолимизда бу Кубравия мозори) – бу мазкур сўфийлик тариқатининг жамиятдаги юқори мавқеини исботловчи муҳим далилдир. Вақф эса хусусий мулкнинг бир тури бўлиб, кўп ҳолларда у муайян муқаддас қадамжо фойдасига эҳсон қилинган мулкни ҳам англатган. Айниқса, бу ҳолат сўфийлик тариқатлари билан боғлиқ мозорлар мисолида яққол кўзга ташланади. Мозорларнинг ва муқаддас қадамжоларнинг халқ орасидаги обрўсини инобатга олган ҳолда қабрлар ва вақфларнинг миқдорига қараб, диний арбобларнинг мавқеи қандай даражада бўлганлигини аниқлаш мумкин. Р.МакЧесни таъкидлаганидек, исломий тасаввурларнинг таъсири остида оддий халқ орасида авлиё қабри эъзозланган ва бу ҳолат пайғамбар Муҳаммад оиласига бўлган юқори ҳурматни англатган[5].

Р.МакЧесни ўзининг бошқа ишида исломда муқаддас қадамжоларнинг вазифалари турлича бўлганлигини таъкидлайди. Муқаддас қадамжолар зиёратгоҳ вазифасини ҳам ўтаган. Айниқса, Маккага Ҳажга бориш имкониятига эга бўлмаганлар учун бу жуда қулай бўлган. Маълумки, Ўрта Осиёда Ҳажга бориш жуда мушкул масала бўлган ва бу амални бажариш ҳаммага ҳам насиб қилавермаган[1]. Натижада, Ўрта Осиёда муқаддас қадамжолар жуда машҳур бўлиб, кишилар ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган[2]. Ўрта Осиё ҳудуди эса, ўз навбатида, муқаддас қадамжоларга зиёрат қилинадиган йўлларнинг кесишиш нуқтасига айланиб қолади[3]. Бу вазият ҳозирги кунларимизгача сақланган бўлиб, тадқиқотчилар томонидан қизиқиш билан ўрганилаётган масала ҳисобланади[4].

Муқаддас қадамжолар сиёсий ҳомийлик объекти ва обрўли оилавий сулолаларнинг шаклланиш воситаси сифатида ҳам хизмат қилган (мисол тариқасида Хўжа Аҳрор авлодларини ёки Жуйбор шайхларини ёхуд яна кам ўрганилган бўлса ҳам, аммо катта аҳамиятга эга бўлган Аҳмад Яссавийнинг оилавий ришталарини келтириш мумкин[5]). Муқаддас қадамжолар билан боғлиқ кимсаларнинг ўзи эса илоҳийлаштирилган. Бундай жойда хизмат кўрсатиб, уни бошқарган кишилархудди ўша ерда ётган авлиё каби илоҳий кучга эга, деб ҳисобланган[6]. Муқаддас қадамжолар зиёратгоҳ ва дафн қилинадиган жойлар сифатида жуда муҳим бўлган. Кўп ҳолларда бундай жойлар айрим ҳукмдорларнинг сисий раҳномалиги остида бўлган. Айнан шу жиҳатдан фойдаланган ҳолда муқаддас қадамжолар ҳудудида тариқатларнинг машҳур сулолалари шаклланиб, узоқ вақт мобайнида фаолият олиб борганлар (буни шайхул ислом лавозимини эгаллаган Ҳусайн Бобо неварасининг мисоли ҳам тасдиқлайди). Улар Ўрта Осиё тарихий воқелигида муҳим ўрин эгаллаган бўлиб, одатда, турли этник, ижтимоий ва диний можароларни ҳал этишда воситачи сифатида хизмат қилишган[7]. Юқоридаги маълумотларни биз кўтариб чиқаётган масала – Кубравия тариқатига ҳам алоқадор эканлигини айтиб ўтишимиз мумкин. Бундан ташқари, биз нашрга тайёрлаган ҳужжатлар Ўрта Осиё жамиятида Кубравия тариқати жуда катта мавқега эга бўлган, деб таъкидлашга имконият яратди.

---

3 Гариб ул-мискин. Рук. ИВ АН РУз, инв. № 7610. С.18.
4 Гариб ул-мискин. С.24.
5 McChesney R.D. Waqf ni Central Asia: Four Hundred Years in the History of a Muslim Shrine, 1480-1889. / Princeton: Princeton University Press, 1991. P. 33-34.
1 McChesney R.D. Central Asia: Foundations of Change / Princeton, New Jersey: The Darwin Press, Inc. 1996. P.72.
2 McChesney R.D. The Central Asian Hajj-Pilgrimage in the Time of the Early Modern Empires // Safavid Iran and Her Neighbors. Ed. by Michel Mazzaoui. Salt Lake City: University of Utah Press, 2003. P.129-156.

3 Poujol C. Géographie sacreé de l'Asie centrale: des lieux et des dieux – Aux confines. de l'islam // Hommes et Terres d'Islam. Mélanges offerts á Xavier de Planhol. D. Balland (ed): Institut Français de recherche en Iran, Bibliothéque Iranienne, 53, tome I. P. 41-48.
4 Abramson D., Karimov E. Sacred Sites, Profane Ideologies: Religious Pilgrimage and the Uzbek State // Everyday Life in Central Asia Past and Present. Edited by Jeff Sahadeo and Russell Zanca. Indiana University Press, 2007. P. 319-338.
5 DeWeese D. The Politics of Sacred Lineages 19$^{th}$-Century Central Asia: Descent Groups Linked to Khwaja Ahmad Yasavi in Shrine Documents and Genealogical Charters // International Journal of Middle East Studies. Volume 31, Number 4, November 1999. Pp. 507-530.
6 McChesney R.D. Central Asia: Foundations of Change. P. 73.
7 Ibid. P. 73-74.

**Ботирхон Валихўжаев**
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик*

# МАХДУМИ ХОРАЗМИЙНИ БИЛАСИЗМИ?

Ҳусайн Хоразмий милодий 1493-1494 (899 ҳижрий) йилларда Хуросонга бориб, Махдуми Аъзам сифатида шуҳрат қозонган Хожа Муҳаммад Хабушоний қошида ўн бир йил хизматда бўлди. Тасаввуфни чуқур ўрганиб пири Хожа Муҳаммад Хабушонийнинг фотиҳасини олади ва 1504-1505 йилларда ватани Хоразмга қайтиб келади. Унинг ватанидаги ҳаёти ва фаолияти асосан тасаввуф асослари, хусусан, Ҳусайния йўналиши қонун-қоидаларини тарғиб қилишга бағишланади. Бу соҳада шуҳрати ошиб, ихлосмандлари ҳам кўпаяди.

Хоразмий 1517 йилда (ҳижрий 923) ҳажга бориш нияти билан Бухорога келади. Унинг бу ниятини эшитган Самарқанддаги муридлари кўп илтимос билан Хоразмийни аввал Самарқандга келишга кўндирадилар. Шундай қилиб, Ҳусайн Хоразмий 1518 йилда Бухородан Самарқандга келади. Аввал Самарқанд шаҳри ташқарисидаги Ғори ошиқон деган жойда қўним топади. Ихлосмандлари ундови билан у шаҳар ичидаги амир Шоҳмалик мадрасаси ҳужрасида ишлай бошлайди. У Регистон майдонининг шарқида жойлашган маҳалладан ҳовли олиб, оиласини Хоразмдан кўчиртириб келтиради. Бу жой кейинчалик Махдуми Хоразмий гузари деб юритилиб, ҳозирги кунга қадар шу ном билан аталади.

Ҳусайн Хоразмий – Махдуми Хоразмий Самарқандда экан, унинг тарихий обидаларини кўздан кечиради, табаррук қадамжолари, жумладан, Хожа Аҳрор мозорини зиёрат қилади, бу шаҳарда ўз фаолиятини давом эттиради. Шунинг билан бирга, баъзан Бухорога, ҳижрий 937 (милодий 1530-1531) йилда эса Марвга сафар қилади.

Ҳижрий 956 (милодий 1549) йилда Самарқанд ва унинг атрофидаги табаррук жойлар зиёрати баҳонаси билан Шаҳрисабзга, Қаршига, ундан сўнг Бухорога ўтади. Бухорода, аниқроғи, Жўйборда бўлганида унинг ҳажга бориши овозаси Ҳиндистонгача етади. Шунда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг фарзандлари унинг олдига элчи юбориб, «Агар ҳажга бормоқчи бўлиб, бизнинг томон билан ўтсалар, хурсанд бўлар эдик ва хизматга тайёрмиз» мазмунида хат ҳам ёзадилар. Ҳусайн Хоразмий элчиларга миннатдорчилик билдириб, Қоракўл орқали Хивага боради. Шу ерда катта ўғли Шарифиддинга мактуб ёзиб, ҳажга боришга рози бўлган кишилар билан Хивага етиб келишларини тайинлайди. Шарифиддин Самарқанд ва Бухородаги муридлари билан Хивага етиб келади ҳамда қарийиб уч юздан кўпроқ киши билан ҳажга йўл оладилар. Бу йўл Хожи Тархон (Астрахань), Азов, Қрим, Истанбул, Куния, Ҳалаб, Шом орқали уларни Мадина ва Маккага етказади. Ҳаж маросими бажарилиб, улар Шомга келадилар. Бу шаҳар Ҳусайн Хоразмийга маъқул бўлиб қолади ва у бу ерда бир боғ сотиб олиб, хонақоҳ қуради, умрининг қолган қисмини шу ерда ўтказажагини ҳамроҳларига маълум қилади. Уларни Ҳалабга кузатиб келиб, шу ерда 1551 (ҳижрий 958) йилда вафот этади. Васиятга кўра унинг жасади Шомда, ўзи қурдирган хонақоҳда дафн қилинади. У билан бирга бўлганлар Хоразмга, Мовароуннаҳр, жумладан, Самарқандга қайтадилар.

Ҳусайн Хоразмий пайғамбар авлодидан бўлмиш Мулло Хожанинг синглисига уйланади. Катта ўғли Шарифиддин, ундан кейингиси Шаҳобиддин ҳам уйланиб, фарзандли бўлганлар ва улар боболарининг Самарқанддаги ҳовлисида яшашган. Набираларидан Хожа Мирак, Муҳаммад Боқи, Муҳаммад Тоҳирларнинг отлари маълум. Махдуми Хоразмий гузари – маҳалласида ана шу хонадоннинг вакиллари ҳозир ҳам яшамоқдалар. Улардан бири кекса, донишманд отахон, ўқитувчилик касбидан нафақага чиққан Мақсудхон Бобохоновдир.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ҳусайн Хоразмий Ҳусайний тариқатига доир рисола ҳам ёзган. Айни пайтда, у Ҳусайний тахаллуси билан ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ижод этган. Мана унинг ўзбек тилида ёзга рубоийсидан бир намуна:

Демаки бу ишқ йўли бас осондир,
Бу ишқ йўлида бас жигарлар қондур.
Улким, бу йўл ичра қадам урди, дуруст,
Бу барча халойиқ ичида Султондир.

Ҳусайн Хоразмийнинг у ҳақда, унинг шогирдлари ва муридлари ҳолати тўғрисида ҳаётийлик вақтидаёқ мақом ҳолда ёзилган. Бу жиҳатдан унинг шогирди Камолиддин Маҳмуд Ғиждивонийнинг «Мафтоҳ ул-толибин», «Толелар ечими» номли китоби ҳамда Ҳусайн Хоразмийнинг катта ўғли Шарифий тахаллусли Шарифиддиннинг «Жодат ул-ошиқин» («Ошиқлар йўли») асарини алоҳида эслатиш лозим.

«Жодат ул-ошиқин» Ҳусайн Хоразмий вафотидан сўнг 1565-1566 йилларда Самрақндда ёзилиб, унинг 1570-1571 йилларда Самарқандда насталиқ хати билан кўчирилган қадимий нусхаси юқорида эслатганимиз муҳтарам Мақсудхон Бобохоновнинг шахсий кутубхоналарида табаррук мероси сифатида сақланмоқда. Бу нусха билан танишишига рухсат берганлари учун муҳтарам отахонга чуқур ташаккур ва миннатдорчилик билдираман.

Шундай қилиб, қадимий Саманқанд билан ўз тақдирини боғлаганлардан бири – Махдуми Хоразмий сифатида эҳтиром билан эсланади. Бу эса унинг ҳаёти ва фаолиятини жиддий ўрганишни тақозо этади.

***Маҳмуд Ҳасаний***
*ЎзФА Шарқшунослик институти, тарих фанлари доктори*

# ҲУСАЙН ХОРАЗМИЙНИНГ ИЛМИЙ ВА АДАБИЙ МЕРОСИ

Ҳусайн Хоразмий етук мутасаввиф бўлиб, минглаб шогирдларни тарбиялабгина қолмай, ўзидан бир неча асарлар ҳам қолдирган. Бироқ шу пайтгача Ҳусайн Хоразмийдан асарлар қолмаган, деган фикр мавжуд эди. Махдуми Хоразмийнинг авлодларидан бўлган Моҳитўра опанинг мурожаати билан биз ЎзФА Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар фондини ўрганиб, Ҳусайн Хоразмийдан бир неча асарлар мерос қолганини аниқладик. Бу асарлар қуйидагилардан иборат:

**1. «Иршод ул-муридин»**
**(«Муридларга тўғри йўл»).**

«Иршод ул-муридин» ҳақида «ЎзР ФА Шарқшунослпк институти қўлёзмалар мажмуаси» (СВР) китобида қисқача тавсиф берилган бўлиб, унинг муаллифи Ҳусайн ал-Хоразмий эканлиги, Кубравия тариқатида бўлганлиги, 956/1549 ёки 958/1551 йилда вафот этганлиги қайд этилган.

«Иршод ул-муридин»нинг бу қўлёзмаси тахминан XVIII асрда кўчирилган. 44 варақдан иборат. Ўлчови 13х22,5. Шайх Муҳаммад Хожа томонидан Хоразмда кўчирилган. Асарнинг ёзилиш санаси 925/1519 йил. Матн тилла суви йўғрилган жадвалга олинган. Бироқ сарлавҳалар, Қуръон ва ҳадис ёзилиши керак бўлган жойлар очиқ қолган. Унда котибнинг муҳри бўлиб, муҳрда 1201/1787 йил санаси кўрсатилган. Хати настаълиқ.

Биз мазкур асарни таржима ва тадқиқ қилишга киришдик. Аммо унда сарлавҳаларнинг йўқлиги, Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг ўрни очиқ қолганлиги уни тўлиқ таржима қилишга имкон бермади. Биз тадқиқотни яна давом эттириб, 11159-рақамли қўлёзма жилдда унинг яна бир нусхаси борлигини аниқладик. Бу қўлёзма жилдда бир неча рисолалар жамланган бўлиб, шоҳварағида унинг умумий номи «Баҳр ул-қулуб» («Қалблар денгизи») экани ёзилган эди. Ундаги биринчи рисоланинг аввалги варағи йўқ бўлиб, солиштириб кўрганимизда «Иршод ал-муридин»нинг айнан ўзгинаси экани маълум бўлди. Унда оятлар, ҳадислар, сарлавҳа ва фасллар қизил сиёҳда тўлиқ ёзилган эди. Рисола охирида унинг ёзилган йили қуйидагича баён қилинган:

«925/1520 йили Хоразмнинг Бекодоғи деган ерида Ҳаким Ато авлодларидан бўлган Шайх Муҳаммад хожа хонадонида ёзиб тугатилди»,– дейилади. Ҳусайн Хоразмийнинг ёзишича, Шайх Муҳаммад хожа унинг энг яқин ва садоқатли муридларидан бири бўлган.

**2. Одоб ул-муридин («Муридлар одоби»).**

Бу асар «Баҳ ул-қулуб»даги иккинчи рисола бўлиб, «Одоб ул-муридин мин мақолоти Ҳазрати Махдумий қуддиса сирруҳу» («Муридлар одоби ҳақида Ҳазрати Махдуми, сирлари муқаддас бўлсин, айтганларидан») деб номланган. Рисолада муриднининг пирга ва пирнинг муридга нисбатан одоблари ўз ифодасиии топган. Охирида:

«Рисола Бухорода Сафидмун деган жойдаги Файзобод хонақоҳида 927/1519 йили ёзиб тугатилди», – дейилади.

Бу рисоланинг ҳам котиби Мир Али ибн Абдуссалом ал-Оштий ал-Бохарзий бўлиб, 962/1554 йили Бухорода Ҳазрати Шайх Шоҳ маҳалласида кўчирилгани қайд этилган.

**3. Рисолаи мавъизаи манзума**
**(«Шеърий насиҳатлар рисоласи»).**

Рисола махсус ном билан аталмаган. «Рисолаи мавъизаи манзума» деган ном унинг мазмунига қараб, номаълум одам томонидан қўйилган ва ЎзР ФА ШИ картотекасига шу тахминий ном ёзиб қўйилган. Рисоланинг ёзилган йили аниқ эмас. Сарлавҳа ўрнида қизил сиёҳда «Бисмҳи субҳонаҳу ва таоло» сўзлари ёзилган, «Рисолаи мавъизаи манзума» 50-60 бетларни ўз ичига олади. Рисола ҳамд ва наът билан қуйидагича бошланади:

*Жў паноҳ, эй дил, зи Шайтони ражим,*
*Суйи бисмиллоҳир Роҳмонир Роҳим,*

Рисола ўн саккиз фаслдан иборат бўлиб, охири қуйидаги ишора билан тугайди:

*Салоти доимий ин аст, эй дил,*
*Чаро мондӣ дарин раҳ пой дар гил.*

**4. Ғазаллар ва рубоийлар**

Таъкидлаб ўтиш керакки, Махдуми Хоразмий етук шоир бўлган. Мазкур қўлёзмада унинг 8 та ғазал ва 11 та рубоийси келтирилган. Бу ғазал ва рубоийлар ҳам алоҳида ном билан аталмаган. Улар «Рисолаи мавъизаи манзума» сўнггидан бошланади. Махдуми Хоразмий ғазалларига Ҳусайний деб тахаллус қўйган. Унинг ғазаллари ғоятда нақис, завқ билан ўқилади. Биринчи ғазал қуйидаги матлаъ билан бошланган:

*Биёеу дарди маро як нафас давос кун,*
*Ба май ҳикояти ҳижрони худ адое кун.*

Тугаши эса қуйидагича:

*Сулуки тик агар боядат Ҳусайнивор,*
*Зи жойи хеш баро,илтижо ба жое кун.*

Ғазаллардан сўнг рубоийлар бошланади. Унинг рубоийлари ҳам бадиий жиҳатдан юқори савияда ёзилган. Мисол тариқасида қуйидаги рубоийни келтирамиз:

*Дар роҳ ту жону дил фидо хоҳам кард,*
*Он аҳли қадимро вафо хоҳам кард.*
*Он дам, ки сар аз хок барорам чу гиёҳ,*
*Ман рўй ба суддаи сафо хоҳам кард.*

Булардан ташқари, Махдуми Хоразмий барча асарларини ўз шеърлари билан безаган. Асарларида ҳам унинг ғазаллари, рубоийлари, қитъалари ва фардлари ўрин олган. Бу ғазалларда ҳам у ўз исмидан тахаллус сифатида фойдаланган. Унинг девони борлиги ҳозирча маълум эмас.

**5. Мактубот**

Қўлёзмадаги бешинчи рисола «Мактубот» бўлиб, унда Махдуми Хоразмийга Махдуми Аъзам номи билан танилган устози Ҳожи Муҳаммад ал-Хабушонийнинг йўллаган мактублари ўрин олган. Афсуски, мактубларнинг биринчи варағи йуқолгани учун унинг қайси ном билан аталгани номълум. Мактубларга унинг устози «ходим ул-фуқаро Ҳожи Муҳаммад ал-Хабушоний» деб имзо чеккан. У ўз шогирдини Шайх Камолиддин Ҳусайн Хоразмий деб тилга олади. Мактублардан бирига 932/1525 йил санаси қўйилган ва «бу мактуб Хабушондан ёзииди» деб қўшиб қўйилган.

Мазкур мажмуадан яна бир неча рисолалар ўрин олган бўлиб, улардан айримларининг муаллифлари маълум бўлса-да, айримлариники номаълум. Уларнинг Махдуми Хоразмий қаламига мансубми ёки йўқми экани ҳали аниқланмаган.

Мазкур қўлёзманинг қиммати шундаки, у Ҳусайн Хоразмий вафотидан уч йил кейин, яъни 925/1554 йилда кўчирилган. Котиб, бизнингча, Ҳусайн Хоразмийнинг муридларидан бири бўлган ва Ҳусайн Хоразмий билан кўп йил бирга бўлган, унинг рисолаларини ўзи билан сақлаб, охири битта мажмуага жамлаган. Котиб ўз номини Дарвиш Муҳаммад ибн Мир Али ибн Абдуссалом ибн ал-Исҳоқ ибн Маҳмуд ал-Жилий ал-Оштий ал-Бохарзий тарзида келтиради ва рисолаларни Бухорода Шайх Шоҳ Бухорий маҳалласида кўчирганини таъкидлайди. Котибнинг ўзи ҳам шоир бўлиб, рисолаларнинг охирида ўз шеър ва рубоийларини келтирган.

***Комилхон Каттаев***
*тарихшунос олим*

# ШАЙХ ХОРАЗМИЙНИНГ ПИРЛАРИ: МАЪНАВИЙ СИЛСИЛА

Бошқа тасаввуф силсилалари каби Кубравия тариқатида ҳам турли сифатлардаги пирлар қабул қилинган. Жумладан, 1) пири тарбияти; 2) пири назари; 3) пири шариати; 4) пири тариқати; 5) пири хирқа; 6) пири иршод ва баъзан; 7) пири увайсий сифатларидаги пирлар ҳам келтирилади.

Ёш Камолиддин Ҳусайннинг пири тарбиятилари ўз отаси эди. «Жодатул-ошиқин» китобининг хабар беришича, ул зот болалигида воқеани кўрадики, гўё Ҳазрати Али (р)га иродат қўлини берган экан. шул жиҳатдан ҳам Камолиддин Ҳусайннинг пири увайсийлари1 Ҳазрати Имом Али (р) ҳисобланганлар; пири шариатилари Мавлоно Муҳаммад Ғиёс бўлган ва бу зотнинг ўз вақтида ёш Камолиддин Ҳусайнга шариат илмларидан сабоқ берганликлари зикрини юқорида кўриб ўтдик. Пири назарилари Шайх Умодиддин Файзуллоҳ бўлиб, тасаввуф доирасига киришда, илм сайр этишда ул зот эътибор ва назар этгандир. Пири иршоди ва пири тариқати (яъни, асосий муршид)лари Шайх Хабушоний ҳисобланган. Агарчи, пири хирқа, яъни хирқани2 кимдан кийганликлари биз кўриб чиққан бирор манбада айтилмаса-да, ушбу пир ҳам Шайх Хабушоний эканлиги англанилмоқда. Ул зотнинг вафот санасини Доро Шукуҳнинг «Сафинатул-авлиё» номли биз назардан ўтказган ҳар икки қўлёзмада ҳам 937 (1520) йил деб келтирилган.3 «Музаккирул-аҳбоб» китобида эса ул зотни Хоразмнинг Вазир қишлоғида дафн этилганликлари ёзилган.4 Бу пирлар фаолиятини қисман бўлса-да, бошда кўриб ўтдик.

Энди, манбаларда қайд этилган ва Шайх Махдуми Хоразмийдан бошланиб Ҳазрати Пайғамбарга (с) қадар бориб етадиган Кубравия силсиласи нисбати маънавиятининг тасаввуф олтин занжирига уланган намояндалари исмларини кўриб чиқсак!

## СИЛСИЛАИ ТАРИҚАТИ КУБРАВИЯИ ҲУСАЙНИЯ

Махдуми Ҳусайн Хоразмий
↓
Ҳожи Муҳаммад (Сўфи) Хабушони
↓
Шоҳ Али Бедоварзи
↓
Рашидиддин Муҳаммад Бедоварзи-Исфарони
↓
Мир Абдуллоҳ ал-Барзишободи
↓
Хожа Исҳоқ Хатлони
↓
Мир Сайид Али Ҳамадони
↓
Шарафиддин Маҳмуд Мардақори
↓
Рукниддин Алоуддавла Самнони
↓
Нуриддин Абдураҳмон Исфарони
↓
Жамолиддин Аҳмад Гирёни
↓
Розиддин Али Лоло Исфарони
↓
Маждиддин Боғдоди
↓
Нажмиддин Кубро
↓
Исмоил Қасри (ва Аъмор Ёсир)
↓
Абу Нажиб Сўҳраверди
↓
Аҳмад Ғаззоли
↓
Абу Бакир Нассож
↓
Абул Қосим Гургони
↓
Абу Усмон Мағриби
↓
Абу Али Котиб
↓
Абу Али Рўдбори
↓
Жунайд Боғдоди
↓
Сирри Сақти
↓
Маъруф Кархи
↓
Имом Али Ризо
↓

---
[1] Увайсий – пирни кўрмасдан, илгари вафот этганларга руҳониятли иродат этиш.
[2] Хирқа – пир томонидан кийдириладиган иршод ҳуқуқини берувчи тўн.
[3] Сафинатул-авлиё… қўлёзма. 214а, 2156-саҳифалари.
[4] Музаккирул-аҳбоб… 88-бет.

Имом Мусо Козим
↓
Имом Жаъфари Содиқ
↓
Имом Муҳаммад Боқир
↓
Имом Зайнулобидин
↓
Имом Ҳусайн (р)
↓
Амирал-мўминин Имом Али (р)
↓
Ҳазрати Пайғамбар Муҳаммад (с)

Ушбу шариф силсила «Жодатул-ошиқин», «Сафинатул-авлиё», «Тўҳфатул-зоирин» каби қўлёзма ва чопа китобу манбалардан истифода этилган ҳолда тузилди.

Ҳусайнияи – Ҳамадонияи – Кубровия аталган ушбу сулук манбаларда Машойихи Жунайдия ва Силсилатул-заҳаб (олтин силсила) деб номланган тариқат занжирига бориб уланди[Жодат…25 саҳифа].

Чунки, тасаввуфдаги қайси силсила Имомзодаларга, аниқроғи, Имом Али Ризо ва ота-боболарига бориб етказилса, уни «Силсилатул-заҳаб» (олтин силсила) деб атайдилар. Машойихи Жунайдия дейилишига эса сайидут-тоифа Жунайд Боғдоди орқали ўтадигани учун аталгандир [Ўша китоб, 26-саҳифа].

***Дилором Салоҳий,***
*СамДУ ўзбек адабиёти тарихи*
*кафедраси мудири, филология фанлари доктори,*

# ШАЙХ ХОРАЗМИЙ: “ИЛМНИ АМАЛГА ЯҚИНЛАШТИРМОҚ” ХУСУСИДА

Ўрта асрлар Шарқ маданияти инсон хилқатини ҳам ташқи, ҳам ички шаклу шамойил, мазмун нуқтаи назаридан мукаммал бўлишини талаб этди. Бу моҳиятан Шарқ ва Ғарб уйғониш даврлари мазмунига мос эди. Камолиддин Беҳзод ва унинг мактаби, Рафаэл, Микеланжело, Леонардо да Винчи инсоннинг ички дунёси ва ташқи кўриниши нақадар бир-бирига мутаносиб ва уйғун эканлигини мўйқалам воситасида намойиш этган бўлсалар, шарқ заминида фаолият олиб борган мутафаккирлар зумраси бундай уйғун баркамолликка инсон ўз саъй-ҳаракати, ғайрат-шижоати билан эришиши мумкин, дея фикр юритганлар. Даврнинг бундай илғор фикрли зиёлилари аксарияти тасаввуф шайхлари эдилар.

Самарқандда XVI аср бошларида яшаб фаолият кўрсатган машҳур пири тариқат, олим ва шоир Камолиддин Ҳусайн Хоразмий – Махдуми Хоразмий (1466-1551 мелодий) ҳам ўзининг бутун ҳаёти ва фаолияти давомида инсон эътиборини ўз қалбига қаратиш, қалб поклиги ва тўғрилигига эришиш орқали жамият осойишталиги, фаровонлиги ва барқарорлигини таъминлаш мумкинлигини уқтириб ўтади. Бу мутафаккир аллома шахсияти, ҳаёти, илмий-ирфоний ва маънавий-маърифий фаолияти, даври ва муҳити, жисмоний ва руҳоний шажараси ҳақида бугунги кунда анча аниқ маълумотлар мавжуд бўлиб, махсус илмий тадқиқотлар ҳам яратилган. Хусусан, самарқандлик тарихшунос олим Комилхон Каттаевнинг «Махдуми Хоразмий ва хонақоҳи тарихи» номли монографияси (Самарқанд: «Зарафшон», 2003, 8 б/т), тарих фанлари доктори, ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди мудири Маҳмуд Ҳасанийнинг республикамиз матбуотида эълон қилинган мақолаларида шайхнинг ўз илми ва мураббийлик фаолияти билан ярим асрдан ошиқроқ вақт давомида жамият аъзоси бўлмиш ҳар бир инсон ва шу инсоний жамият хасталикларига даво излагани, сабр ва матонат билан маърифат нурини ёйгани ҳақида маълумот берилади. Маҳмуд Ҳасаний пири тариқатнинг «Иршод ал-муридийн» («Муридларга тўғри йўл») деб номланган асарини кирилл алифбосига ўгириб, форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима ҳам қилган (Тошкент, 2007, қўлёзма).

Хўш, Махдуми Хоразмий ким эдилар?

Бу зотнинг аждодлари асли андижонлик бўлиб, Хоразмга келадилар ва бу ерда муқим яшаб қоладилар. 870 ҳижрий, 1466 мелодий йилда кейинчалик Махдум лақаби билан машҳур бўлган Ҳусайн Хоразмий туғилади. Ўз юртида дастлабки зоҳирий ва диний билимларни эгаллаган Ҳусайн

ўша пайтда Самарқандда яшаб, фаолият кўрсатаётган машҳур муршид Хожа Убайдуллоҳ Аҳрори Вали (қ.с.) даргоҳига ошиқади. Аммо, у Бухорога етиб келган пайтида муршид оламдан ўтади. Ҳусайн Хоразмий Яна Хоразмга қайтиб кетади ва 899/1493 йили Хуросонга қараб йўл олади ва бу ерда Махдуми Аъзам номи Билан машҳур бўлган Ҳожи Муҳаммад ал-Хабушоний даргоҳига келади. У бу машҳур аллома хизматида ўн бир йил ҳозир бўлади ва тасаввуф асосларини тўлиқ эгаллайди. 1504-1505 йилларда Хоразмга қайтади. 1517 йилда ҳажга бориш мақсадида йўлга чиқади ва Бухорога етади. Бу ердан орадан бир йил ўтгач, муридларининг илтимосларига биноан Самарқандга келади.

Бу ерда бир муддат Ғори ошиқон деган жойда яшай бошлайди. Кўп ўтмай, Регистон мавзеининг шарқ тарафидан бир ҳовли ва боғ сотиб олади ва Самарқандда муқим бўлиб қолади. Шундан сўнг, Ҳусайн Хоразмий Марказий Осиёнинг кўплаб шаҳарларида саёҳат, зиёратларда бўлади ва 1549 йилдан сўнг бир гуруҳ муридлари ҳамда ўғиллари Шарафиддин Ҳусайн, Шаҳобиддин Ҳусайн, Мир Ҳошим Ҳусайн, Шайх Нажмиддин Ҳусайнлар ҳамроҳлигида ҳаж сафарига чиқади. У ҳаж арконларини тўлиқ адо этгач, Шом (Сурия)да яшаб қолади ва 1551 йилда шу ерда вафот этади.

Махдуми Хоразмий ҳаёти ҳақида тўлиқ маълумот берувчи асар унинг ўғли Шарафиддин Ҳусайн томонидан ёзилган «Жодат ул-ошиқин» асаридир. Бу қўлёзмани анча муфассал ўрганиб, таҳлил қилиб берар экан, тарихшунос олим Комилхон Каттаев ундаги маълумотларни бошқа тарихий-адабий манбалар билан солиштиради, тўлдиради, кўп масалаларга аниқлик киритади. Қиркдан зиёд тарихий-илмий ва адабий манбалардан фойдаланиб, олим Махдуми Хоразмий шахсияти, тарихий фаолияти, пирлари ва маънавий силсиласи, халифалари, фарзандлари, ҳукмдорлар билан муносабатлари, сафарлари, хонақоҳи тарихи ва шайх ҳақидаги манбалар ҳақида муфассал маълумот беради.

Махдуми Хоразмий тарихи билан қизиққан иккинчи йирик олим Маҳмуд Ҳасаний шайхнинг ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган ўз қаламига мансуб асарларини ўрганиб, улар саккизтага яқин деган маълумот бор, «Иршод ул-муридийн» номли асарини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилади.

Маълум бўлганидек, Шайх Камолиддин Ҳусайн ал-Хоразмий йирик тариқатлардан бири – Шайх Нажмиддин Кубро Хоразмий асос солган аълиян Кубравия силсиласининг «Ҳусайния – Ҳамадония – Кубравия» сулукига мансуб етук пир, муршид эди. У Махдуми Хоразмий, Қутбиддин Ҳусайн ва Шарафиддин Ҳусайн номлари билан ҳам шуҳрат қозонган. Шайхнинг етук диний раҳнамо, муршидлик фаолияти ҳақида асосан унинг ўзи томонидан ёзилган асарлар мукаммал маълумот беради. Ҳозирги кунда шайхнинг ягона «Иршод ул-муридийн» асари таржима бўлганлиги боис, бу асардаги шайхнинг маърифий ғояларига эътиборимизни қаратсак.

Йирик тариқат пирининг ушбу асарида инсонни комиллик даражасига етишиши учун қўлга киритиши лозим бўлган кўпгина ахлоқий сифат ва фазилатлар ҳақида сўз юритилади. Чунончи, маърифат истагида йўлга чиққан йўлчи албатта бир йўлбошчининг этагидан тутмоғи лозим. У ўша йўлбошчи қўлида гўё ғассол қўлидаги жонсиз ўлик каби бўлмоғи керак. Шундагина у абадий ҳаёт топиб, ботинан очиқ кўз билан кўрмоқлик қобилиятига эга бўлади:

Зи ман, эй дўст, ин як нукта пазир,
Бирав, фитроки соҳиб давлате гир.
Ки қатра то садафро дарнаёбад,
Нагардад гавҳару равшан наёбад.
Асоси кор вақте маҳкам афтод,
Ки Мўсоро Хизр мегардад устод.
(Эй дўст, мендан бир ҳикматни қабул қил,
Бир соҳибдавлатнинг узангисидан тут.
Бир қатра ёмғир садафни топмагунча
У равшан бир гавҳарга айланолмайди.
Ишнинг асоси маҳкам бўлиши мумкин,
Қачонки, Мусо (а.с)га Хизр устод бўлганда.
*(Таржима М.Ҳасанийники)*

Ёшгина, «тўғри ҳаёт кечираман», деб орзу қилган покиза инсонни, албатта, бир маънавий раҳбар ўз назоратига олиши керак. Акс ҳолда, йўлдан адашиб кетиш ҳеч гап эмас. Бу ҳақда ҳазрат Хожа Аҳрори Валининг «Волидиййа» рисоласида кенг тушунча берилади. Рисолани туркийга таржима қилган Заҳириддин Муҳаммад Бобур шундай байт келтиради:

Маърифат бетабаъиййат бўлмас,
Қойиди раҳ табаъиййат туру бас.

«Табаъиййат» – эргашмоқ демакдир, «қойид» – бандга солувчи. Табаъиййатни аввало, набий алайҳиссаломга қилмоқ керак. Махдуми Хоразмий, ҳатто инсон Мусо (а.с.)дек набий бўлса

ҳам, «қойид»и – Хизр (а.с.)дек бандга солувчиси бўлмаса, мақсади ҳосил бўлмайди, деб ўгит беради. «Ҳеч бир толиб, – дейди шайх, – улуғлик чўққисининг шохбозлари ва анбиёларнинг ноиблари бўлган бир маърифатли шахснинг ҳиммат қанотига осилмай туриб, мақсад йўлининг завқидан баҳраманд бўлолмайди».

Дунё ҳою ҳавасига ҳаддан ташқари берилмаслик, ҳимматли, мурувватли бўлиш, ёмон нафс тузоғига илинмаслик лозимлигини таъкидлар экан,

Ўзликдан тўйган бўлмоқ керак,

Жону тандан кечувчи бўлмоқ керак.

Ҳар бир ишда минглаб тузоқлар бор,

Бу тузоқларни узуб кетувчи бўлмоқ керак,

дея насиҳат қилади.

«Эй азиз, билингки», – дея мурожаат этар экан, шайх бу дунёда ҳеч молу мулкка, ҳатто, бу вужуд ва унга алоқадор нарсаларга ҳам кўнгил бермасликни, фақир бўлиб яшашни ўргатади. Фақирлик – камбағаллик, молу мулксизлик эмас. Фақирлик – дунё ҳавасини, дунёвий умр лаззатини кўнгилга киритмасликдир. «Расул алайҳиссалом ана шундай фақирликка фахр қилганлар, суворий (ташқи) фақирликка эмас. Ваҳоланки, Маккада шундай фақирлар бўлганки, улар Расул алайҳиссаломдан ҳам фақирроқ эдилар, бироқ бу ташқи суврат бўйича эди», деб ёзади шайх.

Барча пок тариқатларнинг сарҳалкаси Муҳаммад алайҳиссалом бўлганликлари боис, уларнинг шаклу тариқи турлича бўлса-да, моҳияти битта бўлган. Нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси Хожа Аҳрори Вали номларида жуда катта молу мулк бўлиши билан, шайх Расул алайҳисалом каби фақирлиги билан фахрланган. «Унинг оғилхонасида олтин қозиқлар қоқилган», – деган маломатларга, – «Биз олтин қозиқни оғилхонага қоқдик, кўнглимизга эмас», – деб жавоб қилганлар.

Ҳақиқатан, инсон кўнгли «тааллуқсиз бўлмас». Кўнгил кимгадир, нимагадир тааллуқли бўлмоғи лозим. Унда Ҳақ бўлмаса, ғайр бўлади. Ғайр кетса, Ҳақ қолади.

Шу боисдан ҳам, Ҳазрати Маҳдум илм толибига фақат дунёвий фанларни ўрганиш билан чегараланиб қолмасликни, кўнгилда ихлос билан яхши амал қилишни уқтиради: «Эй азиз, фақат қол илмини (мадраса илмини) билиш билан қаноатланиб, ғофил ҳолда ўтирма, илмни амалга яқинлаштиргинки, нажот топиш ҳадис ҳукми бўйича амалга боғлиқдир».

Шу тариқа пири ҳикмат шайх Маҳдуми Хоразмийнинг буюк раҳнамоси Нажмиддин Кубро сингари инсон назарини дунё уйидан кўнгил уйига қарата буришга ҳаракат қилади.

Бунинг учун эса, пирларнинг камол ишончларига кўра, толиби илмга дунё моҳиятини чуқурроқ англатмоқ лозим. Шайх Нажмиддин Кубро «Кўнглим кўзи билан кўрганларим» деб номланган рисоласида дунёнинг моҳияти ҳақида шундай деганди: «Дунё – ўйлаш ўрни, ибрат манзили, ишрат саройи, кўприк биносидир. У мўминларнинг экинзори, қидирувчиларнинг бозори, интилувчиларнинг савдо дўкони, изловчиларнинг улови, сулук йўлига кирганларнинг кўприги, адашганларнинг маъшуқаси, содиқларнинг ўтар жойи, орифларнинг ахлатхонаси ва шайтонларнинг ўлкасидир… Унинг билан савдо қилганлар алданади, унга кўнгил берганлар йўлдан озади…».

Маҳдуми Хоразмий Самарқандда фаолият юргизиб турган нақшбандия ва яссавия тариқатлари қаторида ўз тариқати, сулукини кенг ёйди, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш мақсади билан яшади. У бу ерда хонақоҳ, масжид, икки мадраса, ҳовуз каби иншоотларни қурдирди. Бу мажмуанинг баъзи бирлари бугунга қадар етиб келган. Ҳозирги кунда улуғ шайх авлодларидан бўлмиш зиёлилар – Темурхон Бобохонов ва Маҳтўра опа Турсуновалар боболари қурдирган мажмуани қайта тиклаб, замонавий талаблар асосида фаолият юргизишни ният қилганлар. Академик М.Е.Массон «Путишествие по Туркестану» номли асарида Маҳдуми Хоразмий ҳақида маълумот беради, бу мадраса махсус кўрлар учун қурилганлигини таъкидлаб, унинг суратини ҳам келтиради. Шайхнинг хонақоҳи ҳам кўрлар учун қурилган бўлиб, қорихона деб аталган. Мақбаранинг эса жойи маълум, аммо ўзи ҳозирда йўқ бўлиб кетган.

Шайх мадрасасининг қошида яна бир кичик мадраса бўлган. Фикримизча, Маҳдум икки мадраса – мадрасаи ибтидоия (ўрта махсус таълим ўқув юртлари сингари) ва мадрасаи олия (университет) қурдирган.

Шайх авлодларидан Маҳтўра опа Турсунова маълумот беришича, мадрасалар XIX аср бошларига қадар фаолият кўрсатган. Бу ерда охирги мударрис махдумийзода Тўрахон

Бобохонов бўлган. Мақбара эса 1953 йилда бузилган.

Бу покиза авлодларнинг хайрли ишларига давлат томонидан расмий ва илмий жамоатчилик эътиборини қаратмоқ мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Миллий маънавий меросимиз дурдоналарини ёш авлод тарбияси учун хизмат қилдириш, тарғиб ва ташвиқот қилиш бугунги мафкурамизнинг асосий талабларидан биридир. Шайх Махдуми Хоразмийдек йирик олимларнинг ҳаёт ва фаолиятларини ибрат тарзида, ёзган асарларини дастурил амал сифатида ватанимиз келажагини яратувчи ёш авлодга тақдим этсак, жамиятимиз осойишталиги ва барқарорлиги учун муносиб тарзда ҳиссамизни қўшган бўламиз.

***Бозорбой Ўринбоев***

*СамДУ профессори, филология фанлари доктори*

# МАХДУМИ ХОРАЗМИЙНИНГ ҲАЖ САФАРИ ҚАДАМЖОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАЪБИРИ

Кубравия тариқати пиру муршиди, 1465 йилда Хоразмда туғилиб, 1551 йилда Шом (Дамашқ)да вафот этган ва Махдуми Хоразмий номлари билан шуҳрат қозонган Ҳазрати Шайх Камолидднн Ҳусайн Хоразмийдир.

Махдуми Хоразмий 1517 йили Самарқандга келиб, 1549 йилгача муқим яшадилар.

Махдуми Хоразмий 1549 йили 14 ёшида ҳаж баҳонасида Самарқанддан чиқиб, Шаҳрисабз томон йўл оладилар. Биз бунда Ҳазрат ҳаж йўлида босиб ўтган шаҳарлар ва уларнинг этимологияси ҳақида қисқача маълумот берамиз.

Самарқанд – вилоят маркази. Тарихан Мароканда, Сакканна, Самаркана, Сараманка, Саманген, Самакеян, Сумрон, Шамиркент, Самаран, Симроят, Семизкент номлари билан аталган. Самарқанд сўзи самар ва қанд қисмларидан иборат. Топонимнинг биринчи қисми самар турлича изоҳланади. Самар – киши номи; мева, ҳосил, ширинлик, катта; йиғин, тўпланиш, маслаҳат жойи; ариқ, канал, сув. Бизнингча, сув объекти билан алоқадор маъноси яқин. Қанд < кент қишлоқ, шаҳар демак.

Самарканд – сув йўли ёнидаги қишлоқ, шаҳар демакдир.

Шаҳрисабз (Кеш) – қадимий шаҳар, вилоят. Шаҳрисабз кеш, каш, кас шаклларида араб географлари Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий, Ёқут Ҳамавий асарларида қайд қилинган. Кеш-киш-кас сўзининг қадимий маъноси «тоғ, баландлик» демакдир, чунки қадимий қўрғонлар баланд жойда қурилган (1:67).

Шаҳарнинг номи Шаҳрисабз биринчи марта XIV асрдаги тангаларда учрай бошлаган ва у «яшил шаҳар» маъносидадир.

Қарши – Қашқадарё вилоятининг маркази. У грек-бактрия маданияти давридан бери мавжуд. Шаҳар XIV асргача Нахшаб деб аталган. Араблар унинг талаффузини бузиб Насаф деб ишлатганлар. Ҳозирги Қарши XIV асрнинг биринчи ярмида Чиғатой хони Кепакхон эски Нахшабдан икки фарсаҳ нарида ўзига сарой қуриб уни Қарши деб атади.

Қарши – шоҳ қалъаси деган маънони билдиради.

Қоракўл – Бухоро вилоятидаги туман. Ўзани тоғдан эмас, ер ости ва булоқ сувлари билан тўйинадиган, ёзда суви камаядиган ё қуриб қоладиган кўл – Қоракўл демак.

Пайканд – Бухородан жануби ғарбда, Яккатут темирйўл бекати ёнидаги қадимий шаҳар вайронлари. Топоним пай ва кент қисмларидан иборат бўлиб, пай – асос; илдиз, суякларни боғловчи; азм, ирода, қудрат; оёқ, этак, қуйи; марта маъноларини билдиради. Кент – қишлоқ, поселка, овул демак.

Бухоро – қадимий шаҳар, вилоят. Шаҳар номининг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар бор. Ёзма манбаларда Бухоро Нўмижкат, Мадинатус – Суфиё, Мадинатус Тужжор номлари билан машҳур бўлган.

Айрим манбаларга кўра шаҳар Бухор Ҳудод исмли киши номига қўйилган. Бухоро форсча бухор+ро(х) қисмларидан иборат бўлиб, у Бухор – киши номи, ро(х) – «йўл» сўзларининг қўшилишидан таркиб топган. Талаффузни енгиллаштириш мақсадида Бухоро деб аталган. Топонимнинг энг кўп тарқалган талқини санскрит ва суғд тили асосидадир. У бихар > виҳар > виҳара

сўзи «будда монастри, ибодатхонаси» маъносидадир (2:56).

Хива – Хоразм воҳасидаги қадимий шаҳарлардан бири. Хива сўзининг этимологиясини қадимги хоразмий тилидан изламоқ керак, чунки номнинг қадимийлиги буни тақозо этади. Хоразмий тили билан қариндош ҳисобланаётган осетин тилида кўпгина хоразмча сўзлар сақланган. Шундай экан, Хива топонимини ҳозирги осетин топонимиясида сермаҳсул бўлган хиаув – қишлоқ сўзи билан боғлаш мумкин. Хива топоними тарихни Хайва, Хивақ ёки Хавак шаклида қўлланган.

Демак, Хивак ёки Хива – «кичик қишлоқ» маъносини англатади.

Саройжиқ > Сарожуқ – Урал дарёси бўйида, Гурьевдан 58 км шимолда бўлган XV-XVI аср муҳим савдо шаҳри. У ерга чет элликлар ва руслар келиб, ўрта осиёликлар билан савдо қилган. Саройжиқ > Сарожуқ – «кичик сарой» деган маънодадир.

Ҳожи Тархон (Астрахон) – Аштархон хонлиги (Астрахон хонлиги) Олтин Ўрданинг инқирози натижасида вужудга келиш давлат. Пойтахти – Аштархон шаҳри (ҳозирги Астрахан). Тарихий манбаларда шаҳар Аждархон, Ажитархон, Астрахон, Астрхон, Ҳожитархон шаклларида ёзилган. Изоҳи ҳам турлича топоним Аш>ас+ тархон қисмларидан иборат. Биринчи қисми аш>ас(олон) қадимий халқ номи, буни Беруний ҳам тилга олади. Иккинчи қисми «тархон» – солиқдан озод қилинган киши демак. Баъзи манбаларда Астархон хоразмлик бир саркарда номи бўлиб, у VIII асрда Кавказга юриш қилган (3:41).

Қрим – Қрим яримороли антик асрларда Таврида (таврлар номидан олинган этноним), ўрта асрларда Херсонес деб аталган. Қрим номи XV асрда пайдо бўлган – Турклар босқини даврида Қрим номининг қрим-татар халқи номидан олинганлиги ва мўғулча хэрэм сўзи асосида шаклланганлиги қайд қилинади. У «қўрғон, қўрғон девори» деган маънони билдиради.

Истанбул – Туркиянинг йирик порт шаҳри. Унинг номлари Византия, Константинопол, Царград, Истанбул > Истамбул шаклларида бўлган.

Истанбул топонимини «ислом бўл» деб изоҳловчилар ҳам бор. Бу ўринсиз изоҳдир.

Ҳақиқатда, бу шаҳарга кирмоқчи бўлган греклар турк чегарачиларининг саволига ис тин полис – «шаҳар ичига бораяпмиз» деб жавоб қайтарганлар. Бу грекча ибора (ис тин полис) Истанбул номига айланган.

Шом – форс-тожикча сўз бўлиб, у қуйидаги маънoларда ишлатилади:

1. Қуёш ботиб қоронғулик туша бошланган пайт.
2. Мусулмонларнинг бир кунда ўқиладиган тўртинчи намози.
3. Сурия мамлакатининг қадимий номи.

Халаф – арабча сўз бўлиб, у қуйидаги маъноларда ишлатилади:

1. Пастдан қўйиладиган; ворис, ўғил; яхши ўғил, сазовор фарзанд; ўринбосар.

2. Лойиқ, сазовор.

Ҳама – Сурияддаги шаҳар. У форс-тожикча бўлиб, «тамоман, бир бора» маъносини билдиради.

Хумс – Сурияддаги шаҳар арабча сўз бўлиб, у «бешдан бир, бешдан бир Даромад» маъносини беради.

Куфа – Ироқдаги шаҳар. Араб ёзувининг энг қадимий турларидан бири – куфий хати шу ерда тараққий этган. Куфа топоними «тенг, баробар, ўхшаши йўқ» деган маънони билдиради.

Яман – Осиёнинг жануби-ғарбидаги Яман Араб Республикаси. Яман сўзининг луғавий маъноси «ўнг» демакдир.

Мадина – арабча тўлиқ номи Мадинат Расулуллоҳ ёки Мадинат ун-Наби, пайғамбар шаҳри. Саудия Арабистонининг шимолий-ғарбидаги шаҳар. Қадимда Ясриб (Ятриб) илк ўрта асрлардан бошлаб Мадина деб аталган. 622 йили Муҳаммад пайғамбар Маккадан Мадинага кўчиб ўтади. Бу ерда мусулмонлар жамоаси (умма) тузилган. VII асрдан бошлаб Мадина мусулмонларнинг Маккадан кейинги энг катта зиёратгоҳи.

Мадина арабча сўз бўлиб, у «шаҳар» деган маънодадир.

Макка – Умм ул-Қуро, Умм ул-Мадоин эпитетлари билан улуғланадиган Саудия Арабистонининг ғарбидаги шаҳар. Ҳижознинг маъмурий ва савдо маркази, мусулмонлар ҳаж қиладиган жой.

Милоддан аввалги асрда яшаган Геродот Макараба деб тилга олади ва уни «Худонинг уйи» деб изоҳлайди. Шу маъноси асосида кейинчалик Макка деб атала бошлаган.

Бу маълумотлар Маҳдуми Хоразмийнинг фарзандлари Шайх Шарафиддин Ҳусайннинг «Жодатул-ошиқин» асаридан олинди.

*Ҳ. Аликулов*
*Фалсафа ва ҳуқуқ институти*

# ҲУСАЙН АЛ-ХОРАЗМИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ («ИРШОД АЛ-МУРИДИН» АСАРИ АСОСИДА)

Ҳусайн Хоразмийнинг ушбу рисоласи 925 ҳижрий йили (1519 милодий)да Хоразмнинг Бекадоғи мавзесида ёзилган. Унда тасаввуф қоидалари, толиб, мурид ва солиҳларнинг хулқ-одоби, шайх, муршид ва мурид муносабатлари, Оллоҳ васлига ноил бўлишнинг тўрт босқичи, яъни шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқий, зоҳирий ва ботиний илмларни эгаллаш, илоҳий ишқ, комил инсон, нафсни тийиш, қўл меҳнатда, дил (ерда) Оллоҳда бўлиш, зикр тушиш ва бошқалар ҳақида сўз кетади.

Умуман олганда, бу китобни ёзишдан мақсад Оллоҳ васлига етишишда муридлар қандай хулқ-одоб қоидаларини эгаллаш лозимлиги, улар муршид ёки шайх олдида ўзларини қандай тутишлари кераклиги ҳақида насиҳатлар берилади.

Маълумки, тасаввуф вакиллари ислом дини қоидалари, Қуръон, ҳадис ва шариатни пухта эгаллаган бўлишлари лозим бўлган. Шунинг учун рисолада солиҳнинг ярамас одатларни тарк этиб, покланишига оид хулқ-одоб қоидалари ҳақида Қуръони Карим оятларидан кўплаб иқтибослар келтирилади. Бу ҳақда Ҳусайн Хоразмий шундай дейди: «Демак, солиҳ ҳамиша ҳаракатда бўлиб, ўзидаги ёмон феълларни риёзат олови билан мушоҳада ўчоғида куйдириб, мусаффо ва тоза қилмоғи, нафс қуллигидан озодлик топмоғи керакки, ҳуррият шундан иборатдир. Батаҳқиқ, муродга етди ул кишики, пок қилди ани, ва батаҳқиқ, муродга етмади ул кишики, яширди уни» (Қуръон, 91/9-10). Шундан сўнг Илоҳий даргоҳ убудийяти (бандалиги) (9а) ҳақиқатга айланади. «Эй қарор ва ором олган жон, қайтгил Парвардигоринг тарафига рози бўлган ва рози бўлинган ҳолда ва дохил бўл бандаларим ораларига ва дожил бўл жаннатимга». (Қуръон, 89/27-30). (Оллоҳ) унга бандалик мақомидан жой беради»[1].

Маълумки, тасаввуф фалсафасида худди ислом динидагидек, нафсни жиловлаш масаласига катта эътибор берилади. Зероки, «нафсни енгиш шерни енгишдан мушкулроқ»дир. Шунинг учун Эроннинг машҳур файласуфи Муртазо Мутаҳҳарий «Исломда комил инсон масаласи» номли мақоласида Қуръон ва ҳадисларда айтилган фикрларга таяниб, нафсга берилиш, таъмагирлик, бахиллик, шахсиятпарастлик, шахсий «мен»ига қарши жиҳод эълон қилиш зарур, деган эди. Ҳусайн ал-Хоразмий ҳам ушбу рисоласида муридлар бу иллатдан фориғ бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлар экан, улар, яъни толиблар олий ҳимматли бўлиши, ўзбилармонлик дардига боғланиб қолмаслиги, ўзини комил ва етилган инсон ҳисобламаслиги, нафс тузоғига илиниб қолмаслиги даркор. Акс ҳолда, у ҳеч қачон ўз мақсадига ета олмайди. «Эй азиз, билмоқ керакки, толиб нафснинг барча банд ва пайвандларини синдирмагунча ва ҳиммат қаноти билан парвоз қилмагунча, ҳою-ҳаваснинг чўққиларидан кечиб ўтмагунча ҳеч бир мақсадига ета олмайди».[2] Нафсни жиловлаш учун солик жону тандан кечиб, тўсиқ ва тузоқларни енгиб ўтиши керак.

Мутасаввуфнинг ушбу рисолада кўтарган яна бир мавзуси солик зикр тушиш, намоз ўқиш ва тасаввуфнинг бошқа мистик қоидаларини бажариш билан бирга, ҳалол меҳнат билан машғул бўлиш зарурлигидир. Умуман олганда, тасаввуфда соликнинг бу дунё ишларига фаол бўлишга, тинмай меҳнат қилишга, вақтни беҳуда ўтказмасликка, касб-ҳунар эгаллашга даъват этилади, Ҳусайн ал-Хоразмий Баҳоуддин Нақшбанд илгари сурган «Дил ба ёру даст ба кор» (қўл ишда ва дил ерда (Оллоҳда) бўлсин) шиорини келтиради. Солик доимо халқ ичида бўлиши, дилида Худони сақлагани ҳолда, зоҳирий ишларни бажариши лозим.

Рисолада кўтарилган масалалардан яна бири бу – илмдир. Тасаввуфда илм дунёвий, зоҳирий ва

[1] Ҳусайн ал-Хоразмий. Иршод ал-муридийи («Муридларга тўғри йўл»). Форсча Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. –Тошкент, 2007. Б.10.

[2] Ҳусайн ал-Хоразмий. Ўша китоб, 10-бет.

ботиний, яъни илоҳийга бўлинади. Улар бир-бирини тўлдирувчи тушунчалардир. Зоҳирий, яъни дунёвий билимларни эгалламасдан туриб, илоҳий, ботиний илмларни билиб бўлмайди. Ҳусайн ал-Хоразмий ақл билан ндрок килинадиган билимларни зоҳирийга киритади. Ақл, унингча, дунёнинг бузуқ ёки соз ишини фарқлайди. Дунёвий олимлар ҳаётнинг зоҳирий томонларини идрок қилсаларда, охиратнинг моҳиятига ета олмайдилар.

Ҳусайн ал-Хоразмийнинг ақидасига кўра, уламойи дунёвий, яъни дунёвий олимлар таълим илмларини тарғиб қилсалар, уламойи ухравий, яъни охират олимлари иймонли бўлиб исломий илмлардан яхши хабардордирлар ва ундаги ғояларни ҳаётга татбиқ қиладилар. Олимнинг айтишича, илм баъзиларга зиён, бошқаларга фойда келтиради. «Билгинки, – деб таъкидлайди Ҳусайн ал-Хоразмий, – илм гўё овқатга ўхшайди, чунончи мизожи бузилган одамларда касалликни зиёда қилиб, ҳалокатга сабаб бўлади. Мизожи мустаҳкам одам учун эса сиҳҳат ва қувватнинг зиёда бўлишига сабаб бўлади. Худди шунга ўхшаб, илм ҳам мизожи истиқомат орқали Ҳазрати Илоҳий сари йўналган кишига фойда қилади. Дил мизожи дунё муҳаббати ва майли билан ва вужудининг аъзолари кибр, манманлик, ҳасад ва бошқа ёқимсиз хулқлар билан эгилган, соатма-соат бу нарса ўсишда бўлса, илм унга зарардир, балки ҳалокат сари тортувчидир» [Ҳусайн ал-Хоразмий. Ўша китоб, 15-бет.].

Ҳусайн ал-Хоразмий шайх, муршид, мурид муносабатлари ва уларнинг одоби ҳақида ҳам фикр юритади. Унинг айтишича, шайх ёки муршид бутун ижобий хислатларга эга бўлган комил инсон бўлиши керак. Мутасаввиф шайхни Ҳозиқ табибга қиёс қилади. Ҳозиқ табиб беморга ташхис қўйиб, хасталик ва касаллигини даволайди. Шайх, агар комил бўлмаса, муридни тарбия қила олмайди. «Эй Оллоҳ, сени ўз нури билан рўшду ҳидоятга йўлласин, билгинки, толиб комили мукаммал шайхнинг мустаҳкам қальаси остига киргач, қўрқинчли нарсалардан омон бўлиб, унинг лаззатли суҳбатидан баҳраманд бўлган ҳолда ўз муқтадосига эргашиб, қадамини сулук оламига қўйгандан сўнг, биринчи тур бўлган гавдани шариат одоби билан одоблантиради, тариқат совутини кийдириб, тавфиқ қуролини тақиб, ҳидоят отига миниб, бадал таркиби ҳиссаларидан иборат бўлган вужуд қувватларини фармонга бўйсундириб, лашкарбоши каби бору йўғини ишга солиб, нафс турига киради, йиртқич ҳайвоний қувватларни ўзига эгиб, разил нафсий сифатларни ёқимли сифатларга айлантиради» [Ҳусайн ал-Хоразмий. Ўша китоб, 18-бет.], – дейди мутафаккир.

Ўз навбатида, мурид ҳам яхши хулқ-одоб билан безанган бўлиши, шайхга сўзсиз бўйсуниши лозим. Ҳусайн ал-Хоразмий мурид эгаллаши лозим бўлган хулқ-одоб қоидаларига батафсил тўхталади. Энг аввало, мурид шариат қоидаларига амал қилиши, намоз ўқиши, Ҳақ таолога нисбатан адаб сақлаши, ейиш ва кийинишда ўртача чегарага риоя қилиши, шайхнинг ҳузурида одоб сақлаши, бойликдан ҳазар қилиши, муҳтож бўлса, касб-ҳунар ва мардикорлик билан машғул бўлиши, бошқалар олдида жим туриши, тилида ва дилида зикр айтиши, ноқис кишилар билан суҳбат қурмаслиги, рўза тутиши, кам ухлаши лозим.

Ҳусайн ал-Хоразмийнинг «Иршод ал-муридийн» («Муридларга тўғри йўл») рисоласи билан танишиш шуни кўрсатадики, китобнинг муаллифи тасаввуфнинг йирик назариётчиси бўлган. Лекин шу вақтгача мутасаввифнинг асарлари ўрганилмасдан келинмоқда эди. Уларни тадқиқ қилиш манбашунослар, фалсафа, мумтоз адабиёт тарихи, ислом дини, тасаввуф билан шуғулланувчи олимларнинг муҳим вазифасига киради, деб ўйлаймиз.

***Э. Миркомилов***
*ЎзРФА Шарқшунослик институти*

# ҲУСАЙН ХОРАЗМИЙ ҲАЁТИГА ОИД МУҲИМ МАНБА

Марказий Осиёда вужудга келган тасаввуфий тариқатлар – Хожагон – Яссавия, Нақшбандия ва Кубравия тариқатлари тарихи ва таълимоти ҳамда уларга мансуб йирик шайхларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда ёзма манбаларнинг ўрни беқиёсдир.

Бу манбалардан бнри Кубравия тариқатининг шаҳобчаси бўлган Ҳусайния силсиласига асос солган Камолиддин Ҳусайн Хоразмий (1466-1551)

ҳаёти ва фаолиятига бағишланган Маҳмуд Ғиждувонийнинг (XVI аср) 950/1543 йилда форс тилида ёзилган «Мифтоҳ ут-толибин» (Илм толибларининг калити) асаридир, Муаллифнинг тўлиқ номи Жони Маҳмуд ибн Шайх Али ибн Имомиддин ал-Ғиждувоний бўлиб, бухоролик сайёҳ ва тарихчи олим. У устозлари – Шайх Ҳожи Муҳаммад ал-Хабушоний ва Шайх Камолиддин Ҳусайн Хоразмий саёҳатларида қатнашган, баъзан ўзи ҳам саёҳатлар қилган. Ушбу саёҳатлар «Мифтоҳ ут-толибин» асарида ҳам акс этган. Муаллиф ўз асарида XVI аср бошларида Хоразм, Бухоро, Самарканд, Машҳад, Марв, Ҳирот шаҳарлари, табиат ва хўжалиги, ўша даврдаги тарихий воқеалар, ва айрим шахслар ҳаёти ҳақида қимматли маълумотлар келтиради. Шундай бўлса ҳам асарнинг асосий мавзуси Ҳусайн Хоразмийнинг ҳаёти ва фаолиятидир.

«Мифтоҳ ут-толибин» XX аср бошларида илмий жамоатчиликка кенгроқ маълум бўлди. В.В.Бартольд 1902 йилда Туркистонга сафар қилганида Самарқанд шаҳрида ҳам бўлиб, В.Л.Вяткиннинг шахсий жамғармасидаги қўлёзмаларни кўздан кечиради. У баъзи қўлёзмаларни қисқача, айримларини бирмунча кенгроқ тавсифлайди. Булар орасида Маҳмуд Ғиждувонийнинг «Мифтоҳ ут-толибин» асари бўлиб, унинг тавсифига бир неча саҳифа ажратилган. В.В.Бартольд асар йирик шайх ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бўлса-да, ўша давр жамияти маиший шароитларини ҳамда айрим тарихий воқеаларни, карвон йўлларини ўрганиш учун маълумотлар беришини қайд этиб ўтган.

Ҳозирги кунда асарнинг бир неча асл нусхаси сақланиб қолган бўлиб, улар каталогларда қайд этилган. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида тўртта нусхаси №394, №1493, №5426, №6920 бор. Санкт-Петербургда ҳам мавжуд.

Муаллиф асарни рамазон 949/декабрь 1542 йили бошлаб, унга «Мифтоҳ ут-толибин» деб ном қўйган. Асар муқаддима, тўрт боб (мақола) ва хотимадан иборат. Асарнинг олтита бўлимда тузилиш сабабини, муаллиф инсонларда ҳам олтита тараф бўлиб, уларни олти тарафдан ўраб олиб, тўла қониқтирсин, деб таърифлайди. Лекин асарни ёзган режаси унда анча аввал зулқаъда 923/ноябрь 1517 йилларида ҳам бўлган. Баъзи бир сабабларга кўра, бу *иш* 940/1534 йилларида ҳам тўхтаб турганлиги асарда айтилган. Дастлаб, муаллиф барча Кубравия тариқати шайхлари ҳақида ёзмоқчи бўлган. Ўз даврининг шарт-шароитларига кўра, тўлиқ маълумотлар йиғиб олишга имконият бўлмайди. Шу сабабли, асосан, устози Камолиддин Ҳусайн Хоразмийнинг ҳаёт ва фаолиятини ёритиш билан кифояланади. Асарни ёзишда ишончли хабарларга суянганлиги ҳамда ўзи гувоҳ бўлган маълумотлар қайд қилинганлиги таъкидлаб ўтилади. Асарда Камолиддин Ҳусайн Хоразмийнинг ёшлик чоғидан то тариқат пешвоси бўлиб олиб борган ишлари ҳамда Кубравия тариқатининг силсиласи ва авлодлари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Юқорида қайд қилинганидек, асарда ўша даврдаги ўлкамиз табиати ва аҳоли турмушига оид муаллиф кузатувларига асосланган қизиқарли хабарлар мавжуд. Масалан, Маҳмуд Ғиждувоний устози хизматида эканида Хоразмда шундай қаттиқ совуқ бўлганки, дарёдан сув олиб шаҳарга киргунча кўзадаги сувлар яхлаб қолган. Ҳатто, Амударё музлаганда, карвонлар муз устидан ўтиб бозорга келишган.

Асардаги муҳим маълумотлардан бири Ҳусайн Хоразмий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўртасидаги муносабатлар баёнидир. Бобур ўз даврида бу шайх билан юзма-юз кўришмаса-да, совға-саломлар юбориб, унинг аҳволидан воқиф бўлиб турган.

«Мифтоҳ ут-толибин» асари асрлар оша ўз аҳамиятини йўқотмаганини шундан ҳам билиш мумкинки, уни Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий 1275/1859 йили туркий тилга таржима қилган. Мазкур таржиманинг ҳозирда бизгача етиб келган ягона нусхаси ЎзФА Шарқшунослик институти хазинасида №8473 рақами остида сақланмоқда. Асарнинг охирида кўрсатилишича, Огаҳий асарнинг таржимасини қирқ тўрт кун давомида тамом қилган. «Огаҳий асарларининг тавсифи» каталогида таржима нусхаси шоир дастхати, деб тахмин қилинади. Ушбу қўлёзманинг қисқача тавсифи Қ.Мунировва Ф.Ғанихўжаев китобларида келтирилган. Шунингдек, мазкур таржима ҳақида Ғ.Каримовнинг илмий тавсифи Германияда нашр этилган XVIII-XX асрларда яратилган ёки таржима қилинган тасаввуфга оид асарлар каталогидан ўрин олган.

«Мифтоҳ ут-толибин»нинг Огаҳий амалига оширган туркий таржимаси икки юз саккиз варақдан иборатдир. Таржима юқори савияда бажарилган. Огаҳий форсий матнда учрайдиган шеърий парчаларни туркий тилга назмда ўгирган.

«Мифтоҳ ут-толибин» таҳлили шуни кўрсатадики, асарни тадқиқ этиш орқали

Марказий Осиёда Кубравия тариқатининг ўша даврдаги мавқеига оид янги маълумотларни илмий муомалага киритиш мумкин. Ушбу маълумотлар Ўзбекистон тарихининг айни даврини, айниқса, ўша даврдаги аҳолининг маънавий ҳаётини кенг ва чуқур ёритишга ёрдам бериши шубҳасиз.

***М. Раззоқова***
*ЎзФА Шарқшунослик институти*

# ҲУСАЙН ХОРАЗМИЙНИНГ «РИСОЛАИ МАВЪИЗАИ МАНЗУМА» АСАРИДА ОДОБ-АХЛОҚ МАСАЛАЛАРИНИИГ ЁРИТИЛИШИ

XV асрнинг охири XVI бошларида яшаб ижод этган хоразмлик Ҳусайн Хоразмий ўз даврининг етук мутасаввифларидан биридир.

Ҳусайн Хоразмий ўз даврида Кубравия тариқатини тарғиб этди. У Кубравия тариқатини тарғиб этибгина қолмай, балки ўзининг Ҳусайния оқимига асос солди. У ўзидан тасаввуфга оид бир қанча асарлар қолдирган бўлиб, шулардан бизгача 3 таси етиб келган:

1. «Иршод ул-муридин» («Муридларга тўғри йўл»)
2. «Одоб ул-муридин» («Муридлар одоби»)
3. «Рисолаи мавъизаи манзуман» («Шеърий насиҳатлар рисоласи»). Мазкур асарларда Ҳусайн Хоразмийнинг Оллоҳ ҳақида, тариқат йўлидаги муриднинг одоблари, шунингдек, фалсафий қарашлари ҳақида баён қилди.

Ҳусайн Хоразмийнинг илмий меросини ўрганар эканмиз, унинг асарларида фалсафий қарашлари ва одоб-ахлоқ масаласига оид фикрлари мавжуд эканлигини кўрамиз. Айниқса, «Рисолаи мавъизаи манзума» асарида Ҳусайн Хоразмий одамларни, кўпроқ ёшларни Оллоҳни ёдда тутиш билан бирга илм эгаллашга, кўпроқ меҳнат қилишга ва, энг аввало, ҳақиқий комил иисон бўлишга чақиради.

Масалан, Ҳусайн Хоразмий ўз асарида инсонларни ахлоқ мезонидан чиқмасликка ундайди. Ҳақиқий инсон бўлиш нақадар қийин эканини таъкидлайди. У одамларга хос фазилатлардан бири ҳимматга кўпроқ тўхталади. Жумладан, ёзади:

«...меҳнат, дард ва ранжлар тилсими этилган жой бўлиб, унинг ичига маърифат ганжи ва хазинаси яшириб қўйилган. Бу тилсимнинг калити улуғ ҳимматдир».

Ҳусайн Хоразмийнинг фикрича, ҳиммат ҳар бир инсоннинг ичида яшириндир. Лекин уни юзага олиб чиқиш эса ҳамма инсонларнинг қўлидан келавермайди. Бунинг учун жон ва жисмдан кечсагина шундай фазилатга эга бўлади.

Ҳусайн Хоразмийнинг асарларида барча тасаввуф намояндалари асарларида бўлгани каби асосий ғоя Оллоҳ, васлига етишиш билан бирга одоб-аҳлоқ масаласи ҳам бош мавзуни ташкил этади. Ҳусайн Хоразмий ёш авлодни бағрикенгликка чақиради. У бағрикенглик каби энг олий сифатни ҳимматда эканлигини кўрсатади. Унинг фикрича, «...ҳиммат – ҳар бир ишда улуғ устун ҳисобланиб, талаб йўлидаги дардмандлар учун малҳамдир». Ҳусайн Хоразмий бағрикенг одам ҳеч қачон қилган яхшилигини миннат қилмайди, у ҳар бир қилаётган ишини чин дилдан, сидқидилдан қилишини, агар одам гадо бўлса ҳиммат билан подшоҳга айланишини, яъни саҳовати эвазига одамлар обрў-эътибор, ҳурмат топишини айтади. Ҳусайн Хоразмий бу ерда «гадо» сўзини кенг маънода ишлатади. Саҳоватли, ҳимматли одам ўзида нимаики бўлса, уни бошқалар билан баҳам кўради, қўлидан келганча ўзгаларга ёрдам беради, шу ҳиммати туфайли у одамлар орасида ҳурмат топади. Кимки инсонлар орасида ҳурмат-эътиборга лойиқ экан, ундай инсон, албатта, подшоҳдек бўлади. Кимки хасис ва ҳимматсиз бўлса, гарчи унинг давлати мўл-кўл бўлса ҳам, унинг қалбида саҳоват ва ҳиммат ўтидан заррача чўғ бўлмас экан, ундай инсон подшоҳ бўлса ҳам гадодекдир. Чунки инсонлар ҳурматидан четда қолган одам гадо билан баробардир, яъни, шоҳ эса ҳимматсизликдан гадога айланади, дейди Ҳусайн Хоразмий.

Ҳусайн Хоразмий ўз асарида ёмон хислатларни қоралайди, ҳар кимга ҳасрат қилавермаслик, кўра олмаслик ва ҳасад каби хислатларни кўнгилдан чиқариб ташлашга чақиради. Зероки, ҳасрат ҳам инсоннинг ўзинигина эмас, балки бошқаларни ҳам ғам-андуҳга солади. У туну-кун ҳасрат қилгувчи

одамларни қоралаб, уларнинг аҳволларини мана бундай таърифлайди: «Унинг ҳеч кими йўқ, суҳбатдошлари ҳам йўқ, боз устига пули ҳам йўқ бўлиб, ҳаёти ғам остида паймол бўлган эди. Тонгдан то шомгача фақат иши ҳасрат шарбатини ичишдан ўзга эмас эди», – дейди. Ҳасрат ўрнига меҳнат қилиш, олға интилишга ундайди. Албатта, тақдирдан, ҳаётидан, турмуш тарзидан шикоят қилаверган одамдан ҳамма қочади. Охир оқибатда, ўзи ёлғиз қолади. Ҳусайн Хоразмий юқорида келтирган сўзларида айнан шу фикрларни илгари суради.

«Рисолаи мавъизаи манзуман» асарида бундай ташқари, яна кўпгина ҳикматли сўзлар ҳам учрайди. Бу насиҳатлар ёш авлодни тарбиялашда катта аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳусайн Хоразмийнинг одоб-ахлоқ ҳақидаги фикрларини ўрганиш, уни кенг илмий жамоатчиликка етказиш олимлар олдида турган вазифалардан биридир.

***Абдусамад Мамаюсупов***
*СамДУ доценти*

# КУБРАВИЯ ТАРИҚАТИНИНГ МАШҲУР НАМОЯНДАСИ

Самарқандни буюк олиму-уламолар, пиру-авлиёлар юрти деб арабу-ажам халқлари бежиз тан беришмайди. Зеро, ушбу замини муборакда камолотга етишиб, жаҳоншумул шону-шуҳрат ва салоҳият чўққисини забт этган улуғ алломаларимизнинг сону-саноғи шунчалик даражада кўпки, улар бизнинг ўтмишимиздаги тараққиёт тарихи ҳамда илму-маданиятидан фахрланишимиз ҳиссиётини янада мустаҳкамлайди. Бу улуғ зотлар жумласига Имом ал-Бухорий, Имом ад-Дорамий, Имом ат-Термизийлар – ҳадисшунослик соҳасида, Имом ал-Мотрудий ва Имом Абул Қосим Ҳаким ас-Самарқандийлар – илми камол ва ҳикматда, Имом ар-Растуғфоний, Имом Абул-Лайсий, Имом ас-Суғдий, Имом ан-Нафасий ва Имом Бурҳониддин ал-Марғилонийлар – фиқҳшунослик соҳасида, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Али Қушчилар – фалакиёт ва хандаса соҳаларида, ал-Форобий, ал-Берунийлар – қомусшуносликда, Абу Али Ибн Сино ва Юсуфийлар – тиббиёт соҳасида, Абдулҳолиқ Ғиждивоний, Аҳмад Яссавий ва Нажмиддин Кубролар ҳамда уларнинг тариқатларидаги машҳуру манзур издошлари бўлмиш Хожаи Нақшбандий, Хожа Аҳрори Вали, Махдуми Аъзами Даҳбедий, Шайх Худойдод Вали, Шайх Ҳусайн Хоразмий ва бошқалар тасаввуф тариқатлари соҳасида бекиёс ютуқларни қўлга киритдилар ҳамда Она юртимиз шуҳратини оламга кўз-кўз қилдилар.

Юқорида азиз номлари зикр этилган алломаларимизнинг барчаси Самарқанд заминида ёки бевосита Самарқанд илмий мактаби билан узвий ва чамбарчас боғланган ҳолда фаолият олиб борганлар. Бир мақоланинг ўзида уларнинг барчаси тўғрисида қисқачагина бўлса ҳам тўхталиб ўтишнинг иложи йўқ. Аммо инкор қилиб бўлмайдиган бир таъкидни айтиб ўтиш жоизки, ўрта асрларнинг бебаҳо илмий маркази – Маъмун академияси ва Самарқанд илмий мактаби, салгина кейинги даврдаги Улуғбек академияси ҳамда ҳозирги замон фани ўртасида доимий, узилмайдиган, чамбарчас боғлиниш мавжуд ва шундай бўлиб қолади. Бу мақоламиз ана шу узвийликни тасаввуфда мавжуд, маълум ва машҳур бўлган учта тариқатлар орасидаги ўзаро алоқа ва боғлиқлик мисолида кўрсатишга ҳаракат қилинган кичик бир намунадир.

Самарқанд илмий мактабининг улуғ сиймоларидан бири – Ҳазрати Шайх Махдуми Ҳусайн Хоразмий бўлиб, ул зот ўз замонасидаги тариқат пешвоси, Кубравия силсиласи сулуки раҳбари эдилар ва тарихда Шайх Махдуми Хоразмий номи ила машҳуру манзур бўлдилар. Самарқандлик таниқли қадимшунос мутахассис – тарихшунос ва арабшунос олим Комилхон Каттаевнинг «Махдуми Хоразмий ва хонақоҳи тарихи» рисоласи ушбу машҳур бобокалонимиз ҳақидадир.

Тасаввуф силсиласининг энг асосий уч тармоқлари Нақшбандия, Яссавия ва Кубравия тариқатлари ҳисобланади. Нашқбандия ва Яссавия тариқатлари пешволари Махдуми Аъзам Даҳбедий ва Шайх Худойдод Вали тариқатлари, тарихлари Комилхон Каттаев томонидан жуда кенг кўламда ёритиб берилган. Хожа Аҳрори Вали даврларидан сўнг XVI асрнинг икки тариқати билан бир даврда муштарак ривожлантирилган тариқатларидан учинчиси Кубравия сулукини тебратган пиру-муршидларимиздан бири Шайх

Камолиддин Махдуми Хоразмий Ҳазратларидир. Шайх Махдуми Хоразмий ўз фаолиятини фақатгина эл-юрт манфаати, унинг осойишталиги ва фаровонлиги йўлида сарфлади. Кубравия тариқатининг асосий рукни мусиқий рақсу самоъ ҳисобланади. Рақсу самоъ завқу шавқ ила туриб, нозик-у латиф мусиқага зикр айтишдан иборатдир. Мусиқий рақсу самоъ махсус одобга эга бўлиб уларнинг энг асосий белгиси нияту ихлосдир. Рақсу самоъ қуйидаги қисмлардан иборат. Ҳалол, ҳаром, мубоҳ ва макруҳ. Самоъ ҳақ аҳли учун ҳалол, илм аҳли учун мубоҳ (яъни ихтиёрий), фисқ (бузуқлик ва гуноҳ ишлар қилувчилар) аҳли учун макруҳ (яъни, номаъқул)дир. Агар рақсу самоъ шайтоний ва нафсоний хавфу-хатар бўлиб, шаҳват пайдо бўлса, у ҳаром бўлади. Самоъвий тариқат пирлари мусиқани юқори ҳунарлардан деб билганлар. Уларнинг фикрларига кўра, самоъ поёнига етган жойда мусиқа ҳам ўз ибтидосига қайтади. Шу жиҳатдан ҳам мусиқа сўзи – жаҳон сўзи ва оламга ошиқлар сўзиким, инсониятга мулоҳазали ҳаёт бағишлайди.

Ушбу мақоланинг муҳтарам ўқувчисига қимматли вақтларини ажратиб, мазкур асарни ўқиб чиқишларини маслаҳат берардик. Унда Сиз Шайх Махдуми Хоразмийнинг камолот денгизидаги дурру-жавоҳирларидан кўпроқ баҳраманд бўларсиз деб, ишонч билдирамиз.

## ШАЙХ ХОРАЗМИЙНИНГ ХАЛИФАЛАРИ

Ўтмиш юртимиз-Мовароуннаҳр тасаввуфида сўфиёна фаолиятлари билан чукур из қолдирган муршидларнинг аксариятлари аввало машҳур халифаю шогирдларни етиштирганликлари учун ҳам тарих зарварақларида мангу қўним топганлар. Ҳазрати Нажмиддин Куброни «пири валитарош» (валиларни тарошлаб етказувчи пир)[1], Ҳазрати Махдуми Аъзами Даҳбедийни «пири шасти» (олтмиш валини тарбиялаган пир)[2] каби фахрли номлар ила манбаларда сарафроз этилишлари бежиз бўлмаган. Зеро, Ҳазрати Хожа Аҳрори Вали, Шайх Худойдоди Вали, Имоми Раббони-Алфи Соний, Мўсохонхожа каби барча тасаввуфий манбаларда зикр этилган алломалар бир ҳисобда, турли ўлкаларга тарқалиб кетишган халифа-шогирдлари туфайли ҳамда ўзлари бу силсила-сулуклар доираси марказида турганликлари учун ҳам машҳуру манзур бўлишган.

Машҳур мутасаввуфларнинг мақомотларига назар ташласангиз, уларнинг барчалари йигитлик вақтларида юртлар кезиб, ўзларига мақбул пир ахтаришган. Ҳазрати Хожа Аҳрори Вали ҳам ёшликларида кўп вақт пир ахтарганликларига сабаб шул эдики, бевосита Ҳазрати Нақшбанднинг қўлларини олган муршид излаган эдилар.

Пирлар орасида энг улуғ мартабалироғи ҳам ўша ҳисобланганким, қайсиларининг силсилаи шарифлари Ҳазрати Пайғамбарга(с) тез етса, ўша пир нисбатан мўъиабарроқ ҳисобланган. Насаб шажарасида ҳам худи шул каби, яъни ёшидан қатъий назар, ота насаби жиҳатидан Ҳазрати Пайғамбарга(с) ёки Ҳазрати чорёрларга қанчалик тез етса, улар шунчалик кўп эъзозланган. Кези келганда шуни айтиш жоиким, баъзи олимлар, «силсилаи аълия» фақат Нақшбандия тариқатида мавжуд, деб билишади ва хато қилишади. Ҳар бир силсиланинг ўз олий, яъни асосий сулуки бўлади. Насаб шажарасида ҳам шундай, яъни ҳар бир машҳур авлоднинг ўз ичида асосий йўналиши бўлиб, уларни барча маноқиб китобларда – «самараи шажараи тайиба» (яъни, авлоднинг машҳур зурриёдлари шохаси) деб келтиришган.

Аммо, тасаввуфда насаби, яъни келиб чиқиши инобатга олишмай, аввало, ҳасаби, яъни хизмати туфайли орттирган обрўси шарафланган. Байт:

Ҳасаб фавқи насабмас, эй нек ҳол,
Ипакдин ўткарур кўп ишлаган шол.

Бошқа пиру муршидлар каби, Шайх Махдуми Хоразмийнинг ҳам камолотга етилган халифалари бисёр эди. «Жодатул-ошиқин» китобида халифа Хожа Муҳаммад Хивақий, халифа Хожа Муҳаммад Сайид Ҳусайн, халифа Шайх Мақсуд, Сўфи Султон, Шайх Ортуқ, Хожа Ҳусайн Марвий, Хожа Фахриддин Аҳмад, халифа Ҳожи, Ҳамза Содиқ, Муҳаммад Ориф, Шайх Аҳмад Чоржуи каби шогирдларнинг номларини келтирган эрса-да, улар орасидан Хожа Муҳаммад Хивақийни халафул-хулафо, яъни бош халифа деб келтиради. Ул зот ижозати куллий олгач, Ҳисорда фаолият кўрсатган эди.

Ўз навбатида, Носриддин Бухорийнинг «Тўҳфатул-зоирин» асарида эса ҳажга жўнаш асносида халифа Тангрибердини ўз ўринларига

[1] Жодат ул-ошиқин, 100-саҳифа.
[2] К.Каттаев. Махдуми Аъзам ва Даҳбед тарихи. –Самарқанд: Суғдиёна, 1994, 69-бет.

шайхлик маснадида жойнишин-ўринбосар этиб кетганликлари айтилади. Бу зот, асли Бухоронинг Пойканд мавзеидан бўлиб, кейинчалик шу ерда дафн этилган. Бизнингча, уларнинг ҳар иккалалари ҳам катта асҳоблардан бўлиб, бирлари Ҳисорда, иккинчилари эса Бухорода туриб Кубравия тариқатини тебратганлар[1]. Ҳеч шубҳасиз, Шомда ҳам Шайхнинг бошқа бир халифул-хулафолари тариқий ишни давом эттирган бўлиши керак.

«Тўҳфатул-зоирин»да яна икки машойих Шайх Ҳусайн Хоразмийнинг халифалари аталганким, улар Мавлоно Поянда Соктари ва Шайх Халилуллоҳдир. Ўша манбада яна келтирилганидек, Жоме ус-сулук лақабини олган машҳур эшони Имлонинг силсиласи айнан ушбу Мавлоно Поянда Соктари орқали Шайх Махдуми Хоразмийга етар экан[2].

Аммо, Ҳазратнинг халифалари ичида нафақат Кубравия, ҳатто, Нақшбандия силсиласида ҳам машҳуру манзур бўлганлардан бири Шайх Яқуби Сарфи бўлиб, ул зотга бағишланган алоҳида катта боб «Равойиҳул-кудс» қўлёзма китобида[3] келтирилган ва бу ерда ундан парча келтиришни жоиз деб ҳисоблаймиз (таржима К.К.):

«Шайх Яъқубнинг лақаби «Сарфи» бўлиб, назмда ҳам шу номни тахаллус қилиб олган эдилар. Махдуми олам Камолиддин Ҳусайн Хоразмийнинг халифаларидан бири бўлган бу зот кўп сайру саёҳатлар қилиб, икки шариф ҳарам (ҳаж) зиётарига етади ва пайғамбар ҳадислари исноди таҳсилиниҲижозда муҳаддислар таянчи Шайх (ибн) Ҳажр Ҳижозийдан олади… Айтишларича, у 918 (1512) йилда туғилган бўлиб, болалигидан хушёрлик ва тез фаҳмлаш сифатлари унда зоҳир бўлган ва етти ёшлигида Қуръонни ҳифз қилган. Зоҳирий билимларини Ҳазрати Мавлоно Жомийнинг шогирдлари бўлган Мавлоно Муҳаммад Онийдан ўрганган. Шундан сўнг, унда илоҳий жазаба бошдан оёқ ғолиб бўлиб, кўп сайру саёҳатлар этган ва кўп бўзурглар билан суҳбатлар қилган. Охири, Самарқанд дорус-салтанатида Махдуми олам Ҳусайн Хоразмийга етишиб, Кубравия тариқатини ул зотдан эгаллайди. Турон, Хуросон, Эрон, Ироқ, Ҳижоз ва Ҳиндистон мамлакатларида саёҳатлар қилиб, ўзининг асл ватани Кашмирга (Ҳиндистонга) қайтади ва умрининг охиригача китоб ёзиш таснифоти билан машғул бўлади.

Ул зотнинг камоли даражасини шундан ҳам билиб олиш мумкинки, қутбул-офоқ Ҳазрати Мужаддад Алфи Соний – Имоми Раббоний, яъни Шайх (Аҳмад) Сирҳандий Деҳли шаҳрида ул зотнинг суҳбатларига етишиб Кубравия тариқатининг файзу баракотларига эришганлар. Баъзи ривоятларга қараганда, ҳатто ҳадис санадини ҳам Ҳазрати Алфи Соний ул зотдан ўргангандир, балким.

Шайх Яъқуб Сарфининг вафотлари Кашмир вилоятида… 1003 (1594) йилда содир бўлгандир».

Энди, ҳақиқат қилиб айтганда, ислом дини тасаввуфининг энг буюк намояндаларидан бири бўлган Мужаддад Алфи Соний – Имоми Раббонийга устозлик қилиш шарафига муяссар бўлганининг ўзи – ул зотнинг миқёсини айтиб турибди ва Шайх Ҳусайн Хоразмийнинг бул каби шогирдларига ортиқча изоҳ беришдан қалам ожиздир.

## ШАЙХ МАХДУМИ ХОРАЗМИЙ ФАРЗАНДЛАРИ

Шайх Махдуми Хоразмийнинг фарзандлари тўғрисида фақат ўзларининг мақоматлари бўлмиш «Жодатул-ошиқин» асари маълумот беради, холос. Тўғри, ушбу китобдан бироз олдинроқ ёзилган ва Шайх Махдуми Хоразмийга бағишланган «Мифтоҳут-толибин» асарининг муаллифи Мавлоно Камолиддин Маҳмуд Ғиждувоний ҳам бу масалада ёзиб ўтган бўлиши мумкин. Ушбу асар билан танишмаганимиз боис бизга бу қоронғу. Аммо, ҳозирги даврда, Самарқанднинг Махдуми Хоразмий маҳалласида яшовчи махдумзодаларнинг қўлларида аждодларидан мерос қолган бир вақфнома ҳужжатидан ҳам анча-мунча маълумотларни билиб олиш мумкин[1].

Шундай қилиб, мавжуд манбаларга қараганда, Шайх Махдуми Хоразмий серфарзанд инсон бўлганлар.

Ул зотнинг тўнғич фарзандларидан бири Шарафиддин Ҳусайннинг, юқорида айтиб ўтилганидек, онасининг насаби Шайх Сайид Бурҳониддин Қиличга бориб етгани учун ҳам фарҳардлари орасида сайид-ашрофзода ҳисобланган ҳамда Шайх Махдуми Хоразмийнинг самараи шажараи тайибалари айнан ушбу

---

[1] Тўҳфатул-зоирин… Бухоро чопаси. 1909, 34-саҳифа.
[2] Ўша китоб. 31-32-саҳифалар.
[3] Равойиҳул-кудс… 114-115-саҳифалар.

[1] Вақфнома Темурхон Бобохонов хонадонида сақланади.

фарзандлари орқалидир. Шарафиддин Ҳусайннинг таваллуд йили китобларда ёзилмаган. Аммо, унинг ўзи ёзган «Жодатул-ошиқин» китобида келтирилишича, 910 (1504) йилда шайхликка ижозати куллий олган Шайх Камолиддин Ҳусайн юрти Хоразмга қайтиб ўша йил сайидзода тоғобаччаларига уйланадилар. Ушбу биринчи кўчдан, яъни биринчи хотираларидан Шарафиддин Ҳусайн туғилади. Демак, ул зот 1505 йил атрофида туғилгандир.

Шарофиддин Ҳусайн ёшлик пайтларидан бошлаб бузург отасига хизматлар қилиб келганлиги тўғрисида баъзи манбаларда зикр этилган бўлиб, тариқий хирқани ҳам отаси қўлларидан кийиб, халифалардан бири бўлганлигини айтилган.

Шарафиддин Ҳусайннинг насрдаги салоҳияти унинг «Жодатул-ошиқин» мақомотидан билинса, назмдаги маҳорати эса Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаккирул-аҳбоб» асарида[2] шундай сўзлар билан келтирилган:

«Шариф кишилар қаймоғи Шайх Шарифийнинг муқаддас ёди. (Ул зот) жаноби Шайх Махдуми Хоразмийнинг ашрофзода ўғлидир. Кичик ёшидан шариф отаси хизматида бўлиб, абадий бойлик ва улуғ давлат касб этди. Мақтовли ахлоқи ва ёқимли васфи бор. Ҳасаби латофати ва насабининг поклиги эл орасида ва тариқат ишида нурли офтобдек чароғон ва олийжаноб лутфи хосу ом учун баробардир. Халифаликнинг бехилоф байроғини ёйган ва Ҳусайния силсиласи ошиқларини бенаво қолдирмаган ҳолда ўринбосарлик мақоми муқим ўлтириб, янгидан-янги футуҳотлар ва чексиз фазилатлар ортишига сабаб бўлмоқда. Олий мутоалали йиғини олмлар ва фозиллар тўпланадиган қароргоҳдир. Барча фозиллар шайх хзматига жону дили билан ошиқадилар ва фазилат ҳосили билан уюлган хирмонидан бир бошоқ олиб қолишга шошиладилар. Аниқ табъи сўз таҳқиқида олий даража ва юқори мартабага эгадир. Сўз фурсатини бир он бекор ўтказмайди. Олий отаси мақомотини яхши йўсинда жамлаган ва кўп маъноларни ихчам мўъжаз лафз асносида «хайрулкамол» дамли ҳамда дилда ёқувчи нутқ билан баён этади… Шеър соҳасининг барчасида сўз айтган. Дилфиреб ашъори ва ғаройиб гуфтори фозиллар тилида зикр этилади ва шоирлар орасида машҳурдир… Айни кунларда Худо ҳимоясига олган Самарқанд шаҳрида сокиндир».

Нисорийнинг бу сўзларидан Шайх Шарафиддин Ҳусайннинг ёқимли васфи бўлиб, «Шарифий» тахаллуси билан шеъру ғазаллар айтгани, мақтовли ахлоқи ва фазилатлар эгаси бўлганлигидан нафақ тариқий, балки назмий мажлисларда ҳам машҳуру манзур эканлиги англанилмоқда. Асосийси, Нисорий ул зот ҳақидаги фикрини, – «айни кунда Самарқандда яшамоқда», деган сўзлар билан тугатгани, «Музаккирул-аҳбоб» ёзиб тугалланган пайтда ҳам Шарафиддин Ҳусайннинг ҳаётда эканлигини билдирмоқда. Агар, Мавлоно Мутрибийнинг тазкирасидаги[1] маълумотга қараганда, Шарафиддин Ҳусайннинг (яъни Мавлоно Шарифийнинг) Ҳиндистон сафари вақтида 70 ёшида вафот этгани ҳисобга олинса, унда ул зот 1574/75 йилларда вафот этган бўлади.

Шайх Шарафиддин Ҳусайннинг жасади Самарқандга келтирилиб, отасининг хонақоҳида дафн этилган. Ул зотдан уч ўғил боқий қолган: **Хожа Мирак, Муҳаммад Боқи** ва **Муҳаммад Тоҳир**[1]. Ҳозирги пайтда Самарқанднинг Махдуми Хоразмий аталган маҳалласида яшаётган махдумзодаларнинг аксарияти – Бобохоновлар оиласи ўзларини айнан ушбу Шайх Шарафиддин Ҳусайннинг зурриётлари ҳисоблайдилар.

Шайх Махдуми Хоразмийнинг бошқа фарзандларини яна «Жодатул-ошиқин» асарининг муаллифи ёзишмаларидан билиб оламиз. Махдуми Хоразмийнинг иккинчи фарзандлари **Шаҳобиддин Ҳусайн** бўлиб, ўз оталарининг номи билан уни атаганлар. Бу ўғил отаси билан Шомга сафар қилган ва ўша ерда вафот этиб, қабри ҳам Шомдадир. Шарафиддин Ҳусайн ушбу тўнғич укасининг вафотини китобида келтиргани, унинг акасидан илгари вафот этганлигини англатмоқда. Шаҳобиддин Ҳусайннинг Шомга сафари вақтида оиласи Самарқандда қолганлиги манбада келтирилган.

Шайх Махдуми Хоразмийнинг учинчи ўғилларининг номи **Шайх Абду Қосим Ҳусайн** бўлиб, отасининг вафотларидан кейин Қудси халил шаҳрига бориб тариқий пирлик фаолияти билан шуғуллангани ва ўша ерда вафот этгани ҳақида «Жодатул-ошиқин» китобида келтирилган.

[2] Музаккирул-аҳбоб… 217-бет.

[1] Мавлоно Мутрибий. Тазкиратуш-шуаро. Ўз ФА Шарқшун. Инст. инв. рақ.№ 3084.

[1] Жодат ул-ошиқин, 221-саҳифа.

Ҳазратнинг кейинги ўғилларининг номи **Мир Ҳошим Ҳусайн** бўлиб, у ҳам ўз хонумонини тарк этиб, отаси билан ҳаж сафарига отланган. «Жодатул-ошиқин»да вафоти келтирилмаганидан шу тушуниладики, у муаллиф акасидан кейин вафот этган, кўринади.

Ҳазратнинг яна бир ўғлларининг номи Шайх Нажмиддин Ҳусайн бўлиб, ул зот ҳам отаси билан ҳаж сафарига чиққан ва Шомда вафот этиб, қабри отасининг яқинидадир.

Шайхнинг яна бир ўғиллари **Шоҳ Махдум Ҳусайн** аталиб, пиру муршид Хожа Муҳаммад Хабушонийнинг қизидан туғилганлиги китобда зикр этилган. Бундан, Шайх Махдуми Хоразмийнинг иккинчи кўчлари, яъни хотинлари ушбу пирнинг қизлари эканлиги аниқланади. Шоҳ Махдум Ҳусайн оталаридан ташқари яна Шайх Шоҳдан ҳам иродат олган ва тариқатда кенг қамровли, зоҳиру ботин илмида олим бўлган. Самарқанддан Ҳиндистон орқали ҳаж сафари сари бораётиб вафот этганлиги асарда келтрилган. Демак, бу ҳам муаллиф акаси Шарафиддин Ҳусайндан олдин вафот этган экан.

Ушбу сатрлар муаллифига Шайх Махдуми Хоразмий авлодидан бўлган Темурхон Бобохонов келтириб берган ва Хоразмийлар хонақоҳига тегишли ҳамда 1136 (1723) йилда Бухорода ёзилган бир вақфноманинг ксерео нусхасига қараганда, унда келтирилган шажара ушбу Шоҳ Махдум Ҳусайннинг авлодларига тааллуқли бўлиб чиқди. Ҳужжатдаги ёзувларга қараганда, Шайх Махдуми Хоразмийнинг кенжа ўғилларидан бири Шоҳ Ҳусайннинг авлодидан бўлган Хожа Муҳаммад Содиқнинг Шайх Махдуми Хоразмийга ҳақиқтан ҳам авлод-зурриёт эканлиги ҳамда хонақоҳ вақфиясига дохиллиги борлигини тасдиқланган. Вақфномада Махдуми Хоразмийнинг номлари Шайх Шарафиддин Ҳусайн ал-Хоразмий тарзида келтирилган бўлиб, «Шарафиддин» ул зотнинг диний лақабларидан бири эканлигини юқоридаги «Махдуми Хоразмий шахсиятларидаги айрим чалкашликлар» бобида кўриб ўтган эдик. Ва шажара ушбудир:

1. Шайх Махдуми Хоразмий
↓
2. Хожа Шоҳ (Ҳусайн)
↓
3. Хожа саид Бурҳониддин
↓
4. Хожа Мир Юсуф
↓
5. Хожа Шаҳобиддин
↓
6. Хожа Абдураззоқ
↓
7. Хожа Баҳоваддин
↓
8. Хожа Абдулғаффор
↓
9. Хожа Муҳаммад Содиқ

1723 йилда ёзилган ушбу вақфномада келтрилган шажарага кўра, Шайх Махдуми Хоразмий даврларидан ўртача 200 йил ўтгач, авлодлари саккиз воситага кўпайганини кўрмоқдамиз. Агар, (бошқа авлодий шажараларга қиёслаб) 1723 йилдан то бизнинг давримизгача яна 280 йил ўтганлигини ҳисобга олганда насллари шу тарзда яна камида саккиз воситага кўпайса, демак, ҳозирги даврда яшаётган мавжуд авлодлар Шайх Махдуми Хоразмийга тахминан ўн тўрт (14-16) восита ила етишар эканлар.

Самарқанднинг Махдуми Хоразмий маҳалласида яшаётган ҳозирги авлод (яъни Бобохоновлар) ўзларининг шажарасини қуйидаги қисқа тарзда келтирадилар ва бу охирги 150 йил ичида яшаган авлод бўлиб, улардан юқорироғини шажаралари йўқолган ва ҳозирча шажарани Шайх Хоразмийгача ёки ҳужжатда зикр этилганларгача етказишнинг имкони йўқ. Улар фақат Бобохон исмли бобокалонигача бўлган шажарадан хабардорлар. Аммо, юқоридаги 1773 йил ҳужжатида охирги авлод сифатида зикр этилган Хожа Муҳаммад Содиқ қуйидаги Бобохонга насаб жиҳатидан алоқаси бўлган тақдирда санага қараганда отаси ёки бобоси ҳисобланади. Темурхоннинг раҳматли отаси Маъсуд Бобохонов унга, – юқоридаги вақфномада келтирилган шахслар бобоexternal бўлишади, – деб бир неча бор таъкидлаганини инобатга олганда шул тариқа уларнинг шажараси тикланган деб ҳисоблашимиз мумкин ва Хожа Муҳаммад Содиқдан сўнг шажара ушбу тарзда ёзилади:

**Бобохон** (тахминан XIX аср бошларида вафот этган)
↓
**Олимхонхожа** …………………………….
↓↓
**Аббосхон Темурхожа**
↓↓
**Тўрахожа Порсохожа**

(1916 йил вафот этган)
↓
……………………………………………………
↓ ↓ ↓ ↓
**Бобохонов Бобохонов Бобохонова Бобохонов**
**Тўрахон Маъсудхон Салтанатхон Довудхон**

Тўрахожа Бобохоновнинг ушбу тўрт фарзандлари охирги йилларда вафот этишган бўлишиб, маҳаллада яшовчи махмумхоразмийлар ўшаларнинг болаларидир.

Яна бир муаммо, ушбу шажара бўйича улар кенча фарзанд бўлган Шоҳ Ҳусайннинг фарзандлари бўлиб чиқишаётирларку, – деган саволга айтиш мумкинки, вақфномада Шайх Махдуми Хоразмийни диний лақаб билан жаноби қутбул-ақтоб, ғавсул-аҳбоб Ҳазрати Шайх Шарафиддин Ҳусайн ал-Хоразмий деб аталишлари кейинги баъзи авлодларни чалкаштирган, чоғи. Яъни, улар вақфномада тўнғич ўғил – Шарафиддин Ҳусайн тўғрисида сўз бораётир, деб ўйлашган. Шарафиддин Ҳусайн ўзининг «Жодатул-ошиқин» китобида бор-йўғи уч ўғли борлигини номлари билан келтириб, вақфномадаги номга ҳеч тўғри келмайди. Аксинча, Шайх Махдуми Хоразмийнинг вақфномада келтирилган Шоҳ номлик ўғиллари мавжудлигини юқорида таъкидлаган эдик. Тўнғич ўғил бўлган Шарафиддин Ҳусайн ҳам кенжа ўғил Шоҳ Ҳусайн каби ушбу авлодга бобокалон бўлиши мумкинлиги эҳтимолдан холи эмас. Юқорида айтганимиздек, унинг шахсан ўзи ёзган китоби бекордан-бекорга айнан шу оилага келиб тушмаган.

Албатта, Шайх Махдуми Хоразмийдек муршиднинг кейинги қолган авлодлари, агарчи тарихий манбаларда қайд этилгани ҳозирча топилмаган эрса-да, уларнинг Кубравия тариқатига, балким Нақшбандия тариқатига ҳам муносиб фаолият кўрсатганликлари эҳтимолдан йироқ эмас. Тўғри, улардан бирини манбалардан излаб топишга эришдик. У **«Рисола фи баёни илмул-ҳисоб ванн-нужум»** китоби соҳиби Муҳаммад Шокирхожа бўлиб, бу зотнинг ушбу асари таҳлили китобимиз адоғида қисқача тарзда берилади. Чунки, уларнинг авлодий хонақоҳлари, мана неча асрлар давомида фаолият кўрсатиб келаётган экан, албатта, унда шу вақтлар давомида тариқий-диний ишлар олиб борилган ва бу ерда ул зотнинг авлодлари асосий фаолият кўрсатганликлари шубҳасиздир. Уларнинг ирсий келиб чиқишлари ҳам бу ишларга тақозо этади, албатта.

***Моҳитўра Турсунова,***
*Шайх Махдуми Хоразмийнинг авлодларидан ва жамғарма раиси*

# МАХДУМИ ХОРАЗМИЙ – ШАЖАРА – САЛТАНАТПОШШО ТАҚДИРИ ТАРИХИ

Самарқанд шаҳрининг Регистон майдони яқинида жойлашган Махдуми Хоразмий гузарида икки ака-ука – Порсохўжа ва Бобохон яшаб ўтганлар. Ҳовлилари жуда катта ва серфайз бўлиб, пешҳовли, орқа ҳовлидан иборат бўлган. Ҳовлида жуда кўп мевали дарахтлар ўсган. Ҳатто боболари Махдуми Хоразмий яшаган даврдан қолган иккита тут дарахти ва ҳовуз бўлган. Порсохўжанинг 10 та, Бобохоннинг 4 та фарзанди бўлган. Бобохоннинг хотини Ойтўла Нуриддини Аълам қозининг қизи бўлган.

У ўқимишли бўлиб, қизларга дарс берган. Бобохоннинг ўзи ҳам Махдуми Хоразмий масжидида мулло бўлиб, ўғил болаларни ўқитиш билан ҳаёт ўтказган. Уларнинг фарзанди Бобохонов Тўрахон 1905 йилда, Бобохонов Мақсудхон 1910 йилда, Бобохонова Салтанатхон 1912 йилда ва Бобохонов Довутхон 1914 йилда туғилган. Бобохон жуда касалманд бўлиб, ўлим тўшагида ётган пайтида хотинини чақириб «Бегим, болаларимни асранг. Улар хор бўлмасин» – деб васият қилади.

Шу даврда Салтанатхон 4 ёшли, кичик ўғли 2 ёшли эди. Бегим Ойтўла ая ҳам ота, ҳам она бўлиб акалари ёрдамида болаларини вояга етказади. Замон ағдар-тўнтар бўлади. Тўрахон дадасидан илм сабоқларини ўрганиб олган. Шунинг учун дадасининг ўрнига Махдуми Хоразмий хонақоҳ масжидида муллолик қиларди. Салтанатхон ҳам онасидан илм-маърифатдан сабоқ оларди. Советлар даври келиши билан бегимнинг акаларининг боғлари, ҳовлиларини советлар

олади, ўзларини сургун қилади. Совет ҳукумати томонидан 1938 йил Махдуми Хоразмий хонақоҳ масжиди ва ҳовлиси 25-сонли шаҳар болалар боғчасига айланади ва шу даргоҳда Салтанатхоннинг болалари ўқийди. Салтанатхон жуда ўткир зеҳнли, узоқни кўзлайдиган ва барча аёллик фазилатларига эгаликни, қийинчиликларни енгиб ўтишни ўрганади. Салтанатхон 12 ёшида попурчилик касбини ўз дугонасидан ўрганиб олади ва холасининг эри Эшонбобо унга 12 танга берадилар ва попур машинасини олади. Аянинг бошига аянчли кунлар келади, шунда ая болаларини чақиртириб сўзлайди:

«Мана бу 3 та ҳовли, 10 дона тилло, мана бу боболарингиздан қолган шажара ва эски китоблар. Мана шу сизларга отангиз ва мендан мерос. Қандай бўлсангиз, ўзларингиз ҳал қилинглар». Шунда иккинчи ўғли Мақсудхон:

«Менга шу 10 тангани беринг, мен бориб Ленинградда ўқиб келаман» дейди. Тўрахон ишга киради. Салтанатхон билан Довутхон Рабфакка ўқишга кирадилар – ўқитувчилик касбига.

Порсохўжанинг ўзи ва 8 та фарзанди ҳаётдан кўз юмади. Фақат битта қизи билан битта ўғли қолади. 1927 йилда Порсохўжанинг ўғли Сафохон билан (1907-1933) Бобохоннинг қизи Салтанатхоннинг тўйлари бўлади. Ўша замоннинг шарти билан тўй ўтказишга мажбур бўладилар. 1930 йилда уларни катта қизлари туғилади. Исмини Мамлакат қўядилар ва иккинчи боласига ҳомиладор пайтида Салтанатхоннинг эрини ва ўзини Тайлоқ туманининг Пайшанба қишлоғига мудир ва мудир ёрдамчиси қилиб йўлланма билан жўнатадилар. 1932 йилда эри ҳаётдан кўз юмади. Эрини шаҳарга олиб келганида қайнонаси ҳам оғир касал бўлади. Она-бола бир ой ичида оламдан ўтадилар ва туғилган Мубин исмли ўғилча ҳам 6 ойга етмасдан вафот этади. Барча ташвишлар 20 ёшли Салтанатхоннинг зиммасига тушади.

У шаҳарга кўчиб келиб, укаси Довудхон билан бирга 5-шаҳар ўрта таълим мактабида дарс беришни бошлайди. Попурчилик касбини ҳам қилади. Мактаблар ва гузарларни аҳлини ўша даврнинг тақозосига кўра кўрак тозалашга машинада олиб борар эканлар. Шу машинанинг ҳайдовчиси Турсунов Умар (1905-1983) Шайх Хованди Таҳур авлодидан бўлиб, бобоси Ўрин халифа номли киши эди.. Дадаси Турсун мулло бўлади. Турсун аканинг хотини жуда мулойим, ажойиб аёл эди. Фақат уй-рўзғор ишлари билан овора эди, уларнинг 7 фарзандлари бўлган. Шундан 3 қиз, 4 ўғил: Муяссар, Мир Умар, Муҳаббат, Аслам, Қурбон, Сановар ва Кенжа. Турсун бобо ўғлини эски ўрта мактабни битиргач Регистон мадрасасига ўқишга киргизади, бу пайтларда у киши Ҳамза Ҳакимзода билан бирга ўқиганлар. Совет ҳукумати ўрнатилганда Мир Умар ҳарбий отлиқ ўқишга киради. Отаси келиб мажбуран ўқишни ташлашини талаб қилади. Шундан кейин ўша даврда обрўси катта бўлган техника билан боғлиқ шофёрлик курсига ўқишга киради ва аъло битиради. Совет даври ўрнатилганда пойтахт Самарқандда жойлашган эди. Ўзбекистон редакциясига бош муҳарир Ш. Рашидов билан Мир Умар хайдовчи бўлиб ишлаган. Мир Умар Салтанатхонга уйланиш нияти борлигини айтади. Бироқ, Умар акага авлоди Салтанатхоннинг авлодига тўғри келмайди, деб рад жавоби бўлади. Лекин, Умар аканинг дадаси барча авлоднинг «ҳурматини жойига қўйиб, ўғлим учун кафолот бераман» дейди. Шундагина уларнинг 1935 йилда тўйлари бўлиб ўтади. Эру-хотин Фарҳоду-Ширин спектаклига кирадилар ва Салтанатхон ҳомиладор бўлганлиги сабабли ўғил туғилса исмини Фарҳод қўямиз, деганлар. Ундан кейин иккита қиз туғилади. Бирининг исмини Маданият, бирини Машҳура қўядилар. Акаси Тўрахоннинг хотини сил касалидан вафот этади ва бева акаси ягона ўғли Анвархон билан бир рўзғорда Салтанатхон билан яшайдилар. 1941 йилда уруш бошланади. Турсунов Умар ва Бобохонов Мақсудхонлар урушга кетадилар. Уруш даврида Мир Умар ака прокурор шофёри бўлиб ишлайдилар. Бир куни урушнинг охирги кунлари Кенсверг шаҳрида Мир Умар ака штабнинг олдида прокурорни кутиб ўтирган эди. Шу пайт немис болалари олдинги йилдан қолган сабзиларни ердан ковлаб еяётган бўлади. Дарров машинадан тушиб, ўзининг паёк пакетидан печенье ва бошқа майда-чуйдаларни олиб, шу болаларга беради. Штабнинг олдида турган қоровул келиб Мир Умар акани қамайди. Прокурор вазиятни англаб, Умаржон акани қамоқдан чиқаради ва уни болаларига ёрдам сўраб ҳукумат номига хат ёзади. Уруш пайтида Салтанатхон бор бисотидан айрилиб, болаларини боқиш билан рўзғор ўтказишга ҳаракат қилади. Салтанатхон эрталаб карточка билан болаларини олиб нон олиш учун магазинга навбат кутиши ҳар кунлик одати эди. Сал ўтмасдан Ойтўла ая ҳаётнинг барча қийинчиликлари натижасида оғир

касал бўлиб вафот этади. Онасини кўмиш маросими Салтанатхоннинг бўйнига тушади. Салтанатхон уч километрлар чамаси узоқда (кашшакда елкасида иккита челакда) бўлган кошзаводдан мағзава сувни олиб келиб, болаларининг кирини ювади. Бозорда манти ясаб сотади. Шу вақтлар бир куни военкоматдан чақиртириб, уруш қатнашчиларининг серфарзанд оилаларига ёрдам беришларини айтадилар. Ая ўзининг ночор қўшниси 2 та болали онани бирга олиб бориб, «бу менинг эримнинг синглиси», деб уларга ҳам ёрдам олиб беради. Шунча ташвишлардан кейин ҳам бу мард аёллар чироқ атрофида ўтириб, шеър, ғазал, китоб ўқиш билан машғул бўлишади. 1943 йилда ўғлининг суннат тўйини қилиб ўтказади ва сал ўтмасдан кўп касал бўлиб ётган онаси ҳаётдан кўз юмади. 1945 йилда уруш тамом бўлади. Эри урушдан қайтиб келади ва биринчи қизининг исмини ҳаётдан ёш ўтган дугонаси Моҳитўранинг исмини қўяди. 1946 йилда бева акаси Тўрахонни уйлантирадилар ва кичик укаси Довудхонга келин олиб келади. Шундан кейин ўғил туғилади. Отини эри эсон-омон келгани учун Қаҳрамон деб қўяди. Кенжа қизининг исмини барча матлабимга етганим учун, деб Матлуба қўядилар. Уларнинг ҳаёти осон кечмайди. Лекин қарилик чоғларида эру-хотин Мир Умар ва Салтанатхон бирга ўтирганларида Алишер Навоий, Увайсий ва бошқа шоирларнинг шеърларидан мушоира қилардилар. Салтанатхон қофияда устун келарди. Энг севимли сатрлари:

*Эй гулшани боғи ҳаёт*
*Сарви равонам нозанин*
*Гулғунчаи меҳру вафо*
*Ороми жонам нозанин*

*Гулгун қабо гулгун сабо*
*Номеҳрибонам нозанин*
*Токай қилурман оҳу наво*
*Номеҳрубонам нозанин.*

1949 йилларда тўнғич қизи Мамлакатхоннинг тўйи бўлиб ўтади. Мир Умар ака ўз отасидан ҳам зиёд меҳрибонлик билан тўй маросимини ўтказади. 1950 йилда биринчи невaралари Меҳрожхон туғилади.

Урушдан кейин Самарқанд вилояти Ургут рейс маршрути очилади ва Мир Умар ака унинг биринчи шофёри бўлади. Ҳар жума куни ўз ҳисобидан бир такси боболарни Самарқандга ва Самарқанддан Ургутгача олиб борарди. Шунинг учун у кишининг отини Ҳожи бобо дердилар. Дадаси қишлоқда, ўз қўрғонида яшар эди, аммо Умаржон аканинг болалари шаҳарда ўқир эди. Шунинг учун катта опаси Муяссар опани оиласи билан шу даргоҳга кўчириб олиб келади, унинг эрининг иши юришмас эди. Қўрғоннинг деворини алмаштириб, уйларни қайта тиклаб, рўзғорларининг барча иқтисодий томонини Мир Умар ака бўйнига олган эди. Ҳар ҳафта пайшанба куни Турсун бобо ўғлининг уйига келар эди, ётиб, намоз жумага бориб, кейин уйга қайтар эди. Умаржон ака ишдан келганида сандалининг устига барча пулларини ташлар эди. Олдин давлатнинг ҳаққини, иккинчиси отасининг ҳаққини ва охирида оиласининг ҳаққини ажратар эди ва дадасининг ҳаққини тўплаб, ҳар пайшанба куни унга берарди.

1953 йили Моҳитўра 25-сонли болалар боғчасига қатнар эди, бир куни онасига ҳаяжонланиб сўзлаб беради: «Аяжон, боғчадаги қабристонни трактор билан ағдараяптилар». Шунда онаси йиғлаб юбориб: «Қизим, тинглаб ол, бу даҳшат ишлар бўляпти, катта бўлсанг бунинг маъносини англайсан» – дейди. Ағдарилган қабристоннинг ўрнида кўп қаватли уй қуриб, одамларга берилади.

1983 йилда Мир Умар аканинг ҳаётдан ўтиши Салтанатхон учун катта қайғу эди, салкам 50 йил бирга яшаб, 7 та болани вояга етказиб, уларнинг тўйини қилиб, бирор марта таъна сўзни эридан эшитмаган хотин учун мусибат эди, чунки хотини ҳурматини, иззатини ўз ўрнига қўйган эди. 1991 йил Салтанатхон акаси Мақсудхонга – онасидан қолган мерос, шажара билан китобни бериб «маданий меросимизни ўз ўрнига қўйишингизни умид қиламан» дейди. 1991 йилда Мақсудхон ака бу нарсаларни академик Ботурхон Валихўжаевга олиб борадилар ва айнан шу йил «Ленин йўли» газетасида домланинг «Сиз Маҳдуми Хоразмийни биласизми?», деган катта мақоласи чиқади. Мақсудхон ака томонидан ўзи яшаётган гузарга Маҳдуми Хоразмий гузари номи қайта қўйилади, гузарнинг бошида ҳайкал ўрнатилади.

1997 йил Мақсудхон оғир ўлим тўшагида ётган пайтда ягона синглиси билан видолашиш вақтида: «Мана бу омонат, хиёнат бўлмасин», деб китоб билан шажарани синглисининг қўлига беради. Салтанатхон олиб ёнига қўяди, акаси билан видолашиб чиқаётганда, шажара ғойиб бўлган эди. Салтанатхон бундан жуда изтироб чекади ва уйига келиб, қизига сен мен билан бирга борсанг бу ҳодиса юз бермас эди, деб асабийлашади. Бу ҳолни кўрган Моҳитўра шажара

ва бобоси Махдуми Хоразмийнинг номлари тикланиши ва абадийлаштирилиши учун сидқидилдан ҳаракат қилишини онасига айтади ва онаси қизига “бу менинг сўнгги васиятим, ваъдангнинг устидан чиқ”, - дейди.

Шажара Салтанатпошшонинг жияни Темирхон оиласидан олиниб ва унга берилади.

1998 йилда Салтанатхон ҳаётдан кўз юмади. Жанозага келган Анвархоннинг холаси Пошшо Соибхон Тўрахон аканинг қайнсинглиси Салтанатпошшога таъриф беради. Салтанатхон опа икки ёнларига 2 та бешик қўйиб жияни билан ўғлини эмиздириб катта қилдилар. Уруш пайтида одамлар ҳатто ўзининг боласига қарамаган пайтида қариндошлари қаторида бегона инсонларга ўзининг ёрдамини аямайдиган зоти пок инсон эдилар. Жуда ҳам чаққон, саранжом-саришта, оқилу-доно, иродаси мустаҳкам аёл эдилар. Оғир пайтда ҳаммани хурсанд қилар эдилар. Камбағалу бечораларга, муҳтож одамларга ўз меҳнатини аямас эдилар. Шеърият, санъат дунёсидан бохабар, тадбиркор, бетакрор аёл эдилар. 1999 йил Имом Мотрудий юбелийи муносабати билан 25-сонли болалар боғчаси ёпилади, хонақоҳ масжиддан, бўлак қорихоналар ва бошқа хоналар ҳокимият томонидан синдириб юборилади. Атрофдаги деворлар негадир пасайтирилади, эски пишиқ ғиштлар пароканда бўлади. Энг ачинарли ва кечирилмас хато – 8 та қабртошнинг олиб бориб шаҳарнинг бир четига ташланиши ва Валихўжаев ҳамда Бухорий кўчалари бурчагининг 1 метрга кўтарилиши бўлди. Шунинг натижасида хонақоҳ масжид 2010 йилга келиб ҳалокат ёқасига келади. 1999 йил бу ҳолатларни кўрган Моҳитўра онасига берган вадасининг устидан чиқиш учун Сиёб ҳокимияти ва шаҳар ҳокимиятига мурожаат қилади. 2 йиллик мурожаат жавобсиз қолади, шунда у Вилоят Ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш инспекциясига, Набираев Фирдавс акага мурожаат қилади. У кишининг маслаҳати билан 2002 йил «Махдуми Хоразмий жамғармаси» Вилоят Адлия бўлимида рўйхатдан ўтади ва раис қилиб Турсунова Моҳитўра тасдиқланади. 2003 йилда музей қуриш учун шаҳар ҳокимиятининг қарори билан Махдуми Хоразмий комплекси жамғармага берилади. 2000 йилдан то 2003 йилгача жамғарма раисининг тегишли идораларга қабртошларини қайтариб олиш учун қилган ҳаракатлари натижасиз қолди. Фақат 2003 йилда Самарқанддаги Чорсуни таъмирлаш пайтида 8 та қабртош қайтариб олиб, ўз жойига қўйилди. Жамғарма томонидан тегишли идоралар билан бирга барча керакли лойиҳалар тузилади ҳамда бобокалонимиз Махдуми Хоразмийнинг ҳаёт ва ижодини ўрганиш ишлари бошлаб юборилади. Шу мақсадда Моҳитўра академик Б.Валихўжаевга «Махдум» дегани нимани англатади?» деб мурожаат қилди. У киши: «Жаноб» ёки шунга тегишли» деб жавоб қайтарадилар. У киши онам «Махдум» – академик деган маънони билдиради» деган эдилар. Домла: «Агар академик бўлса, у киши чиқарган китоблар бўлиши керак», – деб жавоб берадилар. Шундан кейин, Моҳитўра Тошкентга, у ерда ЎзР ФА Беруний номидаги ИТИга боради. Профессор Маҳмуд Ҳасанийга учрашишни маслаҳат берадилар. Маҳмуд Ҳасаний кутубхонада Махдуми Хоразмийга тегишли бир китобнинг ичида 8 та китоб жойлашганлигини таъкидлаб, у киши томонидан бу китоблар таржима қилиб берилади. Яқинда бобокалонларимиз Бобо Худойдоди Вали – Яссавия, Махдуми Аъзам – Нақшбандия, Махдуми Хоразмий – Кубравия тариқатларининг ёшлар тарбиясидаги маърифий аҳамиятига бағишлаб конференция бўлиб ўтди. Махдуми Хоразмийнинг китобларини чиқариш ва яна бир илмий конференция ўтказиш 2013 йилга қолдирилди.

Ўзбекистон Мустақиллиги ва ҳурматли Президентимизнинг доно ва оқилона сиёсати ва қарорлари асосида ўзлигимизни англаш ва маданий меросимизнинг тикланиши жараёнида асрлар давомида бу кунни кутган ва етолмаган аждодларимизнинг руҳлари шод бўлади, деб ўйлаймиз. Айниқса, Шайх Махдуми Хоразмий шажарасини бу кунга етиб келишига сабаб бўлган Салтанатпошшо таваллудининг 100 йиллигига бу анжуман катта туҳфа бўлади, деб ўйлаймиз.



**Махдуми Хоразмий мажмуасига кириш дарвозаси**



Махдуми Хоразмий хонақоҳи масжид айвони билан



**Ҳусайн Ал-Хоразмий**

# ИРШОД АЛ-МУРИДИЙН («МУРИДЛАРГА ТЎҒРИ ЙЎЛ»)

*Форс тилидан таржима ва табдил муаллифи тарих фанлари доктори Маҳмуд ҲАСАНИЙ*

## ҲУСАЙН АЛ-ХОРАЗМИЙ

Қадимий Мовароуннаҳр ёки ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан минглаб олимлар етишиб чиққан бўлиб, улардан бизгача кўплаб китоблар мерос бўлиб қолган. ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланаётган юз мингдан ортиқ қўлёзма асарлар бунга гувоҳ бўла олади. Хазинадаги бу асарларнинг катта қисми, шубҳасиз, Хоразмдан етишиб чиққан олимларнинг қаламига мансубдир. Хоразмда ташкил топган Маъмун академиясидаги олимларнинг фаолияти кейинги асрлардаги олимларнинг ижодига ҳам катта таъсир кўрсатди. Хоразмдан фаннинг турли соҳаларига оид асарлар ёзган олимлар етишиб чиқди. Мустақиллик шарофати билан бу олимларнинг фаолиятини ўрганишга катта аҳамият берилмоқда. Ҳукуматимиз қарорлари бундай олимларнинг юбилей тўйлари ўрказилиб, уларнинг ижодини тадқиқ этиш, асарларини ўрганиш ва нашр этишга йўл очиб бермоқда.

Бундан ташқари, ўтмишда яшаган олиму шоирларнинг авлодлари, албатта, ҳозир ҳам мавжуддир. Улар ўз ота-боболарининг ҳаётини ўрганиш, асарларини топиш ва нашр этишга ташаббус кўрсатиб, ижодий изланишлар олиб бормоқдалар. Шаҳарларда ва қишлоқларда яшаб ўтган бундай олимлар ҳақида шу ердаги ташкилот ва муассаса раҳбарлари ҳам жон куйдириб, Тошкентдаги илм марказларига мурожаат қилиб келмоқдалар. Биргина ушбу сатрлар муаллифи шундай илтимосномалар асосида Қирғизистоннинг Аравон туманида яшаган Амоний Арабоний девонини, Навоий вилояти Қизилтепа туманида яшаб ўтган Хожа Ҳасан Ондоқий ҳаётини, шу вилоятда яшаб ўтган Мавлоно Ориф Деггароний ҳаётини баён қилувчи рисолаларни ёзиб нашр қилдирди. Хоразмда XVIII асрда яшаб ўтган Шайх Одина Эшон қаламига мансуб «Мифтоҳ ул-асрор», «Тавбат ут-тоибин», «Миръот ул-обидийн» рисолаларини шу зотнинг авлоди Латифжон Ҳожининг илтимоси билан таржима ва нашр қилдирди. Андижон вилояти Марҳамат тумани ҳокимияти ёрдамида Марҳаматда яшаб ўтган Махдум Василийнинг шеърлар девони нашр этилди. Бундай хайрли ишларни амалга ошириш учун бел боғлаган инсонларнинг кўпайиши, албатта, қувонарли ҳолдир.

Яқинда институтимизга самарқандлик Моҳитўрахон исмли опахон келиб, Ҳусайн ал-Хоразмийнинг авлоди эканлигини, Ҳусайн ал-Хоразмий Самарқандда масжид бино қилгани, ҳозирда авлодлари бу масжидни қайта таъмирлаб, музейга айлантираётганлари, ал-Хоразмий яшаган маҳалла Махдуми Хоразмий гузари деб аталиши ҳақида гапириб, шу зотнинг қаламига мансуб асарлар бўлса, уни аниқлашга ёрдам беришимизни илтимос қилдилар. Опанинг айтишларича, Ҳусайн ал-Хоразмий ҳақида Навоий ўзининг «Мажолим ун-нафоис» китобида маълумот келтирганини, онахонлари эса Ҳусайн ал-Хоразмий Румийнинг «Маснавий»сига «Жавоҳир ул-асрор» номи билан шарҳ ёзгани ҳақида гапирганларини қўшимча қилдилар.

Биз хазинамизни ўрганиб чиқиб, Ҳусайн ал-Хоразмий қаламига мансуб асарларнинг рўйхатини туздик. Бироқ, кўз олдимизда ажойиб ҳолат пайдо бўлди. Биз тўплаган асарлар иккита Ҳусайн ал-Хоразмий қаламига мансуб бўлиб чиқди. Ҳар икки муаллифнинг номи ҳам бир хил бўлиб, китобларда Ҳусайн ал-Хоразмий деган номдан бошқа ном йўқ эди.

Биринчи Ҳусайн ҳақида Навоий ўз тазкирасида хабар берган бўлиб, уни Мавлоно Ҳусайн Хоразмий деб тилга олади. Унинг устози Хожа Абул Вафо Хоразмий бўлиб, Навоийнинг ёзишича, бу зот камолот эгаси бўлиб, хоразмликлар уни ер фариштаси деб атар эканлар. Унинг бир неча асарлари бўлиб, мусиқа илмида ҳам маҳоратга эга ва бу бобда рисоласи ҳам бўлган. Навоийнинг ёзишича, Ҳусайн Хоразмий Абул Вафонинг зоҳир илмида шогирди ва ботин илмида муриди бўлган. Ўз даврининг машҳур кишиларидан бўлиб, «Мақсуди Ақсо» ҳамда Румийнинг «Маснавий»сига шарҳ ёзган. «Қасидаи Бурда»га ҳам туркий тилда шарҳ битган.

«Мажолис»да ёзилишича, Мирзо Шоҳрух даврида унинг бир ғазали учун куфрга чиқарганлар ва Шоҳрух уни Хоразмдан Ҳиротга чақириб муҳокама қилдирган. Навоий «истилоҳ билур киши эрди, ҳеч нима собит қила олмадилар» деб ёзади. Навоий уни «Хоразмда ўзбек шаҳид қилди» деб ёзиб, қабри Хоразмда ўз устози Абул Вафо қабри ёнида эканини таъкидлайди. Навоий шоирнинг туғилган ва вафот қилган йилларини кўрсатмаган.

Эронда босилган «Луғатнома» номли қомусда мазкур Ҳусайн Хоразмий ва унинг асарлари ҳақида қисқача маълумот берилиб, вафот санаси 840/1436 йил экани аниқ кўрсатилган. Бироқ бу ерда унинг лақаби Камолиддин деб нотўғри ёзилган.

Бугун бизнинг баҳсимиз мавзуси бўлган Хоразмий эса ўзини оддий Ҳусайн ал-Хоразмий деб атайди. Унинг тўлиқ исми устози томонидан унга йўлланган хатда Шайх Камолиддин Ҳусайн деб тилга олинади. Унга тааллуқли бўлган рисоланинг аввалида эса котиб уни ҳазрати Махдумий деб атайди.

Ҳусайн Хоразмий (Махдумий) ҳақида маълумот берувчи қадимий манбалардан бири Абул Фазл Сулаймоннинг «Жомиъ ул-асрор» («Сирлар мажмуаси») [СВР, т. 8. № 5985. Бу ерда китоб номи «Жамъ ул-асрор» деб нотўғри ёзилган.] китобидир. Назм билан ёзилган бу асар Шайбонийлардан Абдуллахон II (1583-1593) даврида ўша даврнинг улуғ шайхи Шайх Қосим Азизоннинг кўрсатмасига мувофиқ ёзилган [Абу Фазл Сулаймон. Жомиъ ул-асрор. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 9006, $4^{a}$.]. Асарда ўтмишда яшаган улуғ шайхлар ва уларнинг хислатлари маснавий усулида «ишорат» сарлавҳаси остида баён қилинган. Муаллиф асарнинг бошида Шайх Қосим Азизон ҳақида сўзлаб бўлгач, дарҳол Ҳусайн Хоразмий ҳақида сўз очади. Шундан ҳам билса бўладики, муаллиф Абул Фазл Сулаймон Ҳусайн Хоразмий билан шахсан таниш бўлган ёки ёшлигида унинг муриди бўлган бўлиши эҳтимол. Ҳусайн Хоразмийнинг улуғ шайхлардан ҳам аввал тилга олиниши Шайх Қосим Азизоннинг кўрсатмаси бўлиши ҳам эҳтимолдан холий эмас. Асар 1583 йили, яъни Ҳусайн Хоразмий вафотидан 32 йил ўтгач ёзиб тугалланган.

Асар 260 саҳифадан иборат бўлиб, муаллиф қадимда яшаган шайхлар қатори ўзидан бироз олдин ўтган ёки замондош бўлган тариқат аҳллари ҳақида ҳам маълумот беради. Бироқ, шуни айтиш керакки, муаллиф у ё бу шахс ҳақида сўз очар экан, фақат уларнинг мақтовинигина келтирган. Бу шахсларнинг туғилган-ўлган йили, устози ёки асарлари ҳақида маълумот келтирилмаган. Ҳусайн Хоразмий ҳақида ҳам шундай йўл тутилган. Бироқ асар шу зотлар ҳақида бироз бўлса-да маълумот қолдириши, уларнинг ҳаётда тутган ўрнини баён қилиниши билан, барибир, ўз қимматига эга.

Ҳусайн Хоразмий ҳақидаги фасл асарнинг $5^{a}$ саҳифасидан бошланади. Унинг сарлавҳаси қуйидагича: «Ишорат дар сифати он

офтоби каромат ва маркази доираи валоят Махдум Шайх Ҳусайн Хоразмий қуддиса сирруху» (Каромат қуёши ва валоят доирасининг маркази бўлган Махдум Шайх Ҳусайн Хоразмий сифатлари ҳақида ишорат (сирлари муқаддас бўлсин).

Ҳусайн Хоразмийнинг ўз даврида шариат ва тариқатда тутган ўрнини тасаввур қилиш учун мазкур асардаги байтларни келтирамиз:

*Қутби олам, раҳнамойи дин Ҳусайн,*
*Онки, оламрост аз вай зебу зайн.*
*Дар фанову фақр фахри авлиё,*
*Дар ҳидоят жонишини анбиё.*
*Дар раҳи тавфиқ Ҳақ гашта рафиқ,*
*Шайх Нажулддин вақт андар тариқ.*
*Соликонро аз сари файзу ҳузур,*
*Офтоб қиблаи аҳли вафо.*
*Хонақоҳаш манбаи сидқу сафо.*
*Олимон дар роҳи ў чун хок паст,*
*Оқилон аз шавқи ў рафта зи даст.*
*Ҳар ки андар суҳбати ў роҳ ёфт,*
*Лаззати асрори аҳлуллоҳ ёфт.*
*Гашт аз ратли муҳаббат саргарон,*
*Рафт беҳуд дар сафи кируви баён.*
*Ҳалқа дар боргоҳи кибриё,*
*Сўхт онжо дафтари кибру риё.*
*Мулки маъниро ба тиғи «ло» гирифт,*
*Кори ў з-ин раҳгузар боло гирифт.*
*Рафт бар аъло, асфалро бимонд,*
*Рахши ҳиммат бар сарири Арш ронд.*
*Ходимонаш ҳар яки дар роҳи Ҳақ,*
*Дарҳақиқат бўрда аз эшон сабақ.*
*Дар тақарруб чун Жунайду Боязид,*
*Мезадй ҳар дам аз «ҳал ман йазид».*
*Ҳоли ў аз ҳоли эшон фаҳм кун,*
*Гар туро ақласт, эй пири куҳун.*
*Соқийи хумхонаи тавҳид ўст,*
*Хозини ганжинаи тафрид ўст.*
*Ло язол абвобаи мафтуҳаи,*
*Руҳуҳу фи-л-қурбати мардуҳаи.*
*Кона фил-жаннат ҳулйан навҳаҳу,*
*Равваҳуллоҳу таъоло руҳаҳу.*
*Эй Сулаймон, дам мазан дар васфи дўст,*
*Онча мегуйи ту кай дар хуриўст.*
*Шуд забони хомаат аз шарҳ лол,*
*Ту кужову васфи он соҳибжамол.*
*Нест шеъру шоирй гуфтори ту,*
*Хок бар фарқашки, ў ашъор ту.*

Мазмуни:

*Оламнинг қутби, дин раҳнамоси Ҳусайн,*
*Ундан олам учун зебу зийнат бордир.*
*Фано ва фақр бобида авлиёларнинг фахри,*
*Ҳидоятда эса анбиёларнинг ноибидир.*
*Ҳақ тавфиқ йўлида тавфиққа рафиқдир,*
*Тариқатда эса вақтнинг Нажмуддин Кубросидир.*
*Соликларга файз ва ҳузур бобида,*
*Мусо (а.с.) каби Тур тоғи сари йўл кўрсатади.*
*Унинг қалб қуёши вафо аҳли учун қибла,*
*Хонақоҳига эса сидқу сафонинг манбасидир.*
*Олимлар унинг йўлида тупроқ каби паст,*
*Оқиллар эса унинг шавқи билан ўздан кетгандир.*
*Ҳар ким унинг суҳбатига йўл топса,*
*Авлиёлар сиридан лаззат топади.*
*Ва муҳаббат майидан сархуш бўлиб,*
*Бехудлар сафи сари кетади.*
*Кибриё боргоҳининг ҳалқасини қоқиб,*
*Ўшу ерда кибру риё дафтарини ёқиб юборган.*
*Маъно мулкини «ло» (йўқ) тиғи билан олиб,*
*Унинг иши бу йўл орқали юқори бўлди.*
*Олийликка кўтарилди, қуйиликни ташлади,*
*Ҳиммат отини Арш тахти сари чоптирди.*
*Ходимларининг ҳар бири Ҳақ йўлида,*
*Ҳақиқатан улардан сабақ олгандир.*
*У Аллоҳга яқинликда Жунайд ва Боязид каби,*
*«Ҳал ман йазид»дан дам уради.*
*Агар сенда ақл бўлса, эй виқор эгаси,*
*Унинг ҳолини ҳолидан тушуниб ол.*
*Тавҳид хумхонасининг соқийси удир,*
*Танҳолик хазинасининг хазинадори удир.*
*Унинг очилган эшиклари доимий бўлсин,*
*Руҳи эса яқинликда боқий бўлсин.*
*Ўзи эса жаннатда абадий бўлиб,*
*Аллоҳ таъоло унинг руҳини шод қилсин.*
*Эй Сулаймон, бу дўст васфи ҳақида дам урма,*
*Айтганларинг барибир хислатини тўлиқ очолмайди.*
*Шарҳ этишдан қаламинг тили лол бўлади,*
*Сен қайдаю ул соҳибжамол васфи қайда.*
*Шеър ва шоирлик сенинг ишинг эмас,*
*Ёзган шеърларингнинг бошига тупроқ очилсин.*

Мазкур Хоразмий ҳақида маълумот берувчи асарлардан яна бири Ғулом Сарвар Лоҳурийнинг «Хазинат ул-асфиё» («Пок инсонлар ҳақидаги хазина») асаридир. Муаллиф уни Шайх Ҳусайн Хоразмий деб тилга олади. Асарда келтирилишича, Ҳусайннинг тариқатдаги пири Махдуми Аъзам номи билан танилган Ҳожи Муҳаммад исмли валий бўлган. Ғулом Сарвар ёзади: «У сўнгги давр улуғларидан, дин бузрутларидан бўлиб, улуғ кароматлар ва баланд мақомотлар соҳиби эди» [Ғулом Сарвар Лоҳурий. Хазинат ул-асфиё. Нўвалкишвар, 1894 йил, 2-жилд, 331-бет.].

Муаллифнинг ёзишича, Ҳусайн Хоразмий Шом (ҳозирги Сурия)да баъзи маълумотлар бўйича 956/1549 ва бошқа маълумот бўйича 958/1551 йилда вафот этган. Ғулом унинг вафоти ҳақида ўзи ёзган мана бу таърихни келтиради:

*Ҳусайн валийи Хоразм раҳнамойи жаҳон,*

*Муриди ҳазрати Махдум буд аҳли камол.*
*Бас риҳлати ў хон азизи Хоразмий,*
*Ҳусайн қутби биҳиштист низ соли висол.*
*(Ҳусайн - Хоразм валийси ва жаҳон раҳнамоси,*
*Ҳазрати Махдумнинг муриди бўлиб, камол аҳли эди.*
*Унинг вафот йилини «Азизи Хоразмий» деб ўқи,*
*Яна раҳматга етишган йили*
*«Ҳусайн қутби биҳишт»дир.*

Бу таърих-хронограммадан Ҳусайн Хоразмийнинг вафот йили 958/1551 йил экани маълум бўлади.

Ғулом Сарвар Ҳусайн Хоразмий ҳақидаги фаслда унинг устози Ҳожи Муҳаммад (Махдуми Аъзам)нинг вафот йилига бағишланган шеърини ҳам қуйидагича келтиради:

*Пири аъзам ҳожийи байт ул-ҳарам,*
*Қутби олам буд бурҳон ул-валий.*
*Гўфт таърихи висоли ў хирад,*
*Ҳодийи Махдум Султон ул-валий.*
*(Улуғ пир, Байтуллоҳ ҳожиси,*
*Олам Қутби ва валийлар ҳужжатиэди.*
*Ақл унинг вафоти таърихини деди,*
*«Ҳодийи Махдум Султон ул-валий»)*

Бу таърих-хронограммадан 937/1530 йил чиқади.

Ҳусайн ал-Хоразмийнинг таржимаи ҳоли ҳақидаги маълумот Самарқандда босилган газеталарнинг бирида эълон қилинган бўлиб, муаллифи кўрсатилмаган. Мақола «Махдум Хоразмийни биласизми?» деб аталади. Махдум лақаби билан ҳам машҳур бўлган Ҳусайн Хоразмий, мақолада кўрсатишича, 870/1466 йилда Хоразмда туғилган. Оталари андижонлик бўлиб, кейинчалик Хоразмга келиб қолганлар.

Ҳусайн аввало Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор билан учрашмоқчи бўлиб, Самарқандга йўл олади. Бироқ у етиб келгунча Хожа Аҳрор Валий вафот этади. 899/1493 йили у Хуросонга боради ва Махдуми Аъзам номи билан машҳур бўлган Ҳожи Муҳаммад ал-Хабушонийнинг хизматида ўнбир йил бўлиб, тасаввуф асосларини тўлиқ эгаллайди. 1504-1505 йилда Хоразмга қайтади. 923/1517 йилда ҳажга бориш мақсадида Бухорога келади. Муридларининг илтимослари билан эса 1518 йили Самарқандга келади. Бу ерда Ғори Ошиқон деган жойда яшай бошлайди. Бу жой ҳозиргача Махдуми Хоразмий гузари деб атаб келинмоқда экан.

Ҳусайн Хоразмий Марказий Осийнинг кўплаб шаҳарларида саёҳатда бўлади. У 1549 йилдан сўнг бир гуруҳ муридлари ва ўғли Шарафиддин билан ҳажга, сўнг Шом вилоятига келади ва бу ер унга ёқиб қолади ва шу ерда қолади. 958/1551 йилда шу ерда вафот этади. Бу маълумотлар юқорида эслатилган газетада эълон қилинган.

Самарқанддан ҳузуримизга келган Моҳитўра опа Махдуми Хоразмий гузари ва у қурган мачит ҳозиргача борлиги, авлодлари ҳозиргача шу гузарда яшаётганлари, қўлларида шажаралари борлигини айтсалар-да, бироқ Ҳусайн Хоразмий ва у ёзган китоблар бор-йўқлиги ҳақида ҳеч нарса билмасликларини айтдилар ва бу борада кўмак беришни илтимос қилдилар. (Бироқ улар тилга олган ва Навоий хабар берган Ҳусайн ибн Ҳасан ал-Хоразмий ва «Жавоҳир ул-асрор» китоби бутунлай бошқа бўлиб чиқди).

Биз аввало иккита Ҳусайн Хоразмийни бир-биридан ажратиб олгач, қўлёзмалар хазинасида сақланаётган «Иршод ул-муридийн» китобига диққатимизни қаратдик. Бу асар ҳақида «ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар мажмуаси» (СВР) китобида қисқача тавсиф берилган бўлиб, унинг муаллифи Ҳусайн ал-Хоразмий эканлиги, Кубравия тариқатида бўлганлиги, 956/1549 ёки 958/1551 йилда вафот этганлиги ёзилган эди. Бу маълумотлар Самарқандда газетада эълон қилинган йилларнинг айни ўзгинаси эди.

«Иршод ул-муридийн»нинг қўлёзмаси тахминан XVIII асрда кўчирилган. 44 варақдан иборат. Ўлчови 13х22,5. шайх Муҳаммад хожа тамонидан Хоразмда кўчирилган. Асарнинг ёзилиш санаси 925/1519 йилдир. Матн тилла суви қўшилган жадвалга олинган сарлавҳалар, Қуръон ва ҳадис ёзиладиган жойлар очиқ қолган. Котибнинг муҳрида 1201/1787 йил кўрсатилган. Хати настаълиқ.

Биз мазкур асарни форс тилидан ўзбек тилига таржима қилдик, бироқ оят ва ҳадислар, сарлавҳа ва фасллар номи қўлёзмада мавжуд бўлмагани учун очиқ қолди. Шундан сўнг, яна тадқиқотни давом эттира бошладик. Қўлимизга 11159-рақамли қўлёзма тушиб қолди. Ундаги биринчи рисоланинг боши йўқ бўлиб, ўқиб кўрганимизда айни «Иршод ул-муридин» экани маълум бўлди. Унда оятлар, ҳадислар, сарлавҳа ва фасллар қизил сиёҳда ёзилган эди. Шу нусха асосида биринчи қўлёзманинг камчиликларини тўғрилашга тўғри келди. Мазкур қўлёзмани ўрганиш жараёнида шу нарса маълум

бўлдики, бу рисолалар мажмуаси бўлиб, ундаги биринчи бетига умумий ном «Баҳр ул-қулуб» тарзида берилган ва аксар рисолалар Ҳусайн Хоразмийники бўлиб чиқди. Ундаги «Иршод ул-муридийн» ва «Одоб ус-соликин» рисолалари Ҳусайн Хоразмий томонидан ёзилган. Қўлёзмада Ҳусайн Хоразмийнинг форс тилида шеърда ёзилган «Рисолаи мавзиъаи манзума»си ҳам бўлиб, 16 варақни ташкил этади. Бундан ташқари унинг 8 та ғазали, 11 та рубоийси ҳам келтирилган. «Рисолаи дарвишийyа», «Рисола мин натойижи анфоси Зайнуддин ал-Хавофий», «Рисола мин мақулоти Шайх Исҳоқ Хатлоний» каби ҳамда бошқа бир неча муаллифи номаълум рисолалар ҳам бўлиб, улар ҳам Ҳусайн Хоразмий қаламига мансуб бўлиши мумкин.

Мазкур қўлёзманинг қиммати шундаки, у Ҳусайн Хоразмий вафотидан уч йил кейин, яъни 925/1554 йилда кўчирилган. Котиб, бизнингча, Ҳусайн Хоразмийнинг муридларидан бири бўлган ва Ҳусайн Хоразмий кўп йил бирга бўлган, уининг рисолаларини ўзи билан сақлаб, охири битта-мажмуага жамлаган. У ўз номини Дарвиш Муҳаммад ибн Мир Али ибн Абдуссалом ибн ал-Исҳоқ ибн Маҳмуд ал-Жилий ал-Оштий ал-Бохарзий тарзида келтиради ва рисолаларни Бухорода Шайх Шоҳ Бухорий маҳалласида кўчирганини таъкидлайди. Котибнинг ўзи ҳам шоир бўлиб, рисолаларнинг охирида ўз шеър ва рубоийларини келтирган.

Қўлёзманинг қимматли томонларидан яна бири шуки, унда Ҳусайн Хоразмийга устози Ҳожи Муҳаммад ал-Хабушонийнинг йўллаган мактублари ўрин олган. Мактубларга устози «ходим ул-фуқаро Ҳожи Муҳаммад ал-Хабушоний» деб имзо чекилган. Устоз шогирди Ҳусайнга ҳажга бориш масалалари ва баъзи ахлоқий масалаларда насиҳат сўзларини айтади. Афсуски, бу рисоланинг боши йўқ. Ҳожи Муҳаммад ал-Хабушоний ўз шогирди Шайх Камолиддин Ҳусайн Хоразмий деб тилга олади ва мактубларидан бирига 932/1525 йил санасини қўйган ва бу мактуб Хабушондан ёзилди, деб қўшиб қўйилган.

Ҳусайн Хоразмийнинг қаламига мансуб «Рисолаи мавъизаи манзума» («Назмий насиҳатлар рисоласи») 50-60 бетларни ўз ичига олган бўлиб, бу рисолада муаллиф ҳамда рисола номи кўрсатилмаган. Рисола ҳамд ва наът билан бошланади. Бошланиши қуйидагича:

*Жў паноҳ, эй дил, зи Шайтони ражим,*
*Суйи бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳим.*

Рисола ўн саккиз фаслдан иборат бўлиб, охири қуйидаги ишора билан тугайди:

*Салоту доимий ин аст, эй дил,*
*Чоро мондй дарин раҳ пой дар гил.*

Рисоладан сўнг ғазаллар бошланади. Мисол тариқасида қуйидаги ғазални келтирамиз:

*Биёву дарди маро як нафас давое кун,*
*Ба най ҳикояти ҳижрони худ адое кун.*

*Ту мурғи олами жоне, машав асири қафас,*
*Яки ба жониби соҳибдилон ҳавое кун.*

*Биёки, бе ту ҳама аҳли ҳол беҳоланд,*
*Зи баҳри ҳолати беҳолатон садое кун.*

*Баҳор омади ҳар булбуле навохон аст,*
*Биё чу булбулу дар боғи мо навое кун.*

*Сулуки ишқ агар боядат Ҳусайнивор,*
*Зи жойи хеш баро, илтижо ба жое кун.*

Шундан сўнг рубоийлар бошланади.

*Ишқ аст маро, ки дарбадар сохта аст,*
*Ҳар рўз ба дарди худ батар сохта аст.*
*Ҳар дарду балову ғам, ки дар олам ҳаст,*
*Аз баҳри ман сўхта дар сохта аст.*

*Дар роҳи ту жону дил фидо хоҳам кард,*
*Он аҳли қадимро вафо хоҳам кард.*
*Он дам, ки сар аз хок барорам чу гиёҳ,*
*Ман рўй ба суддаи сафо хоҳам кард.*

Хулоса қилиб айтганда, ўз даврининг етук олими, мутасаввиф зот, улуғ пир ва шоир Ҳусайн Хоразмий (Махдуми Хоразмий)дан шу пайтгача бирорта асар қолмаган деган фикр мавжуд эди. Тадқиқотлар бунинг аксини кўрсатди. Бу зотдан тасаввуф, одоб-ахлоққа қимматли асарлар қолган бўлиб, бу асарларнинг ягона нусхалари ЎзР ФА ШИ фондида сақланмоқда. Бошқа олимлар қатори Ҳусайн Хоразмийнинг ижодини тўлиқ ўрганиш, асарларини таржима ва тадқиқ этиш, самарқандда олим томонидан қурилган масжидни обод қилиш, музей ташкил этиш, ҳозирда олим яшаган гузарни янада обод қилиб, махсус лавҳа ўрнатиш хайрли ишлардан бири ҳисобланади.

***Маҳмуд ҲАСАНИЙ,***
*тарих фанлари доктори, ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди мудири.*

(1б)

# БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМ

Аллоҳ таъологa ҳамдлар бўлсинки, У олимларнинг баёни воситасида шариъат байроқларини юқори кўтарди, аҳли Ҳақ ботинини ҳақиқатлар ва ишонч зевари билан зийнатлади, тажаллиёт нурлари билан орифларнинг қалб чироқларини мунаввар қилди, уларнинг илмларини чунон ва шубҳа кудуратларидан мусаффо айлади. Дуо ва саломлар бўлсин Саййидимиз Муҳаммад алайҳис саломга ва аҳли оиласининг барчаларига.

Аммо, шундан сўнг белгинки, ғаний (бехосият) Аллоҳ таъологa фақирлик изҳор қилувчи ва набий шариъатини мустаҳкам тутувчи Ҳусайн ал-Хоразмий, Аллоҳ таъоло уни орзуларининг чўққисига етказсин, шундай дейди: Бу фақир бир неча муддат қимматбаҳо умрини ғафлат сарф этар эди. Ноқис табиатли кишилар билан унсу улфатликда нафсининг муроди бўйича ҳаёт кечирар эди. Бироқ шу муддатлар ичида гоҳ-гоҳ дарвишлар билан мулоқот юз берар ва назари улар томонидан айтилган сўзларнинг мутолаасига тушар эдики, ногоҳ уларнинг боғлари (2а)насимидан, файз етказувчи шабадаларидан ва мақомотларидан бир томчиси жон машомига етишди, руҳ қушини жазаба қаноти билан парвозга киритди, сабру қарор бойлигини дил хазинасидан олиб кетди, ҳиммат этагини ғаразлар чиркидан поклаш учун сиқди.

(Бу фақир) ҳайронлик зулматининг биёбонида йақин нурини қидириб, бир неча муддат саҳро кезди, ўз назари билан тупроқни саодат кимиёга айлантирувчиларнинг мулоқоти орзусида, оё, улар кўз учидан бизга боқармикон, деган умидда, жаҳон майдони ичра қидирувда бўлди.

Бу каби эҳтиёж билан хорлик тупроғида азизларнинг остонасига юзини суртар, доимий муножот билан ўзидаги исён узр учун мана бу калималар билан нола чекар эди. Муножот:

*Худовандо, туйи донойи ҳолам,*
*Ки андар маъсийат бас поймолам.*
*Бишуд умру накард ҳеч коре,*
*Бажуз тақсири журми бешуморе.*

(2б)

*Ту донойи ба ҳар рози ниҳонам,*
*Ки андар ҳайратат сӯхт жонам.*
*Ту бо илми азал худ дида будӣ,*
*Маро бо айби ман бихрида будӣ.*
*Баровардӣ маро аз қаъри ин гоҳ,*
*Зи сирри хештан худ кардӣ огоҳ.*
*Ба суйи хеш моро раҳ намудӣ,*
*Ба шева ақлу жонам зор будӣ.*
*Чу сар додӣ маро андар биёбон,*
*Жудо андохтӣ аз деху ёрон.*
*Ба жустужӯйи ту ҳар су давидам,*
*Зи савдойи ту бас роҳе бӯридам.*
*Кунун корам ба ман бигзор якдам,*
*Ки аз лутфат берун оям аз ин ғам.*

*(Худовандо, ҳолимни билувчи доно Ўзингсанки,*
*Мен маъсийат ичида поймол бўлганман.*
*Умр ўтди, бироқ ҳеч бир иш қилмадим,*
*Фақат ҳисобсиз нуқсон ва гуноҳлар қилдим.*
*Сен менинг ҳар бир яширин сирларимни билувчисанки,*
*Мен Сенинг ҳайронлигингда жоним куйди.*
*Сен азал илми билан мени кўрган,*
*Ва мени айбим билан бирга сотиб олган эдинг.*
*Мени бу гоҳнинг қаъридан қутқариб олиб,*
*Ўз сирларимдан мени огоҳ қилган эдинг.*
*Ўзинг сари менга йўл кўрсатдинг,*
*Бу шева учун ақлим ва жоним зор эди.*
*Мени биёбон сари ташладинг,*
*Хешу ёронларимдан жудо қилдинг.*
*Сени қидириб, ҳар томонга чопдим,*
*Сенинг савдонг билан қанча йўллардан кесилдим.*
*Бугун мени ўз ишим учун бир дам қўй,*
*Лутфинг билан бу ғамдан қутилайин.)*
*Садоқат ва ниёзмандлик юзасидан:*
*Пайваста зи дарди дили худ нол, Ҳусайний,*
*Бошадки, зи сад нола яки поргар ояд.*
*(Кўнгил дарди сабабли доимо нола чек, эй Ҳасайний,*
*Шоядки юзта нолангдан биттаси корга келса.)*

Сўзининг мазмуни бўйича жонларни ёқувчи нолалар билан бениёз Аллоҳ таъоло даргоҳига илтижо қилар эдимки,

Ногоҳ тариқат муршиди, ҳақиқат сирларининг хазинаси, валоят нурларининг зуҳур этадиган макони, ҳидоят зулолининг манбаъи, ҳақиқий муқтадо, ер юзининг пешвоси, ҳаққоний комили мукаммил, (3а)раббоний маърифатнинг орифи, Илоҳий файзларнинг воситачиси, бешубҳа қутб ул-ақтоб, Аллоҳ таъолодан мадад олувчи, яъни дин Сиддиқи бўлган Аҳмаднинг:

*Шайху муршиди ала-т-таҳқиқ,*
*Шайх Ҳожи Муҳаммад он Сиддиқ.*
*Заййаналлоҳу зотуҳу абадо,*
*Ки буд мазҳари сифоти ъуло.*

*(Ҳақиқий шайх ва муршид,*
*Шайх Ҳожи Муҳаммад Сиддиқ.*
*Аллоҳ унинг зотини абадий зийнатласин,*
*У олий сифатларнинг зуҳур этадиган жойидир.)*

Ҳидоят куёши саодат субҳидан тулуъ қилиб чиқди ва бу фироқ водийсининг саргаштаси иштиёқ самумининг сўхтасига раҳнамолик қилди, бу бузрукворнинг ҳидоят соясига етказди ва талабим оёғини иродат (муридлик) тўри билан боғлади.

Бу давлатни топгандан сўнг, шавқнинг кучи сабабли, мана бу назмнинг мазмуни бўйича фахр саодатига эришдим. Назм:

*Туву гулзори хеш, эй боғбони мову сар гўйи,*
*Ки обрўйи сад гулзор мебахшад хасу хораш.*

*(Эй боғбон, сен ва гулзоринг шундайки,*
*Ундаги хасу хашак ҳам юзта гулзорга чирой бағишлайди.)*

(Бу фақир) шундай гумонда эдики, энди у ғам тузоғидан қутилиб, мурод манзилига етгандир ва хурсандликдан айтар эди:

*Балову ранжу меҳнатҳо кашидам,*
*Ки то охир ба аҳли дил расидам.*

(3б)

*Ба дил гўфтамки, растй аз ғаму дард,*
*Ҳаминаст манзили мардонаи мард.*

*(Бало, ранж ва қийинчиликларни тортдим,*
*Охири аҳли дил авлиёларга етишдим.*
*Дилимга дедимки, ғаму дарддан қутилдинг,*
*Ҳақиқий мардларнинг манзили шудир.)*

(Бу фақир) ҳақиқат чўққисининг шаҳбоза берган ҳиммат қаноти орқали парвоз қилди ва унинг муҳаббат жомидан бир журча нўш этди. Азал соқийсидан жон қулоғига бир нидо етишди:

*Мо дар пиёла акси рухи ёр дидаем,*
*Эй бехабар зи лаззати шурби мудоми мо.*

*(Биз пиёлада ёр юзининг аксини кўрганмиз,*
*Эй бизнинг майимиз лаззатидан бехабар одам.)*

Байт:

*Зи ғайрат шўрише бар жонам афтод,*
*Балову меҳнату ғам бештар шуд,*
*Дили озурдаи ман рештар шуд.*
*Бало омад насиби ишқ охир,*
*Балоро ошиқон гаштанд собир.*
*Ту ҳам гар ошиқй сабри бало кун,*
*Шунав панди Ҳусайнйро дуо кун.*
*Касоне к-андарин даргоҳ буданд,*
*Зи асрори Худо огоҳ буданд.*
*Зи дарду сўзи ишқаш хок гаштанд,*
*Ки аз ҳастй бакулли пок гаштанд.*
*Бикуш андар риёзат, эй биродар,*
*Ки то ёбй муроди худ аз ин дар.*

*(Ғайрат сабабли жонимга ғалаён тушди,*
*Бало, меҳнат ва ғам янада кўпайди.*
*Озор топган дилим янада жароҳатли бўлди.*
*Ишқнинг насибаси охири бало бўлди,*
*Аммо ошиқлар балога сабр қилувчи бўлдилар.*
*Агар сен ҳам ошиқ бўлсанг балога сабр қил,*
*Ҳусайний насиҳатини тингла ва уни дуо қил.*
*Бу даргоҳ ичида бўлган кишилар,*
*Худо сирларидан огоҳ бўлганлар.*
*Улар ишқнинг дарди ва куйиши билан тупроқ бўлганлар,*
*Ўз борлиқларидан бутунлай пок бўлганлар.*
*Эй биродар, риёзат ичида бўлишга интилгин,*
*Токи бу эшикдан ўз муродингни топгайсан.)*

Чун у жидду жаҳд ва ғайрату ҳаракат билан, байт:

*Камаре бар миёни жон баста,*
*Жон камарвар дар миён баста.*

*(Жон белига камар боғлади,*
*Камар каби жонни белга боғлади.)*

(4а)

Бахтиёр инсонларнинг хизматларида туриб, садоқат қадамини талаб йўлига қўйди, узоқ муддат риёзат юганини нафс отининг оғзига солиб, бу муқтадонинг улуғ ҳидоят чавгони ва олий ҳиммати кўмаги билан саодат гўй (тўпи)ни абадий иноят ва боқий давлат сарҳаддига етказиш учун иродат майдонида жавлонга киргизди. У Ўз

ҳасби ҳолига мувофиқ мана бу фирд (тил вазифаси)ни ўқир эди:

*Ба жону дил чу бабастам камар ба хизмати ў,*
*Саодати ду жаҳон ёфтам ба иззати ў.*
*Аз он замонки, даме май зи жоми ў хурдам,*
*Бигашт то бобад мастам зи лаззати ў.*
*Дар ин жаҳон ман бемору мубтало будам,*
*Гушуд қуфли ҳидоят маро ҳиммати ў.*
*Ба ниъмати ду жаҳон сар фуру намеорам,*
*Аз он дамеки, шудам сархуш аз муҳаббати ў.*
*Чӣ давлатеки, ба побўси ў расидам ман,*
*Ки сарфарози ду олам шудам ба давлати ў.*
*Худойро қалами афу бар гуноҳам бихаш,*
*Ба ҳаққи пири харобоу ҳаққи суҳбати ў.*
*Ҳусайний аз карами дўст ноумед мабош,*
*Ки ноумед нашуд кас зи фазлу раҳмати ў.*

*(Жону дил унинг хизматига бел боғладим,*
*Унинг иззати билан икки жаҳон саодатини топдим.*
*Унинг жомидан бир дам май ичган замон дан бошлаб,*
*Унинг лаззатидан шу кунгача мастдирман.*
*Бу жаҳонда мен бемору мубтало эдим,*
*Унинг ҳимати мен учун ҳидоят қулфини очди.*
*Унинг муҳаббатидан сархуш бўлган дамдан бошлаб,*
*Икки жаҳон неъматига эътибор қилмайман.*
*Унинг оёғини ўпишга етганим қандай улуғ давлат,*
*Унинг бу давлати туфайли икки жаҳонда ҳам сарфароздирман.*
*Худойим, афу қаламини гуноҳим устига торт,*
*Харобот пири ҳақи ва унинг суҳбати ҳақи*
*Эй Ҳусайний, дўст меҳридан ноумид бўлмагин,*
*Ҳеч ким унинг раҳмат эшигидан ноумид бўлмаган.)*

Абадий саодат хабарчиси «Батаҳқиқ, Биз сизга бердик равшан ғалабани» [Қуръон, 48/1.] муҳрни унинг номига ургач, унинг натижалари ва (4б)хосиятларидан баҳраманд бўлди.

Аллоҳ таъоло изни билан муқтадонинг покиза нафасларидан ишқ оловида куйганларни иршоди учун буюрилгач, сидқу сафо эгалари бўлган биродарлардан, Худо йўлининг толибларидан ва тариқат йўлининг соликларидан ва муршидларнинг иршод йўлини излайдиган дўстлардан катта бир гуруҳи, қайсики улар оламдаги инсон синфининг хулосаси эдилар:

*Зи жоми тараб журъа нўшон ҳама,*
*Чу булбул зи ишқаш хурушон ҳама.*

*(Шодлик жамидан барча май ичувчидир,*
*Булбул каби ишқидан барча завққа тўлувчидир.)*

Улар жаҳон атрофида уни қидириш йўлида бўлиб, садоқатли инсонлар саройида ва ростгўйлар манзилгоҳининг бўстонида жам бўлган эдилар. Лекин улардан баъзиларининг ҳиммат назари илм таҳсил қилиш, китоблар ўқиш ва тўлиқ бўлувчи пардаларни кўтаришдан ожиз эди. Улар ўз мақсадларига эришиш йўлида сулук сабабларини баён қилувчи китоб ёзишни илтимос қилдилар. Замон ва макон бу ишга қанчалик мос бўлмасин дўстларнинг илтимосига бўйсунишни вожиб деб билиб, уларнинг илтимосларига мувофиқ Малик ул-аллом (Аллоҳ таъоло) (5а)иродаси билан бир кеча варақ ўз йўлида синовдан ўтган ҳолатлар, шароит ва одобларким, соликлар ва ориф дарвишлар сулукига боғлиқ эди, қисқа ва лўнда очиқ ва равшан тил билан бу рисолага забт этилди, токи у толиблар учун амал қилинувчи бир ҳужжат бўлсин.

Фазл ва камол арбобларидан илтимос шуки, агар уни тушунтириш ҳукмларида ёки иборатларида хато юз берган бўлса ислоҳ қалами билан уни тузатсинлар ва таъна тилини унга очмасинларки, «Одамнинг аввали унутишнинг аввали»дир ва бу бандани дуойи хайр билан ёдга олсинлар.

«Иршод ул-муридийн» деб номланган бу рисола тўртта фасл билан тартиб берилди. <Эй бор Худоё, тавфиқни бизга рафиқ айла, Муҳаммад пайғамбаримиз ва барча аҳли оиласининг ҳаққи ҳурматидан сирот ул-мустақийм (тўғри йўл)ни бизга ҳақиқий йўл қил!>

# БИРИНЧИ ФАСЛ – АЛЛОҲ ТОЛИБЛАРИ, ИЛОҲ ОШИҚЛАРИ ВА БУЛ БОРГОҲНИНГ СОЛИКЛАРИГА ВАЪЗУ НАСИҲАТ БАЁНИДА

Билгил, эй азиз, Аллоҳ сени дунё ва динда тўғри йўлга ҳидоят қилсинки, давлат дўмбирасини улуғлик осмонида чалган бир тоифа борким, «тоймади назар ва ҳаддан ошди» [Қуръон, 53/17] басират нури билан уларнинг дил хилватхонаси мунаввар ва сержило қилинган. Бу билан қудс аломи нурларининг шуълаларини ўзида акс эттирувчи бўлиб, бу оламнинг ҳодисотлари ва Аллоҳ сунъини мушоҳада қилиб, саодат самандини талаб майдонида чоптирганлар. Ўз қут ва овқатларини жигар қонидан қилганлар ва садақат қадамини тўғри йўлга қўйганлар. Поклик чангалини шариатнинг «мустаҳкам арқони»га уриб, Саййиди анбиё саллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатига доимий амал қилганлар, бир комили мукаммил муршиднинг этагини умр давомида маҳкам тутганларки, «уларни Аллоҳ таъоло дўст тутади ва улар Аллоҳ таъолони дўст тутадилар» [Қуръон, 17/55] ва улардан бирини жазабалар орқали қоба қавсайндан ҳам юқори кўтаргандир.

Аммо беҳуда орзу қилувчи бир тоифа даъвогарлар ҳам борки, улар бир қанча чалғитувчи нарсалар, мақтанчоқлик ва бузуқ хаёлотлар билан васл мақомига осонлик билан етиш мумкин, деб гумон қиладилар. Байт:

*Ту напиндорйки ин осон бувад,*
*Балки камтар жуз тарки жон бувад.*
*Жонфишондан бояд ин даргоҳро,*

(6а)

*Мардуме бояд тамом ин роҳро.*
*Кор осон нист дар даргоҳй ў,*
*Хок мебояд шудан дар роҳй ў.*
*Солҳо бўрданд мардон интизор,*
*То яки огоҳ шуд аз сад ҳазор.*

*(Сен ўйламагинки, бу осон бўлади деб,*
*Бу жонни фидо қилмасдан бўлмайди.*
*Бу даргоҳда жон кечиш керак бўлади,*
*Бу йўлга кирган киши ҳақиқий одам бўлиши лозим.*
*Унинг даргоҳида иш осон кўчмайди,*
*Унинг йўлида тупроққа айланиш керак бўлади.*
*Юз мингтадан биттаси ета олиши учун,*
*Эрлар йиллаб интизорлик тортганлар).*

Билмоқ лозимки, ҳеч бир толиб ҳайронлик биёбонида жазабалар чироғидан нур ололмайди ва бу йўлнинг завқидан баҳрамандлик тополмайди, бунга етиши эса, шу нарсага боғлиқки, у улуғлик чўққисининг шаҳбозлари ва анбиёларнинг нойиблари бўлган бир авлиёнинг, (уларнинг Аллоҳнинг раҳмати бўлсин), ҳиммат қанотига осилиши керак, токи Мусо (а.с.) сифат уларнинг ҳиммат қанотлари орқали ишқнинг Тур тоғига чиқа олсин. Байт:

*Жаноби ишқ бас олист Мусо ҳиммате бояд,*
*Ки натвон бар жинон Турй шудан беҳиммати боло.*

*(Жаноби ишқ жуда юқоридир, унга Мусо ҳимматли одам керак,*
*Улуғ ҳимматсиз ишқ Турига чиқиб бўлмайди.)*

Уларга нисбатан бўлган иродат каманди воситасида ҳақиқат дарёсига шунғиб, фақр гавҳарини қўлга киритади. Таржимон тили орқали шундай дейиш мумкин. Байт:

*Фақр дарёест маввожу амиқ,*
*Эй басо кештийки дар вай шуд ғариқ.*
*Ғаввоси ў ғаввосе комил мекунад,*
*То аз ў дурдона ҳосил мекунад.*

(6б)

*Ҳамроҳи бегона инжо дар маё,*
*К-андар ў натвон шудан беошино.*
*Бешаи пўр шўри шерон аст ин,*
*Жойи пур биймй далерон аст ин.*
*Ин тилисми меҳнату дардасту ранж,*
*В-андар ў аз маърифат бинҳуфта ганж.*
*Ҳиммати олист мифтоҳи тилисм,*
*Даргузаштан аз жаҳон жону жисм.*
*Андарин дарёи пур хавфу хатар.*
*Домани Нуҳй ба даст орй магар.*
*Нуҳ, яъни раҳбари соҳиб камол,*
*Кештийи ў ҳиммати дарё мисол.*
*(Фақр – бу мавж уриб турган чуқур дарёдир,*
*Кўплаб кемалар унда ғарқ бўлиб кетган.*
*Ундан дурдона дурлар териб олиш учун,*
*У ғаввосни комил ғаввосга айлантиради.*
*Бу ерга бегона ҳамроҳ билан келма,*
*Ошнонинг ёрдамисиз бу ерга кириб бўлмайди.*

*Бу ер – шовқин кўтарувчи зўр шерлар яшайдиган ўрмондир,*
*Бу жой – ботир кишиларнинг қўрқинчга тўла жойидир.*
*Бу жой – меҳнат, дард ва ранжлар тилсим қилинган жой,*
*Бу ерга маърифат хазинаси тилсим қилиниб,яшириб қўйилган.*
*Бу тилсимнинг калити улуғ ҳимматдир,*
*Жону жисмдан эса воз кечиш лозим.*
*Бу дарё хавфу хатар билан тўла,*
*Ундан қутилиш учун Нуҳ (а.с.) этагидан тутиш лозим.*
*Нуҳ дегани бу бир соҳиб камол раҳбардир,*
*Унинг кемаси эса дарё мисол ҳимматдир.)*

Эй азиз, фақр либосини кийиш Ҳақ толиблари ва ғарқ бўлган орифларнинг мазҳабида улуғ рукн ҳисобланади, чунончи, айтадилар:

*Дар мазҳаби мо саводи...аъзам,*
*Онаст, ки либоси фақр пушад.*
*(Бизнинг мазҳабимизда улуғ иш,*
*Фақр либосини кийишдир.)*

Ҳазрати Рисолатсаллаллоҳу алайҳи ва саллам улуғ пайғамбар бўлишларига қарамай, фақирликни ихтиёр қилдилар ва бу бобда дедилар: **<Фақирлик фахримдир>**. Фақирдан мурод ҳақиқий фақирлик бўлиб, бу бирор мулкка эга бўлмасликдир. Чунончи, айтадилар: **<Қўлида ҳеч нарсаси йўқ фақирдир>**.

(7а) Демак, фақир ҳар вақт ўз мартабасига етар экан, унда ҳеч мулк, ҳатто вужуд ва унга алоқадор нарсалар ҳам қолмаган бўлади. Расул алайҳис салом шундай фақирликка фахр қилганлар, суварий (ташқи) фақирликка эмас. Ваҳоланки, маккада шундай фақирлар бўлганки, улар Расул алайҳис саломдан ҳам фақирроқ эдилар, бироқ бу ташқи суврат бўйича эди.

Адами тамаллук (мулкка эга бўлмаслик)нинг маъноси шуки, фақирнинг ҳеч нарсаси бўлмайдики, мулк сифатида унга нисбат берилса, бу нарсасизлик шу даражада бўладики, ҳатто у ўз вужудини ҳам йўқотади ва фоний бўлади. Чунончи, айтадилар: «Вужудинг гуноҳдур ва унга ҳеч бир гуноҳни қиёс қилиб бўлмайди» (ҳадис). Ва буни тўлиқ тавҳид (тавҳиди сирф) дейдиларки, ҳар вақт изофа тушиб қолса, тавҳид ўзи собит қоладики: **<Тавҳид – изофани туширишдир>**. Байт:

*Мурод аз фақр он медон, ки кард фахр пайғамбар,*
*Ки мустағроқ шавад дар Ҳаққу мустағний ҳам аз кавнайн.*
*Хуш он соликки, ин мазмун варо дар ҳасбу ҳол омад,*
*Ки фахраш гашта «ал-фақру савод ул-фаж фи-д-дорайн».*

*(Фақир деганда пайғамбар фахр қилган фақирни тушун,*
*Қайсики фақир Ҳаққа ғарқ бўлиб, икки оламдан эса озод бўлади.*
*Бу мазмун ҳасбу ҳолига айланган соликка шодликлар бўлсинки,*
*Агар «Фақир икки оламдан фоний бўлишдир» деган ҳадис унинг фахрига айланган бўлса.)*

Бу ҳадиснинг ҳақиқат маъноси аввал айтилган ҳадиснинг мазмунига боғлиқдир. Чунки «саводи важҳ» сўзидан мурод соликнинг икки оламда ҳам фоний бўлишидир. Фаносиз икки оламда ҳақиқий фақр ҳосил бўлмайди. Шундай солик оламда шундай фақрга ета олса у дунё ва охиратнинг бахтиёр кишиси (саййиди) бўлади.

Эй азиз, билгинки, фақирлар бу ҳақиқий фақирликнинг бу давлатидан бирлик мақомига етадиларки, **«фақирлик битта жон бўлиш»**дир, шунинг учун бу тоифанинг битта мақбул кишиси ҳаммага мақбулдир ва битта рад этилгани (мардуди) барча рад этилганди дейдилар ва бундай кишини «тариқат муртади» деб атайдилар. **<Аллоҳ бундан бизларни асрасин>**. Бир одамким. Сақалайн амали билан мақбул бўлмаган экан, у барча анбиёлар ва авлиёлар тадбири билан ислоҳга келмайди. Фақатгина у биринчи тарбия манбаи, яъни бу ўз шайхининг дили эди, унга ялиниб-ёлвориш орқали ўз нуқсонларини эътироф этган ҳолда ружуъ қилмоғи керак. У яна ўз шайхининг дилига мақбул бўлолса бошқалар ҳам уни яна қабул қилади.

(8а) Демак, муриднинг вазифаси шундайки, у кесмайдиган қайчидан юз ўгириб, пирнинг фармони олдида ўз хоҳиш ва истакгидан узилиши лозим, ўз ирода ва хоҳишини пирнинг иродаси ва хоҳиши ичида махв қилмоғи керак, шайхнинг иродаси қўлида гўё ғассол қўлидаги жонсиз ўлик каби бўлмоғи лозим. Токи шайх уни муридлик шарт-шароитлари ва сулукнинг адаблари билан музайян қилиб, шариат денгизида чўмилтириб, мушоҳада атрини унинг йўл жиҳозига сепиб, ҳақиқат сарҳаддига етқазади, шунда мухошафа гулзорининг шабадаридан бир шабада ва мушоҳада бўстонининг насимларидан бир насим

унинг жони машомига етади. Шунда у абадий ҳаёт топиб, аён кўз кўрмоқлик қобилиятига эришади. Байт:

*Зи ман, эй дўст, ин як нукиа пазир,*
*Бирав, фитроки соҳиб давлате гир.*
*Ки қатра то садафро дарнаёбад,*
*Нагардад гавҳару равшан наёбад.*
(8б)
*Асоси кор вақте маҳкам афтод,*
*Ки Мусоро Хизр мегардад устод.*

*(Эй дўст. Мендан бир ҳикматни қабул қил,*
*Бир соҳибдавлатнинг узангисидан тут.*
*Бир қатра ёмғир садафни топмагунча,*
*У равшан бир гавҳарга айланёлмайди.*
*Ишнинг асоси маҳкам бўлиши мумкин,*
*Қачонки Мусо (а.с.)га Хизр (а.с.) устод бўлганда.)*

Толиб албатта олий ҳиммат бўлмоғи лозим. У уйқу, хаёллар, кўрилган тушлар, ҳолатлар, дуруд ва иродат билан қаноатланиб қолмаслиги ва ўзбиларманлик тепалигида боғланиб қолмаслиги керак, ўзини комил ва етилган инсон деб билмаслиги зарур, токи у адашув денгизи ичра ғарқ бўлмасин. Чунки (етукликка қарамай) зулматли нафс сабабли бу нарсаларнинг барчаси шайтоний макр ва истидрож ва раббоний имтиҳонлар бўлиши мумкин. Байт:

*На ҳар садафки, дар ў рихт қатраи борон,*
*Даруни сийнаи ў гашт жойи дурдона.*
*Садаф биояду борону баҳру чандин сол,*
*Ҳануз нест муқаррар, ки мешавад ё на.*

*(Ичига ёмғир қатраси тушган ҳар бир садаф,*
*Унинг сийнасида дурдона бўлавермайди.*
*Садаф ёмғир, денгиз бўлиб, бир неча ўтса-да,*
*Ҳамон у дур бўладими-бўлмайдими, бу маълум эмас.)*

Демак, солик ҳамиша ҳаракатда бўлиб, ўзидаги ёмон феълларни риёзат олови билан мушоҳада ўчоғида куйдириб, мусаффо ва тоза қилмоғи, нафс қуллигидан озодлик топмоғи keракки, ҳуррият шундан иборатдир. «Батаҳқиқ, муродга етди ул кишики, пок қилди ани, ва батаҳқиқ, муродга етмади ул кишики, яширди уни» [Қуръон, 91/9-10]. Шундан сўнг Илоҳий даргоҳ убудийяти (бандалиги) (9а)ҳақиқатта айланади. «Эй қарор ва ором олган жон, қайтгил Парвардигоринг тарафига рози бўлган ва рози бўлинган ҳолда ва дохил бўл бандаларим ораларига ва дохил бўл жаннатимга» [Қуръон, 89/27-30]. (Аллоҳ) унга бандалик мақомидан жой беради.

Эй азиз, билмоқ керакки, толиб нафснинг барча банд ва пайвандлар синдирмагунча ва ҳиммат қаноти билан парвоз қилмагунча, ҳою ҳаваснинг чўққиларидан кечиб ўтмагунча ҳеч бинр мақсадига ета олмайди. Байт:

*Сер омада зи кештан мебояд,*
*Бархоста зи жону тан мебояд.*
*Дар ҳар коре ҳазор банд афзун аст,*
*З-ин гармрў банд шикоан мебояд.*

*(Ўзликдан тўйган бўлмоқ керак,*
*Жону тандан кечувчи бўлмоқ керак,*
*Ҳар бир ишда минглаб тузоқлар бор,*
*Бу тузоқларни узиб кетувчи бўлмоқ керак.)*

Толиб бу ҳиммат билан албатта, байт:

*Сад бало гар пеш-пеш ояд ба ҳар гоме туро,*
*Ҳаргиз ар роҳи ишқаш рўй баргаштам мабод.*
*(Юз балолар агар ҳар бир қадамда пеш-пеш келиб турса ҳам,*
*Ҳечқачон ишқи йўлидан юзингни ўгирма.)*

Садоқат қадамини талаб майдонига мустаҳкам қўйсин, мункирларнинг, душманларнинг, бебошларнинг инкори ва (9б) мунофиқларнинг иғвоси сабабли талаб йўлига путур ва нуқсон етқизмасин. Байт:

*Кор жоми ишқи хўбон асту хаше ҳар тараф,*
*Аз пайи инкору ў ҳамчунон дар кори хеш.*
*(Иш бу – гўзалларнинг ишқ жоми, бироқ халқ ҳар томондадир,*
*Улар уни инкор қилиш пайида, у эса ҳар доим ўз ишида.)*

Бандалик маросимида доимо қойимлик кўргизсин ва дўст зикридан дилни бир лаҳза ҳам ғофил қилмасин. Чунки банданинг зикри маъбуд зикри билан боғлиқдир. Чунончи, айтадилар: «Бас, мени ёд қилинглар ва мен ҳам сизларни ёд қилурман» [Қуръон, 2/152]. Бас банда зикрининг кўплиги Ҳақ таъоло зикрининг ҳам кўплигини тақозо қилади. Ва бу ҳақда дейди: «Худони кўп ёд қилинглар, токи сизлар нажот топинглар» [Қуръон, 62/10].

Яшашда ҳам, вафотда ҳам маломат бошлари ва жафо ўқларига қарамай, саломат ва собит қадам бўлсин ва талаб қўлини дўстнинг этагидан олмасин. Байт:

*Аз домани дўст даст кўтоҳ макун,*
*К-ў тир занад бар жигарат оҳ макун.*
*Як лаҳза зи ёди дўст ғофил манишин,*
*Ў хоҳ зи ту ёд куну хоҳ макун.*

*(Дўст этагидан қўлингни тортмаки,*
*У жигарингга ўқ уради, оҳ қилиб юрма.*
*Дўст ёдидан бир лаҳза ҳам ғофил ўтирма,*
*У сени хоҳ ёдга олсин, хоҳ олмасин.)*

Мухтасар қоида шуки, ишқ доирасига қадам қуйган кишилар токи (10а) жондан кечмагунларича иш султони саройининг ҳарамига маҳрам бўлолмайдилар. Байт:

*Ишқ он набувад, ки оқибат з-ў бираҳанд,*
*То пойи мурод бар сари ғам наниҳанд.*
*Ман ҳам бинҳам қоидаи дарди ишқ,*
*То беқадамон қадам дар ин роҳ ниҳанд.*

*(Ишқ шундай эмаски, охири ундан қутилиб кетилса,*
*То мақсад оёғи ғам бошига қўйилса.*
*Мен ҳам мақсад дарди қоидасини тузайки,*
*Токи беқадамлар бу йўлга қадам қўйсинлар.)*

Аммо, садоқатли ошиқлар жон бермоқ учун бу майдонга қадам қўяр эканлар:

*Дарди ўро ҳар замон аз дўст сад дармон расад,*
*В-аз жониби маъшуқ нидое ба гуши жонаш даррасад.*

*(Унинг дардига дўстдан ҳар лаҳзада дармон етади,*
*Маъшуқ томонидан жон қулоғига нидо етиб туради.)*

Фироқ қийинчиликлари висол лаззатларига айланади, маҳжур ошиқнинг барча мушкилотлари маъшуқ жамолининг саҳифаларидан маҳв бўлади, вафо йўлида заҳар шакарга, ниш нўшга айланади, бунинг шукронасига садоқат ва ниёз юзасидан мана бу сўзлар билан тилга кирадики, бу заифнинг таржимон тили орқали дейди:

*То ишқи ту андар дили вайрони манаст,*
*Иқбол саъодат аст, ки дар шони манаст.*
(10б)
*Дарду истаму жафову андуҳу бало,*
*Сад шукрки, инҳо ҳама дар жони манаст.*
*(Сенинг ишқинг менинг вайрона дилимда экан,*
*Саодатли иқбол менинг ҳар бир коримдадир.*
*Дард. Ситам, жафо, андуҳ ва бало,*
*Юз шукрки, буларнинг ҳаммаси менинг жонимдадир.)*

Мана шунда ошиқлик мақоми ҳақиқатга айланади ва ошиқлар доирасида барчадан ўтувчи бўлиб, қатра янглиғ маъшуқнинг жамоли денгизига қўшилади, айтиб, шукр билан висоли ҳақида булбул бўлади ва жон қуши мана бу наводан куйловчига айланадики, чунончи бу заиф айтади:

*Он рўз, ки толиби жамоли ту шудам,*
*Шабҳо ҳама бо фикру хаёли ту шудам.*
*Бас ранжу бало кашидаму охири кор,*
*Сад шукр, ки маҳрами висоли ту шудам.*

*(Сенинг жамолингга толиб бўлган кундан бошлаб,*
*Тунда доимо сенинг фикру хаёлинг билан бўлмоқдаман.*
*Кўп ранжу бало тортдим ва оқибатда,*
*Юз шукрки, висолингга маҳрам бўлдим.)*

Қийинчилик охирига етгач, ошиқ унинг либосига, маъшуқ унинг рангига киради ва **من عرف ربه فطال لسانه** «Кимки парвардигорини таниса, бас тили узун бўлади» (ҳадиси)га мувофиқ лол бўлган тили тўти сифат жамолининг ойнасидан яна сўзга киради ва дейди:

*Эй зиндагийи тану равонам ҳама ту,*
*Ту жону диое, эй дилу жонам ҳама ту.*
*Ту ҳастийи ман шудй аз онам ҳама ман,*
*Ман нист шудам дар ту аз онам ҳама ту.*
*(Эй сен, тану жонимнинг ҳаёти ўзингсан,*
*Сен тану дилсан, эй дилу жоним ўзингсан.*
*Сен менинг борлиғим бўлдинг, шу сабабли ҳамма нарса мендир,*
*Мен сенда йўқ бўлдим, шундан ҳамма нарса ўзингсан.)*

(11а) Аммо толиб кимёйи саодат талабида жидду жаҳдда бўлмоғи керакки, айтадилар: **«Кимки талаб йўлида жаҳд қилса топади».** Садоқатни тўлиқ охирига етқазгач, ўз мақсадига етади. Байт:

*Ҳар кй ў дар ишқ содиқ омадаст,*
*Бар сараш маъшуқ ошиқ омадаст.*

*(Ҳар ким садоқатли ошиқ бўлса,*
*Маъшуқнинг ўзи ошиқнинг бошига келади.)*

(Толиб) ўз йўлида Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шариатини йўлбошловчи қилиб олиб, аҳли суннат ва жамоат мазҳабидан чиқмаслиги керак. Бидъат ва залолат аҳлининг йўлидан юз ўгириши ва эътибор бермаслиги зарурки, бидъат аҳлидан ҳеч кимса инсонийлик камолоти даражасига эришолмаган, фақатгина тавба йўли, шариатга тобелик, Аллоҳ йўлини маҳкам тутиш орқалигина эришган. Байт:

*Беҳ зи Қуръон мадону в-аз ахбор,*
*Жуз ба дасту дили Муҳаммад нест.*
*Ҳаллу ақди хазонаи асрор.*

*(Қуръон ва ҳадислардан бошқани яхши дема,*
*Хазина сирларининг очилиши ва ёпилиши*
*Муҳаммад (а.с.)нинг қўли ва дилидан ўзга нарса эмас.)*

«Эй азиз, билгинки, мулкининг кенглиги биҳишт тарафигаки, кенглиги осмон ва ер баробаридадур» [Қуръон, 3/133].

Мискин шундай кишики, «Кимки Расулуллоҳга итоат қилса у албатта Аллоҳга итоат қилган бўлур» [Қуръон, 4/80] (оятининг) тақозоси бўйича, итоат бўйнини тобеълик фармонида тутиб, шариатнинг тўғри йўлида (11б) мустаҳкам турган ҳолда оятнинг ҳукми бўйича «Кимики Аллоҳга ва пайғамбарига итоат қилса, Аллоҳ уни жаннатларга дохил қилурки, остидан асриқлар оқиб турур» [Қуръон, 4/13].

Демак, барча мўъминларга вожибдирки, тобелик ипини узмасинлар, хусусан, шундай кишиларки, улар муҳаббат Буроқини юқори чиқарган бўлиб, ишқ навосини анжуманда янгратиб, то бу матони мурод шаҳристонига етқаза олсинлар мана бу буйруққа мувофиқ «Айтинг, эй инсонлар, агар сизлар Аллоҳни дўст тутсангизлар, менга тобе бўлингларки, Аллоҳ сизларни дўст тутар» [Қуръон, 3/31].

Эй азиз, билгинки, бу тобеликдан мурод мукаммал тобеликдир, токи тариқатнинг фойдаларидан ва ҳақиқатнинг натижаларидан баҳраманд бўлишдир. Чунки шариатнинг камоли бу – тариқатдир, тариқатнинг камоли эса ҳақиқатдир. Чунончи, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрдилар: «Шариат – сўзларим, тариқат-феълларим, ҳақиқат – ҳолимдир».

Бас, шариатнинг камоли уни амалга оширишдирки, бу тариқатдан иборатдир. Тариқатнинг камоли шуки, амалнинг хосияти туфайли ҳижобларни йўқ қилиб, Илоҳий тажаллиёт ва чексиз сирлар оламини (12а) билишга қобилият эгаси бўлишдир ва ҳақиқат эса шу ҳолдан иборатдир.

Демак, ҳар бир кишики, Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам сўзларини билса-ю, уни амалга оширмаса. Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳолларидан розимас бўй ҳам унинг машомига етмайди. Бу ердаги «умматимнинг уламолари Бани Исроил анбиёлари каби» (ҳадисининг) маъносидан мурод шу тоифа бўлиб, олим амал натижасида Раббоний илмга эришади.

Эй азиз, фақат қол [Қол илми (улуми қол) – мадраса илмлари] илмини билиш билан қаноатланиб, ғофил ҳолда ўтирма, илмни амалга яқинлаштиргинки, нажот топиш ҳадис ҳукми бўйича амалга боғлиқдир «Аллоҳ иймон келтирган ва яхши амалларни қилган бандаларга мағфират ва буюк савобни ваъда қилгандур» [Қуръон, 5/9]. Ва бу илм нурдир ва у нубувват чироғидан иқтибос қилинган бўлиб, мўъминнинг дилига тушганки, у билан худойи таъоло ёки Худойи таъолонинг ҳукми сари йўл топади, ақлий идрок, қиёсий идрок ёки жоннинг жидду жаҳди орқали йўл топмайди. Ва бу илм мўъминларнинг хос илмидир ва ақл ўртасидаги фарқдир. Ва бу илм шундайки, ақл бир нур бўлиб, у табиий ва туғма истеъдод сифатида у билан бузуқ ёки соз, яхши ёки ёмон ажратилади ва у мўъмин ва кофир ўртасида муштаракдир.

Илми хос (хос илм) эса фақат мўъминлардадир. Илм ва ақл ўртасида бир-бирини лозим қиладиган воқеъийлик бўлиб, агар ақл дунёнинг бузуқ ёки соз ишини фарқласа, бу мўъмин ва кофир ўртасидаги муштарак ҳол бўлади. Агар у билан охиратннинг бузуқ ёки соз иши фарқланса бу мўъминларга хос нарса бўлади. Бу ақлнинг кўзи ҳидоят нури билан равшан бўлган ва шариат сурмаси билан зиёнатлангандир. Ва бу илм уч қисмдан иборат. Биринчиси тавҳид илми бўлиб, чунончи, буюрадилар: «Билингларки, Аллоҳдан бошқа маъбуд йўқдур» [Қуръон, 11/14]. Иккинчиси маърифатуллоҳ (Аллоҳни таниш)дир ки, бошлиниш, яратиш, яқинлашиш, узоқлашиш, ўлдириш, ҳаёт бериш, ўлгандан сўнг тирилтириш, тарқатиш, савоб, азоб ва бошқалардир. Учинчиси шариат ҳукмлари илми (илми аҳком шариат) бўлиб, авомир (буюрилган нарсаларни қилиш), навоҳий (манъ қилинганларни қилмаслик)дир.

Бу уч йўл (масолик)нинг солики (юрувчиси) алоҳида бўлади. **Биринчи** солик масоликни олими раббоний (раббоний олим) дейилади. Унинг илмига бу икки илмдан бошқа зарурат миқдоридаги илм (13а)киритилган бўлади. **Иккинчи** солики масоликни олими ухравий (охират олими) дейдилар. Унинг илмига шариат илмидан зарурат миқдорида фаризалар киритилган. **Учинчи** солики масоликни олими дунёвий (дунёвий олим) дейдилар, унга юқоридаги икки илмдан ҳеч нарса йўқ «**Улар дунёвий ҳаётнинг зоҳиринигина билурлар ва улар охиратдан тамом бехабардурлар**» [Қуръон, 30/7]. Яъни улар дунё ҳаётининг зоҳирий томонини биладилар, ваҳоланки улар охиратдан ғофилдирлар, агар хабардор бўлганларида эди, нимаики билсалар, уни амалга келтирган бўлар

эдилар, чунки амалдаги нуқсон иймондаги нуқсоннинг натижасидирки, айтадилар:

العلم بالعلم تجرع مرارات التقوى و الا عراض عن الدنيا

(Илм тақво аччиқликларини тотиш ва дунёдан юз ўгиришни билиш биландир). Агар дилни Худога, охират ишига ва иймонга қаратсалар эди, хайрли амаллардан заррасини ҳам зое қўймас эдиларки, раббоний олимлар Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло ваҳдониятига йақин бўлишларига иймон келтирадилар, ислом ўлишларига иймон келтирадилар, ислом мларига бўйинсунадилар ва йақин (ишонч) юзасидан бандалик вазифаларини (13б) бажаришга қойим бўладилар, ҳар лаҳза Ҳақ таъолонинг итоб ва хитобидан қўрқувдалар. «Ҳақиқатан, Худодан олим бандаларигина қўрқурлар» [Қуръон, 35/28] (ояти) уларнинг шаънида айтилган, улар аҳли тасаввуф ва илгариги яқинлардир. «Илгарилар илгаридурлар, ана шулардир муқарриблар» [Қуръон, 36/10-11].

Охират олимлари (уламойи ухравий) иймонлари бўлиши билан бирга аҳволлари ҳақида исломий илмлардан эҳтиёжга яраша баҳраманддирлар ва уни амалга келтирадилар ва улар аброрлардандир: «Ўнг қўл эгалари, қандоқ яхшидурлар ўнг қўл эгалари, тикансиз сидр дарахтлари ичида, мевалари осилиб турган талх дарахти (ичида) ва соя остида ва тўкилиб турган сув остида, кўп мевалар ичидаки, на тугар ва на манъ қилинур ва ёзилган тўшакларда (бўлурлар)» [Қуръон, 56/27-34].

Дунёвий олимлар (уламойи дунявий) исломий илмларнинг зоҳирий томони бўлган таълим илмларини тарғиб қилувчилар бўлиб, айтилган икки илмдан баҳраманд эмаслар, амалга боғлиқ нарсаларга эътибор бермайдилар, ҳаром ёки макруҳ нарсалардан парҳез қилмайдилар, уларнинг бу ёмон ишлари эса бошқаларга таъсир этади. Улардир адашувчилар: «Чап қўл эгалари, қандоқ ёмондурлар чап қўл эгалари! Иссиқ шамол ва қайноқ сувда бўлурлар ва қора тутун соясидаки, на совуқ ва на ёқимликдир» [Қуръон, 56/41-44]. (14а) شرالناس علماء السوء (одамларнинг ёмони олимларнинг ёмонидир) сўзи улар ҳақидадир, улар борасида кўпгина қўрқитувчи ваъдалар ва огоҳлантирувчи сўзлар мавжуд.

Маърож ҳадисида айтилишича, Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва саллам Меърож тунида бир жамоат одамларнинг олдидан ўтаётиб, уларнинг лаблари оловдан қилинган қайчилар билан кесилаётганини кўрдилар ва улардан: «Сизлар қандай қавм бўласизлар?» - деб сўрадилар. Улар: «Бизлар шундай гуруҳдирмизки, одамларни яхшиликка чақириб, ўзимиз эса амал қилмаганмиз, ёмонликдан қайтарганмиз, ўзимиз эса қайтмаганмиз» - деб жавоб бердилар. Ҳадисда келганки:

اشد الناس عذابا عالم لم ينفعه علمه

яъни, азоб берилиши жиҳатидан энг қаттиқ бўлган одамлар илми фойда бермаган олимдир, дейилади.

Кўриниб турибдики, ҳеч ким раббоний олимлардан яхшироқ эмас ва ҳеч ким дунёвий олимдан ёмонроқ эмаски, ҳадисда айтилди:

ان خير الاخيار خير العلماء و شرالاشرار شرالعلماء

яъни, албатта (14б) яхшиларнинг яхшиси – уламоларнинг яхшиси ва ёмонларнинг ёмони олимларнинг ёмонидир. Бас, ҳеч бир нарса илмдан фойдалироқ эмас, борди-ю у Худони қидирш учун бўлса. Ва ҳеч нарса дил учун илмдан зиёнлироқ эмас, борди-ю у дунёни қидириш мақсадида бўлса. Зероки, нима нарсанинг фойдаси кўпроқ бўлса зарари ҳам кўпроқ бўлади.

Билгинки, илм гўё овқатга ўхшайди, чунончи мизожи бузилган одамларда касалликни зиёда қилиб, ҳалокатга сабаб бўлади. Мизожи мустаҳкам одам учун эса сиҳҳат ва қувватнинг зиёда бўлишига сабаб бўлади. Худди шунга ўхшаб, илм ҳам мизожи истиқомат орқали ҳазрати Илоҳий сари йўналган кишига фойда қилади. Дил мизожи дунё муҳаббати ва майли билан ва вужудининг аъзолари кибр, манманлик, ҳасад ва бошқа ёқимсиз хулқлар билан эгилган, соатма-соат бу нарса ўсишда бўлса илм унга зарардир, балки ҳалокат сари тортувчидир. Бас, нажотга сабаб бўлувчи улуғ илм ҳалокат сабаби бўлади.

Фойдали илм (илми нофиъ) шундайки, нафсда тақво, камтарлик ва (15а)йўқлик (нистий) зиёда бўлади, шавқ ва талаб оловини алангалатади, чунончи, саҳиҳ ҳадисда келганки, ҳазрати амир ул-мўъминин Али каррамаллоҳу важҳаҳунинг дил ойнаси илм нури партавидан равшан бўлиб, қалбида Ҳақ талабининг дағдаси пайдо бўлди. Бир куни Расулуллоҳга: يارسول الله علمنى علما يوصلنى الى الرب яъни, мени Парвардигорга етказувчи илмни ўргатинг, деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хурсанд бўлдилар ва дедилар: «Кўй вақт бўлдики, бу илмни сенга ўргатмоқчи бўлар эдим, аммо бу талаб сенинг ботинингдан чиқишини ва шунда баракатлироқ ва аслроқ бўлишини кутар эдим». Шундан сўнг Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам амир ул-мўъминин Алий каррамаллоҳу важҳаҳуни қиблага

қаратиб ўтқаздилар ва «ла илаҳа иллаллоҳ» зикрини таълим бердилар.

Улардан бу нисбатни ўша дастур бўйича амир ул-мўъминин Ҳусайн олдилар. Улардан имом Зайн ул-Обидийн, улардан имом Муҳаммад (15б)Боқир, улардан имом Жаъфари Содиқ, улардан имом Мусо Козим, улардан имом Али Мусо Ризо, улардан шайх Маъруф Кархий, улардан шайх Сари Сақтий, улардан шайх Абулқосим, улардан шайх Жунайд Бағдодий, улардан шайх Абу Усмон Муғрабий, улардан шайх Абу Али Рудборий, улардан шайх Абу Али Котиб, улардан шайх Абулқосим Гургоний, улардан шайх Абу Бакр Нассож, улардан шайх Аҳмад Ғаззолий, улардан Абу Нажаб Суҳравардий, улардан шайх Аммор Ёсир, улардан шайх Нажмуддин Кубро, улардан шайх Муҳйиддин Бағдодий, улардан Вазйиддин Али Лоло, улардан шайх Аҳмад Журфоний, улардан шайх Нуриддин Абдураҳмон Исфаройиний, улардан шайх Алоуддавла Симноний, улардан шайх Камолиддин Маҳмуд Мухдақоний, улардан шайх Амир Саййид Ҳамадоний, улардан шайх Исҳоқ Хатлоний, улардан (16а)Амир Абдуллоҳ Барзашободий, улардан шайх Рашидиддин Исфаройиний, улардан шайх Шоҳ Али Байдавозий, улардан ҳақиқий шайхим ва муршидим шайх Ҳожи Муҳаммад Онсиддиқ, Аллоҳ зотини абадий зийнатласин, сифатлар ва олийликлар мазҳари эдилар, улардан бу рисоланинг муаллифи, яъни Ғаний Аллоҳнинг фақири, Раҳмоний раҳматнинг умидвори Ҳусайн ал Хоразмий, Аллоҳ омонлик чўққисига етқазсин, таълим ва талқин қилиб олди.

Бу омонат тариқ шу замонгача давомий ҳолда бу бандага етиб келган экан, зикр этилган ҳар бир зотлар шароитга тобелик ва ўз муршидига байъат қилган ҳолда сулукка қадам қўйганлар ва ўзларининг еттита маълар олами, қайсики атвори сабъа (еттита тавр ёки равиш) шундан иборат эди, сайру сулукда бўлиб, қурб (яқинлик)нинг камолига ва восил (етишув)лик камолига етиб борганлар. Рабб ул-арбоб Аллоҳдан умид шулки, бу мустаҳкам силсилага талаб қадамини қўйган, мосиволлоҳдан ҳиммат қўлини силкиган ҳар бир толиб, Ҳақ таъоло даргоҳидан маҳрум қолмагай, тариқатнинг комил фойдаларидан баҳраманд бўлгай.

Ва бу силсила Қиёмат кунигача ҳосил берувчи ва доимий давом этувчи бўлиб қолгай, иншааллоҳу таъоло.

# ИККИНЧИ ФАСЛ – КОМИЛ ШАЙХГА ЭҲТИЁЖ БОРЛИГИ БАЁНИДА

Аллоҳ сени Ўз ёрдами билан қувватлантирсин, билгинки, мўъминларнинг муҳим ишларидан энг муҳими Аллоҳ азза ва жаллга фармонбардорлик қилишдир. Чунки мавжудотларнинг хулосаси ва борлиқнинг асоси инсонларнинг латифасидир. Чунончи, айтгандир **«Албатта, Биз яратдик инсонни хушбичим бир шаклда»** [Қуръон, 95/4]. Ҳар бир мавжудотнинг камоли бор ва инсоннинг камоли Ҳақ маърифатидир. **«Ва яратдим Мен жинларни ва одамларни фақат Менга ибодат қилсин** (17а)**деб»** [Қуръон, 57/56]. Демак, ҳар бир мўъминга ўзининг мақсади ва аслий қайтиши бўлган Ҳақ маърифатини ўз маъни (ботини)дан қидириши **«Улар тўрт оёқли ҳайвон кабидурлар, балки булар зиёда гумроҳдурлар»** [Қуръон, 7/179] ёки бирор Зотнинг даражаси остига кириши вожибдир. Ҳақ таъоло маърифатининг тариқати Ҳақ таълога фармонбардор бўлишдир. Фармонбардорлик йўлидан бошқа йўл орқали Аллоҳни танишни, фармонбардорликни таъвил қилиши ёки зоҳирий шариатдан чиқиб кетишни хоҳлаганлар кофир ва мулҳид бўлурлар, балки кофирлардан бир неча мартаба бадтардирлар. Чунки қобилияти зое бўлган кишиларни ҳеч қандай набий ёки валий тўғри йўлга сололмайди, улар **«Сўнгра уни ташладик пастлардан пастроққа»** [Қуръон, 95/5] жумласидандир, уларнинг суҳбати ва ҳамдамлигидан узоқ бўлмоқ керак. Чунки мусаффолик билан кирлик ўзаро қўшилса лойқалик ва кирлик тоза нарсага тез таъсир қилади, чунончи, бу борада айтадилар:

*Бо бадон кам нишин, ки суҳбати бад,*
*Гар ту покӣ туро палид кунад.*
*Офтобе бадин бузургӣро,*
*Зарраи абр нопадид кунад.*

*(Ёмонлар билан кам ўтиргинки, ёмон суҳбат,*
*гарчи сен тоза бўлсанг ҳам, сени ифлос қилади.*
*Шундай катта бўлган қуёшни ҳам,*
*Бир парча булут тўсиб қўяди.)*

Ҳак таъолога фармонбардорлик тариқи Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга тобеликка боғлиқдир, чунончи, бу ҳақда айтиб ўтилди: **«Айтинг, эй инсонлар, агар сизлар Аллоҳни дўст тутсангизлар, менга тобеъ бўлингларки, Аллоҳ сизларни дўст тутур»** [Қуръон, 3/31]

Ҳеч ким ўзича йўлбошчисиз бу йўлдан юра олмайди. Бас, кимки фармонбардорликни Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўрганган бўлса, унга амал қилиб, унинг фойдаларидан баҳраманд бўлади. Ваҳима ва шакнинг ҳалокатидан қутилиб, илм ул-йақин, айн ул-йақин ва ҳаққ ул-йақин оламининг сарҳадига етиб, иршод ва мажоз тариқи муяссар бўлган ва ўзи ҳам шу тариқ орқали бошқаларни камолга етқазган. Бундай тобелик тариқи шу замондан то ҳазрати Рисолат саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир тартибда давом этадики, бу ҳақда айтиб ўтилди. Бундай одам раббоний у олимлардан бўлида.

Демак, ҳамма одамга вожибдирки, иродат қўлини унинг ҳидоят этагига уриши, токи у Нуҳ сифат уларнинг ҳаёт ўриндиғини тўфондан (18а)сақлаб, нажот бекатига етқазгай. Чунки инсоний латифани башарият оламининг сарҳадига етқазсалар етмиш минг ҳижоб ва бир юз қирқ минг ҳолдан ўтқазадилар. Чунки унга кирлик либослар кийдирилган бўлиб, демак унга биринчи оламдан ғафлат воқеъ бўлган, агар ўша оламдан ғафлаб бўлмаса эди, баданнинг бу зулматободида боғлиқлик ва ором бўлмас эди. Демак бу зулматли оламда қарор топган инсоний латифага маънавий қувватлардан ва зоҳирий аъзолардан минглаб сипоҳлар, лашкарлар, мулозимлар ва ходимлар пайдо бўлди ва буларнинг барчаси учун маълум иш ва муқаррар вазифа тайин бўлди, уларнинг ҳар бири ўз мақсади учун ташландилар. Масалан, нафсий сифатлар (сифати нафсиййа) ўзининг компронлиги учун инсоний латифани ўз фармони остига киритиб, бу умр муддати давомида унинг муроди нима бўлса, ўлгани қилдилар.

Демак, ҳақиқатда умрнинг барчасида инсоний латифани нафсу ҳаво (18б)қуллигича буюрилди ва зоҳирий сезгилар ҳам умр давомида мулк оламига ҳар хил боғланишларга дучор бўлди ва ўз мақсади йўлида камолга етади. Шу сабабли инсоний латифалар кирланиб, жуда узоққа тушади, натижада иллат ва ғафлат унинг

атрофини ўраб олади, гоҳ-гоҳ жазаба зуҳури ва олами ғайбнинг шаҳристон дарвозаси бўлган дил ҳаётдаги ноқислар билан унсу улфатлик сабабли ўзидан, пайвандидан, ота-онасидан, фарзандидан, одамлар муҳаббатидан, бойлик ва иззатпарастликдан бекилади, олами ғайбни бутунлай унутади. Бу иллатларнинг ҳаммаси йиғилиб, инсоннинг тўртта маънавий рукнини кирлантиради. Бу кирлар сабабли неча минглаб ҳалокатли тўсиқлар, касалликлар ва иллатлар унинг йўлида пайдо бўлади.

Бас, ҳар ким заррача ақлга эга бўлса, билмоғи зарурки, бу пайдо бўлсин неча минглаб ҳалокатли тўсиқлар, касалликлар ва иллатларни унинг ўзи йўқ қила олмайди. Киши қанчалик табобат илми ва амали билан доно бўлмасин, раъй ул-алил (беморнинг фикри ҳам бемор) деганларидек, (19а)ўзини иллатларни чуқур биладиган ҳозиқ ва сезгилари соғлом табибга учраши вожибдирки, табиб унинг касалига ташхис қўйиб, хасталик ва касаллигини йўқотади. Ва бу табиб – комил шайхдирки, унинг илми ва амали, юқорида айтиб ўтилганидек, пайғамбар алайҳис саломга занжир бўлиб етишади.

Толиб ҳар доим ушбу саодатга етишишни Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъолодан илтижо қилиб сўраши керак, ботин ерини бу тоифанинг инкор ва эътироз хас ва хашакларидан тозалаши, лекин талабнинг аввалида тўлиқ эҳтиёт ва мулоҳазани ишга солиши, кўринишда шайх, аслида шайтон:

*Аз шайху муридишон чи пўрсӣ,*
*Дажжолу харанд ба Аршу Курсӣ.*

*(Унинг шайх ва муридлари ҳақида нега*
*Ўз аршу курсисида Дажжол ва эшаклардир.)*

дейилганидек, унга алданмаслик ва ўзни уларнинг домига илинтирмаслик зарурки, улар умрни зое қилувчилар, дин қароқчилари ва шайтоннинг ёру биродарларидирлар. Қайси бир соҳиб давлатнинг хирманидан иродат уруғи ботин экинзорига тушар экан, деб доим интизорлик тортмоқ керак. Ҳақ таъоло ўз иродаси билан бу банданинг ботинига тажаллий қилса, унда муридлик хосияти ва иродат сифатида (19б)бирорта шайхдан зуҳурга келади. Агар бундай шайхни тополса тавбага келиш истаги унинг ботинида пайдо бўлади. Шунда у тезда тавба қилишга интилсинки, бу йўлда ҳеч қандай тўсиқ бундан ҳам оғирроқ эмас.

Бас, бу ерда бир иккиланиш пайдо бўладики, бу шайх комилми ёки комил эмасми, агар комил бўлса, бизга бу йўлда тоқат борми-йўқми, борди-ю тоқат бўлса мен унга лойиқманми – йўқми, агар лойиқ бўлсам, тавбанинг вақтими ёки йўқми? Бу пайтда ўз талабига ўзи мадад етказиши, шайтоннинг йўлини тавба девори билан тўсиши керакки, Ҳақ таъоло йўли сулукининг улуғ шарти шудир. Агар тавба қилолса барча тараддуд ва иккиланишлар йўқ бўлади. Аммо бу борада бирор киши билан маслаҳат қилмаслик керакки, аксар кишилар ўзидаги нуқсонлар сабабли уни бу ишдан қайтаради.

У тавба қилувчи бўлиб, бунга эришгач, **التائب من الذنب كمن لاذنب له** (гуноҳдан тавба қилувчи гўё гуноҳ қилмаган кабидир) (ҳадисига мувофиқ) маъсият булған ишларидан пок бўлади. Шундан сўнг ҳазрати Ҳақ таъолонинг ҳимоя қалъасига киради. Агар ёш бўлса, **الشباب التائب حبيب الله تعالى** (ёш тавба қилувчи Аллоҳнинг дўстидио) ҳадисининг ҳукми бўйича, Аллоҳ таъоло ўз ҳабиби (дўсти)ни барча (20а)офатлардан асрайди. Агар кекса бўлса, **الشيخ التائب عتيق الله** (кекса тавба қилувчи Аллоҳ таъолонинг озод бандаси)дир ҳадисининг ҳукми

*сўраисан,*

бўйича, Ҳақ таъоло ўзи озод қилганини қайта гуноҳга мубтало қилмайди. **<Ҳимоя ва тавфиқ Аллоҳдан>**

# ЕТТИ РАВИШ ҲАҚИДА ФАСЛ

Эй, Аллоҳ сени ўз нури билан рўшду ҳидоятга йўлласин, билгинки, толиб комили мукаммил шайхнинг мустаҳкам қалъаси остига киргач, барча қўрқинчли нарсалардан омон бўлиб, унинг лаззатли суҳбатидан баҳраманд бўлган ҳолда ўз муқтадосига эргашиб, қадамини сулук оламига қуйгандан сўнг, биринчи тўр бўлган гавдани шариат одоби билан одоблантиради, тариқат совутини кийдириб, тавфиқ қуролини тақиб, ҳидоят отига миниб, бадан таркиби хоссаларидан иборат бўлган вужуд қувватларини фармонга бўйсундириб, лашкарбоши каби бору йўғини ишга солиб, нафс турига киради, йиртқич ҳайвоний қувватларни ўзига эгиб, разил нафсий сифатларни ёқимли сифатларга айлантиради. Бу (20б)вилоятнинг тарафдорларини мағлуб этиб, душман асосининг кучини парчалаб. Золим нафс подшосининг бўйнини занжирга солиб, унинг амирлари ва вазирларини гавдасига хорлик доғини босиб, нафс ҳижобларини босиб ўтиб, унинг қадамини хорлик остонасига қўйдиради.

Шундан сўнг уни валоят денгизида ювинтириб, дилидан беҳудалик ва ғафлат иллатларини қувиб, ёмон хулқларни тўлиғича ювиб, хавф ва рижонинг қаноту парларини тоза ҳавода парвозга киргизиб, қалбнинг мартаба ва даражаларини камилга етказиб, унинг ёпинчиқларини устидан олиб ташлаб, сирнинг тур иқлимига киради. Мана шу ерда тажаллиёт асарлари, мукошифотлар, ўзаро тиллашувлар ва муножотларга мушарраф бўлади. Бу иқлимда валоятдан баҳраманд бўлиб, ғайрий нарсаларга илтифоти кесилади йўқлик турига кириб, инсоннинг ҳар бир зарраси ابی ارنی انظر الیک («эй раббим, менга Ўзингни кўрсат, мен Сени кўрай»)[1] мазмунининг жўшу хурушига киради. Бу ерда сармаст бўлган ҳолда руҳ (21а)турига киради. Бу ерда эса мушоҳада, афъолий тажаллиёт, иноятлар насими, ҳидоятлар шабадасининг завқи сабабли ўзидан кетиб, манманлик арқонларини ечиб отади ва шаҳбоз каби парвоз қилади. Мулк ва малакут қафасларини парчалайди ва ўзини жанобӣ тури хафийга ташлайди. Бу ерда эса жамолий ва жалолий тажаллиётдан лаззат олиб, илтифот ҳадялари ва қаҳр таъсиротлари билан тарбия топади, мулоқот ва ўзаро учрашув эшигини унга очадилар. Ҳар лаҳзади илоҳий жазабалар бир-бир ўзига тортиб, ўзлик қадаҳини синдиради. Санолар бисотини босиб ўтади. Ногоҳ иззат талаблик пардаси кўтарилиб, кибр пардаси узоқлашади. Инсонийлиқ ҳақиқатидан иборат бўлган ҳижрондаги ошиқ висол денгизи ичра қатра каби кўмилиб йўқ бўлади ва ғайб ул-ғайб деб аталган тур шундан иборатдир. Шу ерда соликлар сайри ва орифлар йўли учун бошқа ниҳоят йўқ. Байт:

*Қатра чун дар баҳри кулл афтоду фоний шуд зи хеш,*
*Исми Аъзам жон дигар урову баҳри бекарон.*
*(Қатра кулл денгизига тушди ва ўзидан фоний бўлди,*
*Унга Исми Аъзам ўқишу чегараси йўқ денгиз*
*бор халос.)*

(21б)

Бу мақомни мақоми маҳфузиййа (сақланувчи мартаба) деб атайдилар. Ҳақ йўлининг солики бу мартабага етгач, саодат башоратчилари ва валоят шоҳаншоҳининг хабарчилари илоҳий меҳрибончиликлар оламидан «**Будур Худонинг карамики, хоҳлаган бандасига берур»**[2] оятининг ҳуми бўйича, барча оламдан унга томон нидо қиладилар «**Огоҳ бўлинглар, албатта, Аллоҳнинг дўстларига на хавф бордур ва на улар ғамгин бўлурлар».**[1] Ва бу нидо барча коинотларда ҳар бир нарсанинг ҳушёрлик қулоғига етишиб, уларга ўз таъсирини ўтказади. Шундай қилиб, мавжудотлардан бўлган ҳар бир зарранинг жони беихтиёр уни дўст тутадилар. Мана шу ерда Ҳаққа етувчилар уч қисмга бўлинади, чунончи бу ҳақда шайх ҳазрати Кубро (қуддиса сирруху) буюрдилар: ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъолога восил бўлувчилар баъзи жиҳатлари бўйича учга бўлишадилар. Биринчи қайтариб бўлмайдиган восил (восили мумтаниъ) бўлиб, улар доимо Ҳақ таъоло ишқи билан масту мустағроқдирлар ва бу ҳолдан уларга қайтиш йўқ. Иккинчи, мумкин бўлган восил (восили мумкин) бўлиб, мартабалар, мақомотлар ва ҳолатларда охирига етишликдан озроқ қолган бўлиб, улар шуни тўлдириш (22а)учун ўз ихтиёри билан қайта оладилар ва уларни **восили мумкин** дейдилар. Учинчиси, Аллоҳ сифатлари билан сифатланган восил бўлиб, улар бошқаларни камолга етказиш учун Аллоҳ изни билан халқ то-

[1] Қуръон, 7/143.

[2] Қуръон, 57/21.

[1] Қуръон, 10/62.

мон ружуъ қилган бўлади ва бу қисмни **камили мукаммил** дейдилар ва мана шулар ҳақиқий муршид бўлиб, халқни тўғри йўлга йўллайдилар.

Демак, биринчи восил иқтидор жиҳатидан (тарбия қилишга) лойиқ эмас, негаки ваҳдат денгизига ҳаддат ташқари ғарқ бўлган ва йўқ бўлиб кетганки, ўзидан ҳам хабари йўқ, шундай экан, у бошқа билан қандай машғул бўлсин ва унга раҳнамолик қилсин. Бу ҳолдан қайтишга ва мақомотлардан қолганини тўлдиришга ҳам Аллоҳ изнисиз чораси йўқ, чунки у ҳануз бу йўлнинг пасту баландидан хабари йўқ, демак бошқаларни ҳам йўлга сололмайди. Байт:

*Фарози шайби раҳ аз раҳравони гарм мапурс,*
*Ки пеши мурғи ҳаво кўҳу дашт яксон аст.*
*(Қизгин йўлда юрувчилардан йўлнинг пасту баландини сўрама,*
*Ҳавода учувчи қушга тоғми, даштми, барибирдир.)*

Ҳақиқатда анбиё алайҳис саломларнинг ўринбосар ва халифлари: **الشيخ فى قومه كالنبى فى امته** (ўз қавми ичидаги шайх ўз уммати ичидаги (22б)набий кабидир) ҳадиси шу тоифа шаънида айтилгандир. Булар ноиблик хилъатини кийганларидан сўнг иқтидорга лойиқдирларки, ноқисларни комил қилиш ва бошловчиларни йўлга солишга Аллоҳ изни билан ружуъ қилиб хилофат (бошқариш) тахтига ўтирадилар ва уларнинг ҳукми барча мамлакатларга ўтиб, **«ва қилдик Биз уларни пешволарки, ҳукм ила халқни ҳидоят қилурлар»**[1] уларнинг мақомига айлангандир. Дўстлик натижалари уларда зоҳир бўлади ва бу натижалардан бир озгинаси бу мухтасар (рисола)да иншаллоҳ баён ипига терилади.

Аввали шуки, ҳар бир банданиким, агар Ҳақ суъҳонаҳу ва таъоло дўст тутса, уни ўз атрофидагиларнинг ичидан танлаб олади, чунончи Ҳақ таъоло Мусо алайҳис салом ҳақида буюрди. **«Мен сени мумтоз қилдим одамлардин».**[2] Яна шуки, Худойи таъолонинг ердаги ва осмондаги барча бандалари уни беихтиёр дўст (23а)тутадилар, чунончи Аллоҳ таъоло айтди: **«Батаҳқиқ, одамларики иймон келтирдилар ва қилдилар яхши ишларни, пайдо қилибдур Худо улар учун муҳаббатни»,**[3] яъни тез орада Худойи таъоло улар учун диллардан дўстлик учун жой пайдо қиладики, улар учун бу ҳолга дахл қилиш бўлмайди, яъни бу ишда уларда ҳеч бир ихтиёр бўлмайди. Пайғамбар алайҳис салом ҳам бу борада буюрдилар: «Батаҳқиқ, Аллоҳ таъоло бирорта бандаси дўст тутса, Жаброил алайҳис саломга: «Мен фалончини дўст тутдим, сен ҳам уни дўст тут» - дейди. Бас, у дўст тутади ва Жабраил алайҳис салом осмонда нидо қилиб дейди: «Аллоҳ таъоло фалончини дўст тутди, бас сизлар ҳам дўст тутинглар». Само аҳли ҳам уни дўст тутади. Сўнг унинг учун ерда қабулни пайдо қилади». Байт:

*Ҳар он касро, ки гирад дўст Раҳмон,*
*Бо амри Ҳақ би гирад дўст Жибрил.*
*Нидое дар диҳад андар самовот,*
*Ки Қурби Ҳақ бикардон банда таҳсил.*
*Бас он, ки дар замин монад қабулаш,*
*Муҳибби ў шаванд ин жумла беқил.*

*(Аллоҳ ҳар бир одамни дўст тутса,*
*Жабраил (а.с.) ҳам Ҳақ амри билан уни дўст тутади.*
*Осмонлар ичида нидо қилиб дейди,*
*Бу банда Аллоҳ ҳузурида таҳсил олгандир.*
*Заминда қабулга эриштирилган бандаи,*
*Сўзсиз барча одам дўст тутади.)*

Яъни, Илоҳий муҳаббат партави тушган одамни ер юзида нимаики кўрса, беихтиёр уни яхши кўриб қолади. Бундан ташқари бу банда барча (23б)разил иллатлардан қутилиб, чиройли хулқлар билан жило топади. Тўғри йўл ва мустаҳкам дин тавфиқига эга бўлади, қайсики унинг шарти макруҳ ва манъ этилган нарсалардан қочиш, Илоҳий амрларни маҳкам тутиш, ботин машғулотидан ўзга нарсалардан ўзни асраш, фаризалар ва нафл ибодатларни доимий амалга ошириш эди, токи Ҳақ таъоло орқали эшитиш, кўриш, олиш, гапиришга эга бўлишга етиша олсин. Чунончи, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳақ таъолодан ҳикоят қилган ҳолда деган эдилар:

ما يقرب الىّ متقرب بمثل اداء ما افترضت عليه و لا يزال العبد يتقرب الىّ بالنوافل حتى حتى احبّ فاذا احبّه كنت له سمعا و بصرا و لسانا و يدا و رجلا فبى يسمع و بى يبصر و بى ينطق و بى يبطش و بى يمشى яъни, ҳеч бир яқин бўйлувчи менга ҳеч бир восита билан яқин бўлмади, бироқ у фаризаларни адо қилиш билангина (24а)яқин бўлолди. Банда менга нафл ибодатлар сабабли доимо яқин бўла олади ва уни дўст тутаман. Агар уни дўст тутсам, унинг учун қулоқ, кўз, тил, қўл ва оёқ бўламан. Бас у Мен орқали эшитади, Мен орқали кўради, Мен орқали гапиради, Мен орқали олади, Мен орқали юради.

[1] Қуръон, 21/73.
[2] Қуръон, 7/144.
[3] Қуръон, 19/96.

Илоҳий муҳаббатнинг натижаларидан бошқаси шуки, банда Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло амрларини яхши кўраид, Илоҳий ҳукмларнинг барчасига рози бўлади, у хоҳ неъмат бўлсин, хоҳ ато, хоҳ қийинчилик ва кулфатлар бўлсинки, бандалик шундн иборатдир. Чунончи, шайх Жунайд Бағододий қуддиса сирруҳудан сўрадилар: «Ниҳоят нимадир?» Ул зот: «Бидоятга қайтишдир» - деб жавоб бердилар. Яъни, банда ўзини шариат одоблари билан қуроллантириши, бандалик вазифаларининг адо қилишда маҳкам туриши, тариқатда Худойи таъоло ва Расулининг фармонларини бажариши, амалларни бажаришга жидду жаҳд қилиши, ўзининг бору йўғидан кечиб, Ҳақ таъоло ризосини топиши, ғайриларга нисбатан илтифот қилишдан тийилиши, ҳиммат оёғини қаноат ганжига қўйиши лозимки, كنز لا يفنى القناعة (қаноат ўлмас хазинадир). <Эй бор Худоё, бизларни ҳукмларингдан розиларга айлантир, балоларингга сабр қилувчилардан қил, берган неъматларингга шукр айтувчиларга айлантир, жамолинг учун муштоқ бўлувчилардан қил, ўзингга доимо юзланувчилардан қил. Эй Парвардигоримиз, барча ишларда оқибатимизни яхши қил, дунё кулфатлари ва охират азобларидан омон қил, Муҳаммад (а.с.), аҳли оиласи ва дўстларининг барчаси ҳаққи ҳурматидан (дуоларимизни қабул қил). Бироҳматика ё арҳамар роҳимийн>.

# ТЎРТИНЧИ ФАСЛ – СУЛУКДАГИ МУРИДНИНГ ОДОБЛАРИ ВА ШАРОИТЛАРИ БАЁНИДА

Эшит, Аллоҳ сени ўз нури билан сени ҳидоят сари йўлласинки, соликларга вожиб бўлган биринчи шарт пайравлик ва тобеликдир. Тобелик уч қисмга бўлинади. Биринчи қисми Ҳақ субҳонаҳу ва таъолога тобеликдир, яъни Ҳақ таъоло буюрган ва қайтарган амрларига итоат қилиш, ўзини бандалик мақомида тутиш, Аллоҳнинг барча ҳукмларига рози бўлишдир.

Иккинчи қисми Расул саллаллоҳу алайҳи ва салламга тобеликдир, яъни барча ишларда шариатга бўйсуниш, Саййиди анбиё саллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларига доимий амалда бўлиш, шариат (25а)буйруқларини ўзига шиор қилишдир. Булардан баъзилари муваққат суннатлар бўлиб, дарвишлар ўз шайхларидан бу суннатларни бажаришга буюрилинганларки, дарвишлар кечаю кундуз вақтларини асраш учун унга амал қиладилар. Бунинг биринчиси дарвиш субҳ намозини ўқигач, «Авроди фатҳиййа»да сураи Ёсиннинг маъносига тўлиқ диққат қилган ҳолда ўқишга киришади, бу қўёш чиққунга давом этади. Қуёш чиққач, тўрт ракаъат широқ намозини ўқийди. Сўнг икки ракаъат истихора намозини адо қилади. Сўнг мана бу дуони ўқийди:

اللهم انی استخیرك بعلمك و استقدرك بقدرتك اسألك من فضلك العظیم فانك تقدر ولا اقدر و تعلم ولا اعلم و انت علام الغیوب* اللهم انك تعلم ان فعلی و قولی و شغلی و صحبتی و محبتی مع الخلق فی هذا الیوم خیر لی فی دینی و دنیایی و معاشی و عاقبة امری فاقدره لی ثم بارك لی فیه و ان كنت تعلم ان فعلی و قولی و شغلی و صحبتی مع الخلق فی هذا الیوم شر لی و دینی و دنیایی و معاشی و عاقبة امری فاصرفه عنی و اصرفنی عنه و اقدر لی الخیر حیثما كنت ثم ارضنی به برحمتك یا ارحم الراحمین.

(25б)

Шундан сўнг, бир гўшада то чоштгача зикр айтишга машғул бўлади. Сўнг саккиз ракаъат чошт намозини ўқийди. Сўнг машғул бўлади, бироқ қўл ишда ва дил ёрда бўлади, чунончи бу ҳақда айтадилар, байт:

*Сарриштаи давлат, эй биродар, ба каф ор,*
*В-ин умри гиромй ба хасорат нагузор.*
*Андар ҳама жо бо ҳама кас дар ҳама ҳол,*
*Медор нуҳуфта чашму дил жониби ёр.*

*(Эй биродар, давлат ипини қўлга ол,*
*Бу азиз умрни беҳуда ўтказма.*
*Ҳамма ерда ҳамма билан ҳамма ҳолда,*
*Кўзни юмгин-у дилни ёрга қарат.)*

Кун оққанда тўрт ракаъат завол суннатини ўқийди, сўнг пешиннинг суннат ва фарзларини ва икки ракаъат нафл намозни ўтириб адо қилади. Сўнг «Фатҳ» сурасини ўқийди. Аср намози киргач, фарздан аввал тўрт ракаъат аср суннатини адо қилади. Асрнинг фарзидан сўнг «Авроди асриййа»ни ўқийди. Сўнг бир гўшага ўтириб, то шомгача зикр билан (26а)машғул бўлади. Шом намозининг фарз ва суннатини ўқиб бўлгач, икки ракаъат «бақойи ймон» намозини адо қилади, сўнг икки ракаъат «Туҳфаи Расул» ва олти ракат «намози аввобийн»ни ўқийди. Сўнг «Иза вақаъат» сурасини ўқишга киришади. Агар шайх шу пайтда ҳозир бўлса шайхнинг суҳбатида бўлади, йўқ бўлса то хуфтан намозигача зикрга машғул бўлади. Хуфтан бўлгач, намозни адо қилишга суннатини ўқийди. Витрни тугатгандан кейин эса уч марта айтади:

توكلت علی الملك الحی الذی لا یموت فسبحان الله والحمد لله رب العالمین

Сўнг бошини саждага қўйиб беш марта айтади:

سبوح قدوس رب الملائكة و الروح

Сўнг бошини кўтариб, Оят ул-Курсини бир марта ўқийди. Яна саждага бош қўяди, айтилган тасбиҳни беш марта такрорлайди.

Бу намоздан сўнг яна икки ракаъат «суннати шафиъ»ни ўтириб ўқийди. Намоздан фориғ бўлгач, «Мулк» сурасини ўқийди. Сўнг бир гўшага ёки хилватга бориб, тўрт ракаъат «Тасбиҳот» намозини адо қилади.

(26б)

«Мишкот» китобида Ибн Аббос разийаллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, улар дедилар: «Эй амакимнинг ўғли, билгин ва огоҳ бўлгинки, мен сенга баён қилайин, сенга берайин ва далолат қилайин, сенинг гуноҳларингни каффорат қилувчи хислатларни. Агар сен уларни қилсанг, сенинг гуноҳларингнинг аввали ҳам, охири ҳам,

эскиси ҳам, янгиси ҳам, қасддан қилингани ҳам, қасдсиз қилингани ҳам, каттаси ҳам, кичиги ҳам, яширини ҳам, ошкораси ҳам кечирилади. Яъни тўрт ракаъат намоз ўқи, ҳар бир ракаъатига «Фотиҳа» ва сураи Ёсинни қироат қил. Қироатдан фориғ бўлгач, қойим (тик) турган ҳолингда «Субҳоналлоҳи вал-ҳамду лиллаҳи ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар»ни ўнбеш марта ўқи. Сўнг рукуъга бор ва ўша калимани ўн марта такрорла. Сўнг бошингни рукуъдан кўтар ва ўша калимани яна ўн марта айт. Сўнг бошингни саждага олиб борганда саждада туриб яна уни ўн марта айт. (27а)Сўнг бошингни саждадан кўтар ва бу калимани яна ўн марта айт ва яна саждага бориб, тасбиҳдан сўнг яна уни ўн марта айт. Сўнг бошингни саждадан кўтариб, ўрнингдан туришдан аввал ўша калимани яна ўн марта айт».

Ўтириш эса икки саждадан кейиндир. Бу намоздаги тасбиҳларнинг ўқилиш қоидаси имом Шофиъий раҳматуллоҳи алайҳ мазҳаби бўйичадир. Аммо имом Ҳанафий мазҳабида ўрнидан тургач, «Фотиҳа»дан аввал ўн марта ўқийди. Ҳар бир ракаъатда эса етмиш беш мартадан ўқилади. Агар сен бу намозни ҳар куни ўқиёлсанг, бас ўқи, агар ҳар куни ўқиёлмасанг, ҳафтада бир марта, ҳар ҳафтада ўқиёлмасанг, бир ойда, бир ойда ўқиёлмасанг, бир йилда, агар бир йилда ҳам ўқиёлмасанг, бас умринг давомида бир марта ўқи.

Бу намози тасбиҳот»дан сўнг зикрга машғул бўлади, қўлидан қанча зикр айтиш келса, шунча айтади, агар қудрати етса, ёнбошини ерга тегизмайди. Бу ишда асл нарса шуки, дарвиш тунда ухламай ўтиришни одат қилмоғи лозим. Агар заифлик, касаллик ёки шаръий бир монелик юз берса, ёнбошлаб, бироз ухлаб олади. Аммо атайлаб жой ҳозирлаб ухламайди, ҳарқачон уйғонса, ўрнидан туради, таҳорат олади ва икки ракаъат «шукри вузуъ» ўқийди ва яна зикрга машғул бўлади. Эзилиш ва заифлик юз берса яна бироз узлайди.

Туннинг охирги учинчи қисми бўлгач, ўн икки ракаъатли таҳажжуд намозини адо қилади. Сўнг яна субҳи содиқ (чин тонг)гача зикр билан машғул бўлади. Сўнг бомдод намозининг суннатини ўқиб, юз марта мана бу тасбиҳни такрорлайди: «Субҳоналлоҳи ва биҳамдиҳи субҳоналлоҳил Азийм астағфируллоҳ» ва биҳамдиҳи». Чунки Пайғамбар алайҳис салом буюрдилар: «Икки калима борки, тил учун енгил, Аллоҳ учун севимли ва тарозида эса оғирдир. Бу:

سبحان الله و بحمده سبحان الله العظيم و بحمده

(Субҳоналлоҳу ва биҳамдиҳи субҳоналлоҳил ъазийм ва биҳамдиҳи)дир». Ва бу ривоят «Саҳиҳи Бухорий»да келтирилган. Баъзи ривоятда «астағфируллоҳ» йўқдир.

Солик шундан сўнг бомдод намозининг фарзини адо қилади. Яна юқорида айтилгандек, «Авроd» ва вазифаларга машғул бўлади. Мана шулар дарвишнинг хилват ва узлатдан ташқарида вақтни қандай варфлаш йўли ва қоидасидир. Аммо хилватда қўлидан келганча зикрни кўпроқ (28а)айтади ва одобга риоя қилади, чунончи бу ҳақда иншоаллоҳу таъоло айтилғусидир.

Яна ўша айтилган **уч қисмдан бири** шайхга тобе бўлишдир, яъни ўзини шайх йўлига фидо қилиш, ўз иродаси ва хоҳишини шайх иродаси ичида маҳв қилиш, шайхнинг барча сўзларини, феълларини ва аҳволларини айни ҳикмат деб билиш, шайхнинг буюрган ва қайтарганларига бўйинсуниш, шайхнинг инкор ва эътиборини қулоққа олиш керакки, шунда у хароб бўлишдан эмин бўлади.

Ва бу зикр қилинган ақсоми салоса (уч қисм) солик ботинининг мижозини созловчидирки, бу шарбатнинг лаззати шулар орқали унинг жон мазоқига ўрнашади, сулуки ислоҳга етади, чунки аҳли тасаввуф сулукида улуғ шарт одобга риоя қилишдирки, айтилган: «Тасаввуф бошдан-оёқ одобдир».

Билмоқ керакки, одамларга нисбатан одоб сақлашдан Ҳақ таъолога нисбатан адаб сақлаш саъодатдир. Чунки авом халқ Ҳақ таъоло фармонига бўйсунади ва барча ишдан Худойи таъолони воқиф ва У ҳозир деб билади. Аммо хос бандалар эса барча ишда ўзларини Аллоҳ таъолога топширадилар, бошига нима келса Ундан деб биладилар, бунга хушвақт бўладилар, ўзини Унинг ичида фоний деб биладилар. Онҳазрат саллалоҳи алайҳи ва салламнинг одобини ушлаб, барча ҳолатда руҳониятидан зорлик ва илтижо билан ёрдам сўрайдилар, унинг барча суннатларига тўлиқ амал қиладилар.

Тариқат машойихларига одобда бўлиш шундайки, дарвишнинг кўнглида муҳаббатни қидириш истаги пайдо бўлганда дарвишлар билан суҳбат қуриб ёки уларнинг сўзларига қулоқ солиб, уларнинг воситасида ўз ботинини инкор ва эътироздан поклайди, бу талаб ва муҳаббатни ўзи учун вожиб деб билдик, бу билан аста-секин зиёда бўла бошлайди ва худойи таъолонинг уни дўст тутишига олиб боради, бундай қилмаса, ҳеч нарса

ҳосил бўлмайди, чунончи, бу ҳақда айтадилар, байт:

*Жуянда аз он найи, ки жуё ту нист,*
*В-ар жуёйи донки, туро жуён аст.*
*(Сен уни қидирувчи эмассан,*
*Билгинки, У сени қидирувчидир.)*

Мана шу мазмунни ҳазрати Мавлавий (Румий) «Маснавий» (китоби)да баён қиладилар:

*Ҳеч ошиқ худ наёяд васлжў,*
*Ки зи маъшуқаш бувад жуёйи ў.*

*(Ҳеч бир ошиқ ўзича васл қидирувчи бўлмайди,*
*Унинг қидирувчиси унинг маъшуғи бўлади.)*

*Майли ошиқ бо ду сад таблу накр,*
*Майли маъшуқон ниҳонасту сатр.*

*(Ошиқ майли икки юз ноғора ва дўмбира билан ошкор,*
*Маъшуқлар майли эса пинҳон ва яшириндир.)*

*Лек майли ошиқон лоғар кунад,*
*Майли маъшуқон хушу бо фар кунад.*

*(Бироқ ошиқлар майли озгин қилади,*
*Маъшуқлар майли шод ва нурафшон қилади.)*

*Майли маъшуқон дўзах афрухта,*
*Майли ошиқ жони уро сўхта.*

*(Маъшуқларнинг майли дўзахни ўт олдиради,*
*Ошиқларнинг майли унинг жонини ёқади.)*

*Ҳар кй ошиқ дидийаш маъшуқ дон,*
*К-ў набаст нист ҳам ин, ҳам он(?).*

*(Кимки ошиқ бўлса, унинг кўргани фақат маъшуқдир,*
*У ҳам, бу ҳам унга (маъшуқ бўлиб кўринади.)*
*Чун дар ин дил барқи меҳри дўст хаст,*
*Андар он дил дўстй медонки ҳаст.*

*(Агар бу дилда дўстнинг меҳр чқини бор экан,*
*Ўша дўст дилида ҳам меҳр бўлади.)*

*Дар дили ту меҳри Ҳақ шуд дуту,*
*Ҳаст Ҳақро бегумоне меҳри ту.*

*(Агар сенинг дилингда Ҳақ меҳри пайдо бўлса,*
*Шубҳасиз Ҳақ таъолода ҳам сенинг меҳринг бўлади.)*

*Ҳеч бо як каф задан но-яд бадар,*
*Яз яки дасти ту бедасти дигар.*

*(Бир қўлдан қарсак чалиш мумкин эмас,*
*Бир қўлинг бир қўлингсиз қарсак чала олмайди.)*

*Бедилонро дилбарон жуста ба жон,*
*Жумла маъшуқон шикори ошиқон.*

*(Дили йўқларни дил тортувчилар жон деб қидиради,*
*Барча маъшуқлар ошиқларнинг овидир.)*

*Ташнагон гар об жуянд аз жаҳон.*
*Об жуяд ҳам ба олам ташнагон.*

*(Ташналар жаҳондан сув изласалар,*
*Олам ичида ташналар ҳам қидиради.)*

*Ташна меноладки, эй об гувор,*
*Об ҳам ноладки, кў он обхор.*

*(Ташна, эй сув, қаердасан, деб нола чекади,*
*Сув ҳам ўша сув ичувчи қайда, деб нола қилади.)*

*Жазби об аст ин аташ дар жони мо,*
*Мо аз они ўву ў ҳам они мо.*

*(Бу чанқаш жонимизда сувни тортувчидир,*
*Бизлар уникимиз, у ҳам бизникидир.)*

*Нолаи саг дар раҳаш бе жазба нист,*
(29б)
*З-он, ки ҳар роғиб асири ҳар раҳ нист.*

*(Итнинг йўлдаги ноласи жазбасиз бўлмайди,*
*Чунки ҳар бир рағбат қилувчи бу йўлнинг асири эмас.)*

*Ҳосил он, ки ҳар кй ў толиб бувад,*
*Жони матлубаш баду роғиб бувад.*

*(Хулоса шуки, ҳар ким уни қидирувчи бўлса,*
*Қидирилганнинг жони ҳам унга рағбат қилувчи бўлади.)*

Яна бир шарти шуки, таомни ва либосни ҳалол нарсадан қилиб, ейиш ва кийинишда ўртача чегарага риоя қилади, риёзат ва мушоҳадага қўлидан келганча ҳаракат қилади: **«Аллоҳ таъоло ҳеч кимни тоқатидан ташқари бир нарсага буюрмас».[1]**

Агар мумкин бўлса, ноҳақ зулм қилинишнинг олдини олади, мумкин бўлмаса, Ҳақ таъологa тавба қилиш ва тўғри йўлда туриш орқали зулмнинг кўтарилишини ва Ҳақ таъоло унинг душманини рози қилишини умид қилади. Гуноҳи кўп бўлишига қарамай, Ҳақ раҳматидан ноумид бўлмайди. Тавбанинг қабул қилиниши борасида собитқадам бўлмоғи керакки, **«Ва албатта, Аллоҳгина тавбани қабул қилгучи ва меҳрибондир»,**[2] балки «сизларнинг жоҳилиятдаги

[1] Қуръон, 2/286.
[2] Қуръон, 9/104.

яхшиларингиз сизларнинг исломдаги яхшиларингиз» деган эдилар. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам. Ахлоқ нури билан замир ойнасини шайхни инкор қилувчи хираликлардан холий қилмоқ керак, токи шайхнинг (30а)зоҳирий амаллари сувратларининг акси ҳақида хатога кетмасин ва идрок қилиш қувватининг қуши сеза олмаган нарсаларни ҳикматга ҳавола қилиб, бу ҳикматни тушуниб етмасликни ўзининг камчилиги деб билсин. Йўқса, Шайтон бу дарвозадан кириб, дил шаҳристонида ҳар лаҳза инкор замзамасини бошлайди ва нодонлик саҳросини намоён қилади. **<Аллоҳ бизларни бу ҳолдан сақласин>.** Чунончи, Хизр алайҳис салом Мусо алайҳис саломга, у ишларнинг ташқи томонини кўриб эътироз қилганда, айтар эдики, **«Сен мен бирла сабр қила олмассан».**[1] Охири шундай бўлдики, айтди: **«Будур сен бирла менинг ўртамиздаги жудолик, энди мен хабар берурман сенга ул нарсаларнинг сириники, сен уларга сабр қила олмадинг».**[2]

Яна шундайки, мубтадий (янги бошловчи)лар хизматга астойдил киришишлари керак ва шайхнинг суҳбатида журъат эшигини очишдан ўзларини тийишлари зарур. Токи шайхнинг улуғлиги ва қудрати унинг дилидан маҳкам жой олсинки, бу ҳайбат билан Шайтонга қарши жанг қила олсин. Қаттиқ садоқат билан дарвишларга ёрдам беришга ҳаракат (30б)қилсин, ўзининг бошдан-оёғини ёқимсиз нарсалардан асрашга ўргатсин, хотирига нима келса тезда гапиришга ўрганмасин, токи бу билан бу бобда ботирга айланмасин.

Агар шайх ундан сўз сўраса ўрнидан туриб жавоб берсин, агар шайх турма деса, ўтириб жавоб берсин. Шайхнинг ҳузурида муроқабага берилмасин ва кўзларини юмиб ўтирмасин, чунки мубтадий учун шайхнинг кўринишидан яхшироқ нарса йўқ. Шайхнинг суврати ва шаклини доимо кўнглида тасаввур қилсин, суҳбатда ҳамиша диққатини шайхнинг дилига қаратсин. Шайхнинг ҳузурида қаттиқ кулмасин ва қаттиқ йиғламасин. Нафл ибодатларни қолдирмасин. Шайхга соя тушадиган бўлса чироқ ва офтоб олдидан ўтмасин. Агар шайхдан ўзининг бирорта мушкили ҳақида сўрашни хоҳласа, аввало шайхнинг ботинидан ижозат сўрасин, одамлар йўқ пайтида ва шайх хурсанд турган замонда, ўрнидан туриб: «Агар дарвишнинг бошига шундай мушкилот тушса, бундан қандай қутилса бўлади?» - десин. Ҳеч нарсани ўзига нисбат бермасин, токи манманликка гирифтор бўлмасин. Шайх нима деса, қаттиқ туриб талаб қилмасин ва оғирлик етқазишдан узоқ бўлсин. Такаллуфда (31а)ўртача чегарани билсин, токи ишларда ва феълларда шайхнинг табиатига мақбул бўлсин.

Дарвишларнинг мажлисида юқорида ўтиришга интилмасин, улуғликни хаёл қилмасин ва шайхлик фикрига тушмасинки, бундай хаёл ва фикр тезда уни асфал ус-софилийнга қулатади. Ва бундай ҳолни бу заиф ўз кўзи билан тажрибадан ўтказгандир.

Шайх ўтирган жойга оёғини асло қўймасин, таҳорати йўқ ҳолда шайхнинг либосига ёки жойнамозига қўлини тегизмасин. Шайх ҳозир бўлмаса ҳам шайхга орқа томони бўлиб қоладиган ҳолда ўтирмасин, барча одамга нисбатан камтар ва синиқ бўлишни ўзига шиор қилсин. Мубтадий ва мутавасситнинг юзланиши доимо шайхга бўлади, мунтаҳийники эса Ҳаққа бўлади. Шайх ёки дарвишлар билан кўришиш ва қўлтиғига киришда қўлларини ўз ёнига қўйиб, уларнинг қўлтиғига кирсин. Хайрлашишда шайхдан ва дарвишлардан тезда юз ўгирмсин ва бир неча қадам орқаси билан юрсин. Охирида салом сўзини айтсин.

Уйқуда қандай туш кўрса шайхидан яширмасинки, муриднинг ҳол меъёри туш билан боғлиқдир. Шайх билан чуну чаро (ундай-бундай) демасинки, дин улуғларининг сўзлариким, айтадилар: «Агар мурид шайхига «нима учун» деса, у абадий эътибор топмайди». У қачонки суҳбатга, хилватга ёки хонақоҳга кирса, оёғини оҳиста ерга қўйсин, эшикни эҳтиётлик билан очиб-ёпсин, хусусан, бирорта дарвишга завқ ёки таважжуҳ юз берган бўлса, қаттиқ томоқ қириш ёки бошқа ҳаракатларни қилмасинки, унинг бу ҳолатини йўққа чиқаради, бундан ўзини сақласин. Агар буни атайлаб қилса, Аллоҳ бундан бизни асрасинки, дарвишнинг энг азиз нарсасини бодга берган бўлади.

Одамлар ҳақида доимо яхши гумонда бўлсин, ҳеч кимга нисбатан гина ва ҳасад қилмасин. Суҳбатда бировнинг қулоғига оҳист Одамлар ҳақида доимо яхши гумонда бўлсин, ҳеч кимга нисбатан гина ва ҳасад қилмасин. Суҳбатда бировнинг қулоғига оҳиста сўзламасин, токи мажлис аҳли ёмон фикрга бормасинлар. Ҳар кимни унинг ҳузурида ёдга олсин. Нарса сўраш

[1] Куръон, 18/75.
[2] Куръон, 18/78.

эшигини ўзи учун ёпсинки, Ҳақдан ўзгадан сўраш ҳаромдир. Агар муҳтож бўлса, касб ва мардикорлик билан шуғуллансин. Ўзидан катта (дўст)ларга хизмат қилсин, ўз тенгдош дўстларига очиқ юзли бўлсин ва кичикларга эса шафқат ва мулойимликда бўлсин. Барча одамни ўзидан яхши деб билсин, чунки у ўз гуноҳини (32а)билади, бошқаларникини эса билмайди.

Ибтидо (бошланиш)да жимликни ўзига касб қилсин, токи маъно гавҳари унинг дил садафида парвариш топиб, камолга етсин. Шундан сўнг, агар доноликка етишса, насиҳатни ҳеч кимдан дариғ тутмасин. Қозилар, султонлар, ҳокимлар, нодонлар ва омийларнинг қазовот ишларига бормасин. Бойликка интилувчилар, бидъатчилар, номаҳрам аёллар, бесоқол эркаклардан узоқ бўлсин, ўз номини қазовот дафтарларига ёзмасин. Хаёлпаришон одамлардан узоқлашувни ихтиёр қилсин. Одамларнинг таърифи ва танбиҳидан ҳолатини ўзгартирмасин. Айтсинки, мен ўз нафсимни биламан, ҳазрати шайх Фаридуддин Аттор шундай деганлар:

*Мадҳу заммат гар тафовут мекунад,*
*Бутгарӣ боший, ки ӯ бут мекунад.*

*(Мақтову ёмонлашларидан агар ўзгарсанг,*
*Сен бут ясовчи бутгар уста бўласан .)*

Агар, Худо кўрсатмасин, тавбаси синса, бу рахнани тавба ва истиғфор билан мустаҳкамлаш зарур. Агар шайхидан узоқда бўлса, юзини шайх томонга қаратсин, шайхни хаёлга олиб тавба қилсин, токи шайхнинг муҳаббати унинг дилида барқарор бўлсин, шунда тавбанинг қабулига умид бордир. Доимо саъйу ҳаракатда бўлсин, токи йўлни тезроқ босиб (32б)ўта олсин, чунки бу йўлнинг офатлари жуда кўпдир.

Талабнинг аввалида ҳарорат ғолиб бўлса, шайхнинг суҳбати ва мулозаматидан асло жудо бўлмасин, риёзат ва мушоҳадага қаттиқ киришсин, агар нуқсонга йўл қўйса, ҳарорат ва надоматга путур етади, йўл юриш унинг учун қийинлашади. Бунинг жузъий томонлари, нукталари ва нозик одоблари кўп эди, бироқ буларнинг барчасини бу мухтасар (рисола)га лойиқ кўрилмади. Аммо одобларнинг хулосаси машойихларнинг сўзларри бўйича бу рисолада ёзиб ўтилди, токи дарвишлар унинг фойдаларидан баҳраманд бўлиб, басийрат кўзлари ўткирроқ кўрадиган бўлсин ва одобларнинг нозик томонларини мушоҳада қила олсинлар.

Аммо, дарвишларга зарурий бўлган ва усиз сулукнинг ҳеч бир иши муяссар бўлмайдиган одоблар мавжуд бўлиб, бу одоблар саккизтадир. Чунончи, уларни ўшал ҳақиқат осори, раҳмоний нурлар манбаи, субҳоний маърифатларнинг билимдони, байт:
(33а)

*Нотиқаи хушсаро ожизи мадҳаш шуда,*
*Ложарам оғоз кард замзама хушсаро.*
*(Чиройли куйловчи нутқ мадҳидан ожиз эди,*
*Ногаҳон у ширин замзамани бошлаб юборди.)*

яъни, мутлақ махдум, ҳақиқий муршид, Раббоний каломнинг олми, тариқат йўлининг пири камол ул-милла ва-д-дин (Камолуддин) Шайх Ҳожи Муҳаммад ал-Жушоний, байт:

*Зоъафаллоҳу умраҳу абадо,*
*Ки буд ҳодийи тариқи ъуло.*

*(Аллоҳ умрини абадий икки баравар узун қилсинки,*
*У олий тариқнинг йўлбошчиси эди.)*

*бу одабларни назм ипига териб баён қилганлар, назм:*

*Гарчи бисёр аст одоби тариқат, эй жувон,*
*Умдаи онҳо бувад ин ҳашт к-омад дар баён.*
*Ваҳдату зикру вузву нафйи хавотир, рабти қало,*
*Сумту тақлилу ризо, шарти сулуки соликон.*

*(Эй йигит, гарчи тариқат одоблари кўп бўлса ҳам,*
*Уларнинг асосийси саккизта бўлиб, қуйида баён бўлди.*
*Ёлғизлик, зикр, таҳорат, фикрни ҳайдаш ва қалб алоқаси,*
*Жимлик, озлик ва розилик – булар солик сулукининг шартларидир.)*

Аллоҳ сенга ўз лутфи билан кўмак берсин, билгинки, солик то мана шу саккиз сифат билан оро топмагунча унинг учун улвий ва суфлий (юқори ва қуйи) мартабалар муяссар бўлмайди.

**БИРИНЧИ АДАБ** - ҳабси ҳавосс (сезгиларни ишдан тўхтатиш)дир ва бу Одам алайҳис саломнинг адабидир. Чунки ташқи сезгиларнинг даричаси ёпилмас экан, маънавий сезгиларнинг эшиклари очилмайди, (33б)чунончи одамлар уйқуга кетмагунларича ташқи сезгилари ишдан қолмайди ва ботиний (ички) сезгилар йқудан ҳеч хабар топмайди.

Аммо сезгиларни ишдан тўхтатишнинг иккита шарти бор. Биринчиси ваҳдат (ёлғизлик) бўлиб, токи бир жойда ёлғиз ўтирмагунча ташқи

олам билан боғлиқлиги тўхтамайди. Иккинчиси маҳалли қобил (лойиқ жой) бўлиб, бу хилватдир ва бу бир кишилик жой бўлиб, намоз ўқиётганда заҳматга тушмаслиги учун керак, сезгилар пароканда бўлмаслиги учун қоронғи бўлиши лозим. Фариза жамоат намозлардан ва таҳоратни янгилашдан бошқа иш учун ташқарига чиқмаслиги керак. Юқоридаги ишлар учун ташқарига чиққанда ҳам у ёққв–бу ёққа қарамаслиги, ҳаятлламаслиги, тезда хилватга қайтиб кириши зарур. Бундоқ ҳабса ҳавосс мубтадийларнинг ҳоли учундир.

Аммо комил (камолга етган)лар учун бу нарсаларга эҳтиёж йўқ. Чунки Зот тажаллийси хосияти туфайли уларнинг диллари доимо муҳаббат денгизида ғарқдир ва бу туфайли улар ва доимий огоҳлик ҳосилдир. Демак бу тоифа ваҳдат (танҳоликни касрат кўплик)да ва хилватни анжуман (одамлар ичи)да сақлай оладилар. Шуларга қарамай, хилват ва узлатга кирсалар, бу улар учун саодатнинг зиёда бўлиши ва давлатнинг бениҳоят бўлишига сабаб бўлади. Агар мубтадий (чнги (34а)бошловчи)лар (комиллар қилган) бу ишга амал қилсалар, ўзларини муваҳҳид (ёлғиз бўлувчи) деб номлаб, анжуманга кирсалар, тез ўтмасдан, дил юзини одамларга қаратадилар ва саодат сарриштасини тезда қўлдан берадилар.

**ИККИНЧИ АДАБ** - доимий таҳоратда бўлишдир. Бу адаб Идрис алайҳис саломнинг адабларидандир. Солик бир дамгина ҳам бетаҳорат бўлмаслиги керак, чунки доимий таҳоратда юриш мўъмин бандаларнинг шиоридир. Чунончи, Пайғамбар алайҳис салом буюрдилар:

لا يحافظ على الوضوء الا المؤمن رواه مالك

(яъни мўъмин одамгина таҳоратда юради, молик ривояти).

Рубоий:

*Бо вузув бош дар ҳама авқот,*
*То туро нури дил қарин бошад.*
*Бар вузув кас мувозабат бикунад,*
*Ғайри мўъмин кӣ пок дин бошад.*

*(Сен барча вақтда таҳоратли бўл,*
*Токи сен учун дил нури яқин бўлсин,*
*Пок динга эга бўлган мўъминдан бошқа,*
*Ғайри мўъминлар доимий таҳоратда бўлмайди.)*

Агар таҳорат қийнаса, яна янги таҳорат қилиш керакки. Таҳорат мўъминнинг қуролидир. Дарвиш агар бу қуролсиз бўлса иши издан чиқади ва бушман унинг устидан ғолиб бўлади. Агар ҳар бир фарз намозга янги таҳорат қилса яхшироқ бўлади. Аммо мубтадийларга хилватда ўтирганда сезгиларини тўхтатиш янги таҳорат қилишдан фойдалироқдир.

Билмоқ зароурки, барча ибодатларнинг ўз нури бўлади ва ибодатларнинг қабул қилинганлигининг белгиси нурлардир.

(34б)

**УЧИНЧИ АДАБ** - кам ейишдир. Ейишда ўртача чегарасини ушлаш зарурдирки, ишларнинг яхшиси ўртача бўлганидир, хусусан бу нарса ейишга тааллуқли, чунки икки томонлама амал динга нуқсондир. Агар кўп еса касаллик, дангасалик ва ғафлат пайдо бўлади. Бу эса мақсаддан ва ибодатлардан орқада қолишга сабабдир. Агар ўта оз еса оғирлик ва сустлик сабабли ибодатдан қолади ва озгина иллат унинг мижозини бузади ва бу эса ибодат қилолмасликка сабаб бўлади. Жуда оз ейиш ёки бутунлай емаслик даражасига ўзини етказганлар бу нуқсонли ишлардандир. Шайх буларни мазкур мақомлардан ўтказиши керак. Аммо таомни бир кеча-кундузда шаръий ярим манндан зиёда ва етти сирдан кам емаслик керак. Ва бу ҳазрати Исо алайҳис саломнинг адабидир.

**ТЎРТИНЧИ АДАБ** - жим туришдир ва бу адабда фойдалар (35а)беҳисобдир. Чунончи Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрдилар:من صمت نجى (яъни, ким жим бўлди, нажот топди) Ва бу Закариё алайҳис саломнинг адабидир.

Дарвиш бир муддат чақалоқ каби (гапирмайдиган) бўлмоғи лозим, шунда унинг дили ва тилида маърифлар ва ҳақойиқлар юз очади. Хилват айёмида эса ходимидан ўзга билан сўзлашмаслиги зарур, бунда ҳам фақат зарурат юзасидангина сўзлашади. Тажрибадан маълум бўлганки, дарвиш хилват асносида одамлар билан сўзлашса унинг равиши ва одатида албатта қусур ва путур пайдо бўлади. Агар тушини баён қилишни хоҳласа, яхшиси, туннинг биринчи ярмида, хуфтан намозидан сўнг арз қилсин. Агар шайхнинг хилват эшиги сари борса, ўтирсин ва Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳиймни баланд овозда айтсин, шайхнинг хилват эшигидаги пардани кўтарсин ва ботини орқали ижозат сўрасин. Агар шайх ижозат сифатида томоқ қирса қўлини оҳиста шайхнинг хилват эшигига қўйсин ёки шайх хилватхона эшигини очгунча сабр қилиб турсин. Очилгач, салом қилсин ва фалон-писмадон кўрилди, десин. Бироқ фалон нарсани кўрдим, демасин. Шайх сиқилиб турган бўлса, сўзни қисқа қилсин, шод ҳолда бўлса ҳам, жуда эҳтиёт бўлсин, тушни орттириб ёки камайтириб айтмасинки,

дарвиш учун энг катта гуноҳ ёлғон гапиришдирки, айтадилар: «Шайх муриднинг барча гуноҳларини кечиради, фақат ёлғонини кечирмайди».

Шайх лутф ва қаҳр, очиқ ёки киноя орқали дарвишни бу ҳолдан ўтказади, агар ўтказолмаса унинг муридлигидан ўтадики, муриднинг қобилияти унинг сўзи ва феълидан билинади. Агар муриднинг сўзлари рост бўлмаса, унга ҳеч бир камол муяссар бўлмайди. Ва бу хислат бу заифга тажриба орқали маълум бўлгандир.

**БЕШИНЧИ АДАБ** - ло илаҳа иллаллоҳнинг доимий зикридир. Чунки йўлнинг сулуки ва ҳижобнинг кўтарилиши дейилган эди, булар шу зикрни доимий айтиш орқали муяссар бўлади. Ва бу адаб Мусо калимуллоҳ алайҳис саломнинг адабидир.

Билмоқ керакки, солик учун Ҳақ йўли ҳақиқати инсонийдир ва сулук эса зулумоний ва нуроний ҳижоблардан ўтишдирки, риёзат билан ҳосил бўлар эди ва бу айтиб ўтилди, бунингсиз саодатга етиб бўлмайди, фақат шу зикр орқалигина етса бўлади. Бунинг биринчи шарти эса комили мукаммил пир қўлида тавбага келишдир.
(36а)

**ОЛТИНЧИ АДАБ** - зикр айтиш таълимини соҳиб камол пирдан олиш керакки, бу пир иршод ва мажозда азиз ва хосиятлар соҳиби бўлмоғи зарур.

**ЕТТИНЧИ АДАБ** - шайхга нисбатан тўлиқ муҳаббат ва эътиқодда бўлмоқ керак. Яна зикрнинг шартларидан бири шуки, қиблага юзланиб тизза билан ўтирилади, қўлларини тиззалари устига қўяди, силсила машойихларининг руҳларига ва пирининг саломатлигига фотиҳа ўқийди, ўн марта салавот айтади ва қалб орқали силсила машойихларидан кўмак сўрайди, шайхидан маънавий жиҳатдан мадад тилайди, бошини қуйи солиб, «ло» сўзини киндигидан юқорига тортади ва бошини тўғри тутади. «Илоҳ» сўзини бошини орқага ташлаган ҳолда ўнг қўл томонга ташлайди, яна «илло»ни ўнг қўл томонидан тортиб, бошини тўғри қилиб, «Аллоҳ» сўзини чап томонига туширади ва унинг таъсирини юрагига етқазади. Нафасини иложи борича тутиб турадики, баъзи ҳижоблар дилга юзланиш ва нафасни ушлаб туриш вақтида «Аллоҳ» сўзини мадди, яъни чўзиш пайтида кўтарилади.
(36б)

Баъзилар зикрда нафйу исбот қилади ва пирнинг сувратини кўз олдида тутиб туради, зероки дилга юзланиш вақтида Шайтони лаъин унга қарши қасд қилади ва бу диққатни узиб қўяди, васвасага солади ва буни ҳайдаш эса шайхни ҳозир деб билиш орқали бўлади. Бас, авлоси шуки, ҳар бир зикрнинг охирида шайхнинг хаёлини хотирига келтирсин, токи шайх ҳам унинг талаби тўғри эканига гувоҳ бўлсин ва бу васваса ҳам йўқ бўлсин.

Зикрнинг маъносини ҳам хотирда тутмоқ лозимки, талаб йўлида мададкор зикрнинг маъносидир. Бу ерда мурод истилоҳий маънодир, луғавий эмаски, тариқат арбоблари шу нарсага келишганлар ва бу маънони фойдалироқ деганлар ва у қуйидагидан иборат: «Намехоҳам ҳеч чиз магар Худоро» (Худодан ўзга ҳеч нарсани хоҳламайман). Соликларга нисбатан бу маъно тафовутлидир, чунончи, аввал **нафйи мурод**, иккинчиси **нафйи матлуб**, учинчиси **нафйи мавжуд физ-зоҳир ва фил-ботиндир**. Яъни, аввал рад қилиш ва бу мубтадийларга нисбатандир. Унинг хоҳиши рад бўлгач, энди матлубни (талаб қилинган нарсани) рад (37а)этади ва мутавасситлар ҳолига нисбатандир. Матлубни ҳам рад қилгач, энди мавжудни рад этади, яъни «ҳеч мавжуди нист магар Худойи таъоло» («Худойи таъолодан бошқа ҳеч мавжудлик йўқ») дейди ва бу мунтаҳийларнинг ҳолига нисбатандир.

Дарвиш доимо тили ва дили билан зикр айтмоғи керак. Агар у ҳузури ваҳдат (ёлғиз ҳузур)га эга бўлса, зикрни «чор зарб» билан айтади, агар ҳузури ваҳдатга эга бўлмаса, агар нафйу исботга риоя қиладиган бўлса, ҳар бир зикрнинг таъсирини дилига етқазолса, дил зикр айтувчи бўлади ва бунинг натижаларидан баҳраманд бўлади. Бунинг сабаби шуки, бу йўлнинг кўпчилик балоғат эгалари ва Аллоҳ даргоҳининг хабардорлари «ла илаҳа иллаллоҳ» зикрини ихтиёр қилганларки, бу зикр «афзали азкор» (зикрларнинг афзали)дир. Чунончи, бу Термизийнинг «Сунан»и ва Ибн Можада келтирилганки, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Зикрларнинг энг афзали «ла илаҳа иллаллоҳ» зикридир».

Бу зикрнинг бошқа зикрлардан афзаллиги шундаки, ла илаҳа иллаллоҳда **тўртта фазилат** бор. **Биринчиси шуки**, бу калима исми Зот (Аллоҳ исми)ни ўз ичига олган бўлиб, агар бу калимани Қиёмат (37б)тарозисининг бир

палласига қўйилса, тарозининг бошқа палласидаги ширкдан ўзга гуноҳлар бу Аллоҳ исмига қарши туролмайди, чунончи, бу Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисида айтилдики, «Аллоҳ исмидан ҳеч нарса оғир келмайди». **Иккинчиси шуки**, бу калимани такрор қилишдан Аллоҳ таълога нисбатан муҳаббат ошади, бошқалардан кесилади, бу ғолиблик эса банда учун бошқа нарсаларга нисбатан қўйилган муҳаббатнинг зараридан нажот топиш сабабидир. **Учинчиси шуки**, бу калима ширкни рад этишга йўл кўрсатади ва бу шаръий кетмон неъмати бўлиб, дунёда жон ва молнинг поклиги бўлса, охиратда абадий дўзах оловидан халослик сабабидир.

Шунинг учун ҳам айтадиларки, Худойи таъоло наздида энг севимли зикр шу калимадир, зероки Ҳазрати Парвардигор олдида гуноҳларнинг энг улуғи ва ғазабга боиси ширкдирки, Ҳақ таъоло раҳмати ва меҳрибонлигининг беқиёслигига қарамасдан, айтди ... Ва бу тоифага (38а)нисбатан мағфират эшикларини ёпиб, улардан юз ўгиргани ҳақида, чунончи, айтди ...

Бу калима (ла илаҳа иллаллоҳ)да бу қабиҳ гуноҳни кесиш ва рад қилиш бор, зероки у вужуд, вужуднинг вожиблиги ва барча мукамал сифатларни исбот қилиш ва барча ноқис сифатларни рад қилишга далолат қилади.

**Тўртинчиси шуки**, айтилган шартлар бўйича уни такрорлаш тариқат арбобларининг наздида шуҳудий иймоннинг очилиши бўлиб, бу барча соликларнинг матлуби ва мақсудидир.

Биринчи ва иккинчи фазилатлар, гарчи бу ва бошқа зикрлар ўртасида муштарак бўлса-да, аммо учинчи ва тўртинчи фазилатлар шу зикрга махсусдирки, ҳеч бир зикрдан бу фазилатлар ҳосил бўлмайди. Демак бу калима шу икки жиҳатдан афзалроқ ва зикрга муносиброқдир. Яна «Мишкот ул-масобиҳ» китобида суннат шарҳида келтирилишича, Пайғамбар алайҳис салом айтдиларки, Мусо алайҳис салом деди: «Эй (38б)Парвардигорим, менга бир зикрни таълим бергинки, ўша зикр билан сени ёдга олай». Аллоҳ таъоло: «Ла илаҳа иллаллоҳ» дегин деди. Сўнг Мусо алайҳис салом деди: «Эй Парвардигорим, буни сенинг барча бандаларинг айтадилар, мен ўзим учун махсус бўлган бир нарсани ўргатишингни хоҳлайман». Аллоҳ деди: «Эй Мусо, агар тарозининг бир палласига еттита осмон ва унда сокин бўлганларни ва еттита ер ва унда сокин бўлганларни қўйилса ва бу калимани эса тарозининг бошқа палласига қўйилса, ла илаҳа иллаллоҳ уни эгади, яъни улардан оғир келади».

Билмоқ керакки, бу тавҳид калимасини таййиба дейдилар. Калимаи таййибанинг фойдаси шуки, ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу бизнинг тавҳидимиз билан воҳид (ягона) бўлиб қолмайди, чунки У ўз зоти билан воҳид (ягона)дир ва У ҳеч кимнинг тавҳидига муҳтож эмас, балки тавҳиднинг фойдаси банда учундирки, банда бу калимани айтиш билан мўъмин ва муваҳҳид (тавҳидчи) бўлади. Худойи таъоло азобидан омонлик топади, чунончи, буюрди:

لا اله الا الله حصنى و من دخل فى حصنى فقد امن من عذابى

(Ла илаҳа иллаллоҳ Менинг қалъамдир, кимки Менинг қалъамга кирса азобимдан омон бўлади.)

Инсон ўз вужудини тозалашда, ғайбий ишлар зуҳурга келишида ва Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло тажаллиётига етишишда бу калимани такрорлашдан катта таъсир ҳосил бўлади. Шу жиҳатдан тариқат машойихлари, Аллоҳ уларнинг сирларини муқаддас қилсин, бошқа зикрлар ичидан шу калимани ихтиёр қилганлар ва Зоти Ақдам (Аллоҳ) (39а)йўлининг соликлари ва юзланувчиларига шу калимани зикр этилган шартлар билан қалб нурлари ва йақин маърифатлари ҳосил бўлиши учун такрорлашга буюрганлар. Чунончи, айтадилар, рубоий:

*Бар тахти вужуд ҳар кӣ шоҳаншоҳ аст,*
*Уро суйи олами ҳақиқат роҳ аст.*
*Ҳар нури йақин, ки дар дили огоҳ аст,*
*Аз гўфтани «ла илаҳа иллаллоҳ» аст.*

*(Вужуд тахтида ҳар ким шоҳаншоҳ экан,*
*Унинг учун ҳақиқат олами сари йўл бордир.*
*Огоҳ одамларнинг дилидаги ҳар бир йақин нури,*
*«Ла илаҳа иллаллоҳ»ни айтишдан ҳосил бўлгандир).*

Силсила машойихларининг, Аллоҳ уларнинг сирларини муқаддас қилсин, бу зикрни «чаҳор зарб» деганларининг ҳикмати шундайки, ҳазрати Ҳақ таъоло инсоний хилқатни вужудга келтирганда унда нур ва зулматни ҳам пайдо қилди, комил ва ноқис сифатларни махсус жойларда зуҳурга келтирди. Ва унинг ҳудудига тўртта душманни жойлади. Биринчиси ҳаво бўлиб, у лоҳутий душмандир, одамнинг димоғи (мияси) (39б)Унинг жойи бўлиб, у худоликни даъво қилади. Иккинчиси нафс бўлиб, у жабарутий душмандир ва кибру ҳавонинг вазири

ва муовинидир, унинг ўтирадиган тахти ўнг томон ҳисобланади. Учинчиси шайтон бўлиб, у малакутий душмандирки, васваса ва иғвони инсон малакути ичра солади, дамбадам ғафлат бисотини инсон малакути узра ёяди. Унинг жойи инсоннинг қуйи қисм тарафидир. Тўртинчиси дунё бўлиб, у нолутий душмандир, у одамларнинг кўз ўнгида доимо ўзига оро беради, одамларни йўлидан уради. Унинг жойи шайтоннинг жойидан пастроқдадир. Солик муршидга қўл бериб, тавбага келгач, дунёнинг белига тепади ва қолган шайтон, нафс ва ҳаво каби учта душманни зикр орқали рад қилади.

Солик «ла» лафзини киндикдан сийна сари тортганда шайтонни рад қилган бўлади, чунки шайтон васваса пайтида киндикдан кўкракка чиқади ва васвасани бошлайди. Бошни ўнг томонга ташлаганда нафсий (40а)сифатларни рад этади ва бир муддат инсон вужудида худоликни даъво қиладиган ҳавони рад этади. Бу уч душмани рад этгандан сўнг яна бошини тўғри тутади ва мавсуф сифатлар мақомотига эга бўлиб, бору йўқдан муштоқ бўлган ҳолда, бошини чап томонга ташлайди, бу билан «бошимдаги ҳавою ҳавас, таманно ва хаёлдан нимаики бўлса, ҳаммасини таважжуҳ талабида ташладим, Аллоҳни исбот ва тасдиқ қилган ҳолда Аллоҳдан ўзга нарсаларни рад этдим» деган бўлади.

Шу тартибда зикрга машғул бўлади, кўп ўтмай унинг таъсири зуҳурга келади ва Ҳақ субҳонаҳу ғайб оламидан унинг дилига бир эшик очади, унга илоҳий фатҳлар юз кўрсатади. Гарчи айёмнинг путур ва қусури сабабли таъсирларнинг зуҳур қилиши кечикса-да, талабда саъйу ҳаракатни кўпроқ қилиш лозим ва дил юзини зикрдан бурмаслик керак, токи дунё ва охирати зарар кўрмасинки, бундай тоифа ҳақида Қуръони Каримда таҳзир (эҳтиётлик) ва таҳдид ояти мавжуд, Ҳақ таъоло айтди: **«Кимики юз ўгирса Менинг зикримдан, албатта, бордир унинг учун бир тор ҳаёт ва тиргизурмиз уни Қиёмат куни кўр қилиб».**[1]

Саккизинчи адаб - фикрларни қувиш (нафйи хавотир)дир, бу адаб (40б)Ҳазрати Иброҳим алайҳис саломнинг адабидир ва бу шарт шартларнинг асосидир, зероки хотирни ўзга нарсалардан пок ва холий қилмагунча унда зикрнинг таъсири бўлмайди. Байт:

*Даруни хилват дилро аз ғайри дўст холий кун,*
*Ки султон дар дарун мебояд хайлу хашам берун.*

*(Хилватда дилингни дўстдан бошқалардан холий қил,*
*Султон ботинда ғайри нарсалардан пок ва холий бўлиши керак.)*

Шайтон ибодатга юз қўйилганда соликнинг фикрини чалғитиш учун ҳаракат қилади, солик уни қайтаришга машғул бўлсин, дил ойнасини ғайрларнинг касофатидан холий ва тоза қилсин, токи бу билан маҳбуб жамолининг аксини унда кўролсинки, маъшуқ ҳар лаҳзада ошиқнинг ҳушёрлик қулоғига нидо қилади:

*Дил аз ағёр холий кун чу азми кўйи мо дорй,*
*Назар бар ғайри мо мафкан чу қасди рўйи мо дорй.*

*(Бизнинг кўчамизга қадам қўймоқчи бўлсанг*
*дилни ғайрилардан холий қил,*
*Агар юзимизнинг қасдида бўлсан ғайрига назарингни солма.)*

Демак, соликнинг шарти ўзга нарсалар ҳақидаги фикрларни ҳамиша қувиш, адашув ва алдовдан омонман деб қарамасликдир.

Тўққизинчи адаб - қалб алоқаси (рабти қалб)дир ва бу Юсуф алайҳис саломнинг адабидир. Дарҳақиқат одобга риоя қилиш бу шартларнинг (41а)тўғри бўлиши жиҳатидандир. Ва қалб алоқасидан мурод шайхнинг қалби билан пайванд ҳосил қилишдир. Зероки соликнинг сулуки бу қуролсиз нафс, шайтон ва обу гил (башарийлик) қийинчилигидан улуғ мақомотлар ва олий мартабалар сари ўтиши мушкилдир ва бу саодатларнинг ҳосил бўлиши дилни пайванд қилишга боғлиқки, мурид шайхга бўлган кучли муҳаббати шайх дили билан унинг дилини бир-бирига боғлайди ва хавф, васваса ва зиёнлардан қўйилиб ўтади, шайхнинг улуғлиги ва камолати унинг дилида қанчалик маҳкам пайванд олса дили мустаҳкам ва маҳкамроқ бўлади, дил пайванди қанчалик кучли бўлса файзу футуҳ шайх тарафидан кўпроқ келади. Чунки мурид ботинининг анҳорлари шайх ботини денгизи билан пайваста бўлмаса бу денгиздан бир томчи ҳам унинг анҳорига етмайди. Демак бу анҳор денгиз қаърига қанчалик яқинлашса унинг мавжларидан сероб бўлади. Муриднинг комиллик даражаси қанчалик ошса ҳам у бепаноҳдир ва шайхсиз қурб (яқинлик) мақомига ета олмайди. Борди-ю, шайх уни юз марта рад қилса ҳам, у дил пайвандини қаттиқроқ қилиши керакки, пирнинг

[1] Қуръон, 20/124.

82. Фақр- мавж урувчи чуқур бир денгиздир, кўплаб кемалар бу денгизда ғарқ бўлиб кетгандир.
83. Бундан дурдона ҳосил бўлиши учун унинг ғавсини комил ғаввос камолга етқазади.
84. Бегона ҳамроҳ билан бу ерга келма, унинг ичига дўст билангина кириш мумкин.
85. Бу чангалзор ваҳимали шерларнинг жойидир, ботир кишиларнинг хавф тўла еридир.
86. Бу – меҳнат, дард ва ражлар тилсим этилган жой бўлиб, унинг ичига маърифат ганжи ва хазинаси яшириб қўйилган.
87. Бу тилсимнинг калити улуғ ҳимматдир, жон ва жисмни жаҳонда кечишдан иборатдир.
88. Нуҳ этагини қўлга киритолмасанг, бу дарё ичида хавфу хатарга тўладир.
89. Ҳиммат шамоли маллоҳ каби етмаса, қандай қилиб кемани қирғоққа етқаза оласан?
90. Агар ҳимматинг бўлса бирор жойга ета оласан, бенаво бўлсанг, навога ета оласан.
91. Ҳиммат нимадир, у ошиқларни мақсадга етқазувчи раҳбар ва содиқ кишиларнинг мушкилини ҳал этувчидир.

92. Ҳиммат – ҳар бир ишда улуғ устун ҳисобланади, талаб йўлидаги дардмандлар учун марҳамдир.

93. Гарчи ҳиммат кўрсатишда машаққатлар бўлса-да, унинг машаққати остида роҳатлар бўлади.

94. Ҳиммат булути бир қатра сувни Жайҳун дарёсига айлантиради, унинг қўли тоғни чўл ва текисликка айлантиради.

95. Агар киши ҳимматни ишга солса дарё тагидан чанг чиқара олади.

96. Ҳимматдан гадо подшоҳга айланади, шоҳ эса ҳимматсизликдан гадога айланади.

## ҲИММАТ ТУФАЙЛИ ПОДШОЛИККА ЭРИШГАН ОЛИҲИММАТ ДАРВЕШ ҲИКОЯТ

97. Бир бечора камбағал дарвеш бор бўлиб, у бадбахтларча камбағаллик ва йўқчиликка мубтало бўлган эди.

98. Унинг ҳеч кими йўқ, суҳбатдошлари ҳам йўқ, боз устига пули ҳам йўқ бўлиб, ҳаёти ғам остида поймол бўлган эди.

99. Тонгдан то шомгача фақат иши ҳасрат шарбатини ичишдан ўзга эмас эди.

100. Унинг тушлиги ҳам, кечқурунлик овқати ҳам йўқ эди, заруратдан рўза тутишга мажбур эди.

101. Елкасида жанда, иштони йиртилган, ёқаси чок бўлиб, либоссизликдан яланғоч ҳолда келган эди.

102. Қирқ ямоқли чопони бўлиб, бўйи баланд, худди латта боғланган узун дарахтга ўхшар эди.

103. Йиртиқ либос ичида жисми тирикка ўхшар, бадани эса на яланғочу ва на ёпилган эди.

104. Дарвешнинг устидаги либосга назар солсанг, гўё юзта чокли ёқа борлигини ҳисоб қилардинг.

105. Кийимидан агар боишини чиқармоқчи бўлса, ҳар гал бошқа бир ёқадан бош чиқарар эди.

106. Шундай ҳолга тушса бирор кишининг олдига бориб, орзуманд нафсининг хоҳиши учун қўлини узатмас эди.

107. Гарчи у камбағалликдан хаста бўлса ҳам, унинг ҳиммати тамаъ учун йўл бермас эди.

108. Ҳиммати одамлардан сўраш учун унинг қўлини қисқа қилган бўлиб, туну кун дилини таваккулга боғлаган эди.

109. Ҳеч бир ерда унинг учун ҳаёт йўли йўқ бўлса-да, баъзида ғайбдан унга ризқ етиб турарди.

110. Унинг ёнида бир ботамиз қўшниси бўлиб, бир куни унга луқма олиб келди ва деди.

111. Сенда ҳиммат бор ва қувватинг ҳам бор, ўйлайманки, қўлингдан иш келади.

112. Бас, нега ўрнингда ўтириб қолгансан, бахтсизлик билан ҳайронликда кун кечирмоқдасан?

113. тур, ташқарига қадам қўй ва иш қил, ўзингга ўхшаган одам билан ҳамроҳ бўлиб ишга кириш.

114. Қадамингни бирорта йўлга қўйиб, олий ҳимматингни ишга сол.

## ДАРВЕШНИНГ ТАНБИҲ ЕГАНИ ВА ҲИММАТ ҚАДАМИНИ ТАВАККУЛ ЙЎЛИГА ҚЎЙГАНИ

115. Шу сўзни айтиб, ўша киши ўрнидан турди, дарвешнинг дилига эса унинг насиҳати таъсир қилди.

116. Бу бечораликда қилган ўша онда ўз дилига дедики, бу воқеа мен учун ғайб тилидан содир бўлди.

117. Энди турайин-у ташқарига қадам қўяй, ҳиммат оёғини фалакнинг бошига қўяйин.

118. Ўз ҳимматини бир имтиҳон қилиб кўрай, токи ундан мақсадим ҳосил бўлар экан.

119. Бир улуғ мақсадни ўз олдимга қўйиб, уни амалга оширишда маҳкам турайин.

120. Ё олий ҳимматимдан ўз мақсадимга етай ёки бу оғир ҳаётимдан жудо бўлай.

121. Унинг бахти оғир уйқудан уйғонди, беихтиёр бозор томонга қараб йўлга тушди.

122. Фикрга чўмиб, ҳар тарафга юрар эди, тасодифдан йўли бир ҳаммомнинг олдига тушди.

123. У чиройли кийинган бир гуруҳ париларни кўрди, уларнинг ҳар бири дилбарликда офатижон эдилар.
124. Уларнинг ҳар бир шўхликда ақлни йўлдан урар эди, гўзалликда эса ой ва қуёшга таъна уришарди.
125. Ўрталарида алак каби бир тахтиравон бўлиб, ичида бир ҳурми ёки малак бор эди.
126. У ҳариргина ҳаммомдан чиққан бўлиб, юзларида тер бўлиб, рухсори гулгун ҳолда эди.
127. Тўртинчи осмондаги қуёш каби унинг юзи ер аҳлига нур сочар эди.
128. Тахтиравон атрофини дилбарлар ўраб олган бўлиб, улар ой ёки юлдузлар тўдасига ўхшар эдилар.
129. Бу мискиннинг кўзи ўша маҳвашга тушгач, гўё кўнглига олов гулхани тушгандек бўлди.
130. Изтиробли ҳолга тушиб, оҳ тортди ва бу ким, деб сўради. Унга, подшоҳнинг қизи, деб жавоб бердилар.
131. Дедики, мен умидвор бўлган ҳолда, бу гульзор нигорга етишга интиламан.
132. Ўша онда тахтиравоннинг орқасига тушиб, жидду жаҳд билан шоҳ даргоҳи сари кетди.
133. Бир супургини топиб, қўлига олди ва ўз белини супурги бели каби маҳкам боғлади.
134. Боши билан хизмат қилишга киришди ва шоҳ саройи саҳнини тозалашга бошлади.

## ПОДШОҲНИНГ ДАРВЕШ ҲОЛИДАН ОГОҲ БЎЛГАНИ

135. Подшо уни бир неча марта у ён-бу ён чопиб хизмат қилаётган ҳолда кўрди.
136. Бир гал, бу дарвеш ким, у ён-буён чопиб хизмат қилишидан мақсади нима, деб сўради.
137. Нойибга деди, бор, ундан сўра-чи, бу хизматни унга ким буюрди экан.
138. Нойиб келиб ундан, эй девона киши, подшо бу ишни унга ким топширди экан, деб сўраяпти, деди.
139. Дилингда қандай муддао бўлиб, нимани қидираётган бўлсанг, шоҳдан нима умидинг бўлса менга айт.
140. Девона деди, менинг муддаом шоҳнинг қизидир, сўрадингми, энди бориб шоҳга айт.
141. Шоҳнинг нойиби бу сўздан кулишга тушди, шоҳнинг ҳузурига келиб, хижолат бўлиб турди.
142. Шоҳ унга, эй вазир, гапир, ўша фақирнинг мақсаду муддаоси нима экан, деди.
143. Нойиб деди, эй шоҳ, у бир девона киши экан, туну кун вайроналарда юрар экан.
144. У айтган гапларни айтишга ҳам ор қиламан, чунки унинг айтган сўзларидан қон ҳиди келади.
145. Шоҳ деди, унинг сўзларини айт, ҳеч қўрқинчли жойи йўқ, чунки девоналарда идрок қилиш йўқдир.
146. Девона дедики, юзимни тупроқ қилиб юришимдан мурод подшога ўзимни куёв қилмоқчиман.
147. Подшо бу сўзни эшитиб табассум қилди, унинг хотири бу сўздан паришон бўлмади.
148. Подшо деди, агар у бу сўзларни айтаётган бўлса уни ўлдириш ёки тилини кесиш шарт эмас.
149. Унинг учун қийин бир ишни ўйлаб топаман ва бу гадодан шундай қилиб қутуламан.

## ПОДШОҲ ДАРВЕШНИ ЎЗ ҲУЗУРИГА ЧАҚИРИШИ, У ҲАҚДА ТАДБИР КЎРИШИ ВА ДАРВЕШНИНГ ЛАТИФА АЙТИШИ ҲАҚИДА

150. Подшоҳ беҳуда сўзловчи ва маҳол фикрловчи бу дарвешни ўз олдига чақиртиради.
151. Подшоҳ хазинасида учта қимматбаҳо дур бўлиб, бу дур ер юзида кам бўлар эди.
152. Хазиначига, ўша дурларни келтир, деди. Хазиначи ўша учта шаҳвор дурларни олиб келди.
153. Дурларни бу муфлис девона олдига қўйди, девона ханда уриб, оғзини сўзга очди.

154. Девона деди, нега буларни олдимга қўймоқдасан, мен сенда лаъл сўрасам, сен дур беряпсан.
155. Бу ҳазилдан подшо хушҳол бўлиб, табассум билан унга нигоҳ ташлади.
156. Унга деди, агар худди шунга ўхшаган учта дур олиб келсанг, ўз муддаонга етишган бўласан.
157. Йўқса, бу гапларингни йиғиштир, бир гўшада ўтириб, сўзларингни бас қил.

## ДУРРИ ШАҲВОР ТОПИШ МАҚСАДИДА ДАРВЕШНИНГ ДАРЁ ҚИРҒОҒИГА БОРГАНИ

158. Шоҳ бу гапларни айтгандан сўнг, дарвеш кучли эсувчи шамолдек ўрнидан туриб, дарё томон юз қўйди.
159. Бир неча вақт ичида биёбонларни босиб ўтиб, бу шер юрак дарёга етиб борди.
160. Етиб бориб, аввало бир идиш топди, сўнг садоқат ва ихлос билан.
161. Бисмиллоҳ деб, дурни қўлга киритиш учун ҳимматини ишга солиб, дарё лабига ўтирди.
162. Таваккул борасида у баланд ҳимматга эга эди, дарё сувини коса-коса олиб, ташқарига ота бошлади.
163. Унинг ғайрат ва ҳиммати туфайли андак фурсат ичида дарё суви камайишга бошлади.
164. Унинг ҳиммати дарё сувини ярим қилди, соҳил эса у чиқарган сувдан дарёга айлана бошлади.
165. Сувни тўхтовсиз ташқарига отиши билан аҳли дарёларга дарё ичини танг ҳога келтирди.
166. Шу сабабли дарёдаги наҳанглар хурушга келдилар, балиқлар орасига эса ғалаён тушди.
167. Балиқлар ғамли диллари билан дарё тагида сийналарини ерга қўйдилар.
168. Сув дарёда шу қадар камайиб кетган эдики, наҳангларнинг орқа териси бемалол кўринар эди.
169. дарё теграсида кўпгина ғаввослар бор эди, улар ёғочу чўплардан кулба қилиб, ўтирар эдилар.
170. Соҳилга тушган сувдан уларнинг ёғоч уйлари сув юзига чиқиб, худди сув устидаги пуфаклар каби ҳар томонга сузарди.
171. Бу фақирларнинг диллари бу ҳолатдан азият чекиб, дод-вой солиб, дарвешнинг олдига келдилар.
172. Ажабо, сен қайдан пайдо бўлиб қолдинг, бу ишдан мақсадинг ва талабинг нима, дедилар.
173. Сувни нега ташқарига тўкмоқдасан, нега бундай тўфонни қўзғотиб турибсан?

## ҒАВВОСНИНГ ДАРЁ ТАГИГА ШЎНҒИГАНИ ВА ЯЛТИРОҚ ДУРЛАРНИ ТАШҚАРИГА ОЛИБ ЧИҚҚАНИ

174. Ғаввослар унинг ҳикоясини эшитганларидан сўнг, денгизни сувдан бўшатма, дедилар.
175. Эй ҳушёр киши, сен учун денгизга шўнғийлик, толеъинг учун ҳар нима қўлга кирса, қирғоққа олиб чиқайлик.
176. Дарвеш ишдан қўлини тортиб, жим ўтирди, гавҳар қўлга киришига умидворлик билдирди.
177. Ишбиларманд ва ботир ғаввослар бир онда денгиз туби сари бош қўйдилар.
178. Яхши ниятли бир ғаввос сувга кириб эди, сувга киришидан кўп фурсат ўтмасдан.
179. Гўё дарё кўпиги каби сув юзига қайтиб чиқди, этаги эса садафдан лиқ тўла эди.
180. Софдил дарвешнинг толеъи бақувватлик қилиб, чиққан садафларнинг ичи тўла дур эди.
181. Ғаввос дарвешнинг этагига тўкиб, ол уларни, эй покдил киши, нимаики чиққан бўлса сеникидир, деди.
182. Ўша садафларнинг барини синдириб кўришганда, ҳар бир садафда қимматбаҳо дурлар бор эди.
183. Дарвеш садафлардан саккизта дурларни йиғиб олиб, бошқа ғаввосларга унда инъом қилди.
184. Этагини қоқиб, йўлга тушди ва шоҳ саройи томон юз қўйди.
185. Шоҳнинг саройига келиб, ўзининг эски жойини эгаллади ва эски ишини давом эттира бошлади.

## ПОДШОҲ ДАРВЕШНИНГ АҲВОЛИДАН ХАБАР ТОПИБ, УНДАН ДУРЛАРНИ ТАЛАБ ҚИЛГАНИ

186. Шоҳнинг ходимлари уни бу ерда кўришгач, ўша онда шоҳга бу хабарни етқаздилар.
187. Ўша беҳуда сўзловчи мажнун келибди, қандай қилиб бу жарликдан омон чиқибди, дедилар.
188. Подшо буни эшитиб, ҳайратга тушди, сўнг тезда ундан гавҳарни талаб қилишни буюрди.
189. Нойиблар ўша фақирнинг олдига бордилар ва ҳар томондан тўпланиб, уни ўраб олдилар.
190. Эй ўз қонига ташна, эй бошу жонини хатар қўйган қани гавҳарлар?
191. Дарвеш бу сўздан кулди ва бу оқил ўша онда қўйнида учта гавҳарни чиқарди.
192. Ҳар бир дур бахту давлатидан нишона бўлиб, ҳимматининг осмонидан нур сочиб турарди.
193. Ҳар бир гавҳардан бу дарвешнинг бахти намоён бўлиб, нур кўзи гўё бедор эди.
194. Бу Хизрваш кафтидаги дурдоналар гўё обиҳаёт сувининг қатралари эди.
195. Унинг толеъ юлдузи яхшилиги туфайли. Ой, Қуёш ва Муштарий қиронга айланди.
196. Одамларнинг кўзи бу дурларга тушгач, эркагу аёллар орасида ғавғо кўтарилди.
197. Гавҳарларни бир кишига бериб, подшоҳ олдига элт ва унинг хабарини келтир, деди.
198. Ўша киши султонга олиб бориб, олдига қўйди, шоҳ бу дурларни кўриб, ҳайрон қолди.
199. Ўша онда вазирига қараб дедики, ўша дарвешни тезда олдимга олиб кел.
200. Унинг учун бошқа бир ҳийла ўйлаб топаман, ҳийла тадбирни аввалгисидан яхшироқ қиламан.
201. Вазир буйруққа қулоқ солиб, дарвешнинг олдига келди ва деди.
202. Мамлакат подшоси сени йўқламоқда, бор, нима дейишига қулоқ сол.

## ДАРВЕШНИНГ ПОДШОҲ ОЛДИГА КЕЛИШИ, ПОДШОҲНИНГ ДАРВЕШ ОЛДИДА МУЛЗАМ БЎЛИШИ ВА ҚИЗИНИ УНГА НИКОҲ ҚИЛИШИ

203. Бу марди Худо ўша онда ўрнидан турди ва подшонинг ҳузурига етиб борди.
204. Подшоҳ уни кўриб, қошларини чимирди, эй ақли паст, хазинада олтита гавҳарим бор эди.
205. Кундузи айёрликни ишга солиб, кириш йўлини кўриб олгансан, тунда пинҳона келиб, уларни ўғирлаб олгансан.
206. Эй ўз фанида айёр, бу қандай маккорликки, ўз гавҳаримни ўғирлаб, яна ўзимга келтиряпсан?!
207. Дарвишдаги еттита дур тешилмаган эди, улардан тўрттаси белига бекитилган эди.
208. Дарвеш уни чиқариб, эй шоҳ, тўғрисини гапир, агар булар ўғирланган дурлар бўлса, булар қаердан олинган?!- деди.
209. Шоҳ, агар булар ўғирланмаган бўлса, айт, уларни қаердан олдинг, деди.
210. Дарвеш ғунча каби кулиб, гул каби очилди ва дарё ҳамда ғаввослар воқеасини айтиб берди.
211. Подшоҳ унинг афсонавор ҳикоясини эшитиб, ўз вазирларига ҳайрон бўлиб қаради.
212. Подшоҳ деди, бу дарвеш олий ҳимматли экан, у даргоҳимиз куёви бўлишга лойиқдир.
213. Дарвешга шоҳона хилъат кийдириб, (олтин) камар боғлатди, бошига зар билан зийнатланган тож кийдирди.
214. Қизини дарвешга никоҳлаб берди, ва унга олтин хазинасини топширди.
215. Шоҳ бир неча кундан сўнг оламдан ўтди, тақдирдан бўлиб, дарвеш унинг тахтига ўтирди.
216. Қара, ҳиммат туфайли ишларни ўнгловчи Худо бир гадони бахтиёр шоҳга айлантирди.
217. Ҳа, кимнинг ҳиммати баланд бўлса, давлат қуббасига каманд ташлайди.
218. Ҳар ким ҳиммат учун белини маҳкам боғласа мақсад келинини албатта бағрига олади.
219. Ўшал Аллоҳки, огоҳлик ато қилса, мажозий ҳимматга эга бўлувчиларга шоҳлик ато қилади.
220. Мажоз бобида ҳар кимнинг ҳиммати кучли бўлса, уни хусравлик тахти узра ўтқазади.

221. Ҳар кимки ҳақиқат йўлини босиб ўтса Аллоҳ ўз лутфидан қачон уни ноумид қўяди.
222. Эй замири равшан толиб, сен ҳам бир соҳиб камолнинг этагидан тут.
223. Тариқат йўлида ноқис ва ожиз бўлма, мажозий ҳимматдан сенинг ҳимматинг кам бўлмасин.
224. Талаб денгизидан дурларни чиқариб ол, токи маънавий келинни бағрингга торта олгин.

## РИЁЗАТ НАСИМИСИЗ ФАЙЗ ЭШИКЛАРИНИНГ ОЧИЛМАСЛИГИ ВА МАЪНО КЕЛИНИ ЖАМОЛИДАН ПАРДА ОЛМАСЛИГИНИНГ МАЪНОСИ ҲАҚИДА СЎЗ

225. Эй толиб, сен сафо ва софликдан дам урадиган бўлсанг, нега риёзатдан бўйин товлайсан?
226. Риёзат дилинг қачон сафо топади, асл мақсадинг қачон ҳосил бўлади?
227. Талаб йўлида туну кун дард тортсанг, дардингни дорисини риёзатдан қидир.
228. Риёзат заҳарида лаззати ҳам бор, бу лаззат ҳеч би шаҳд ва шарбатда йўқ.
229. Агар сен бу заҳарнинг лаззатини билганингда эди, дунё қанди ва наввотини қачон еган бўлардинг?!
230. Ошиқлар учун дунё айши қийинчиликдир, дардлиларга эса риёзат роҳатдир.
231. Риёзатсиз сийна пок бўлмади ва кўнгил ойнаси оламни кўрсатмади.
232. Сен Аллоҳ шуҳуд қилувчи ойинасан, борлиқ зангини ойнадан ўчиришинг керак.
233. Унда сенинг борлиғингдан асар ҳам қолмагач, маъни келини сенга кўрина бошлайди.
234. Сен ўз жонингни таниш учун келгансан, сен сувратпарастлик кейинидан келганинг йўқ.
235. Кўзингни сувратга тикиб ҳайрон бўлма, болаларнинг қўғирчоғини ўйновчи бўлма.
236. Сен шу кўринишдан суврат ва шакл эмассан, сен ойинаси занг босган ҳолда қолувчи эмассан.
237. Риёзат билан ўзингга сайқал бер, шунда суврат ва унинг маъноси нима эканини кўрасан.
238. Сенда ҳунар бор, бироқ кам ҳаракатдасан, ўша ҳунарни айблар билан қоплаб қўйгансан.
239. Ботининг нуқсон, айб ва зулмат билан қопланган, ғайб сирлари қачон сен учун очилсин?!
240. Сен бошдан оёқ мағз бўлмагунингча, эй хом одам, бу куч фикрлардан воз кеч.
241. Бодом мағзи ўз пўсти-данагидан чиқса-да, мағзи устида яна бир пўст бўлади.
242. Ўша пўстдан уни яна ташқари чиқарсанг, эй азиз, лаззат ва завқни янада кўпроқ тотасан.
243. Мевангга пўст парда бўлиб турибди, пўстни оловга ташла ва мағзни роҳат қилиб е.

## ЗОҲИРИЙ ИЛМЛАРГА ҲАРАКАТ ҚИЛИБ, БОТИН ОЙНАСИНИ КИБР ВА МАНМАНЛИК ЗУЛМАТИ БИЛАН ҚОПЛАНГАН ДУНЁВИЙ ОЛИМЛАР ТАНБИҲИ ҲАҚИДА

244. Эй жидду жаҳд қилиб, илм ўрганиб, неча йиллар амал шамини ёққан киши.
245. Мадрасаларда ўз умрингни сарфладинг, бирорта сўз ҳам мубҳам қолмаслигига интилдинг.
246. Димоғинг тор ҳужранинг томи каби, худди чироқ дуди каби қора ва тийра бўлибди.
247. Туну кун сабоқни такрор қилиш учун бошингни қуйи солиб, кўзингни вараққа тикибсан.
248. Дўстлар ва ватан ҳижронини танлаб олибсан, ғурбат ва қийинчиликларни кўрибсан.
249. Беҳуда нафс учун вазифа таъйин қилибсан ва уни қабул этибсан.
250. Бир неча муддатлар паст ном билан юриб, то ўртачадан юқори сари интилибсан.
251. Олийлик томонига ўтиб олиб, энди эса манманлик ва кибр йўлига оёқ қўйибсан.
252. Бошингда улуғлик ва мансаб орзуси чарх урибсан, икки томондан нафс ва шайтон сенга раҳбар бўлибди.
253. Эй беҳуда орзу қилувчи, илм ва кибр ғурури сабабли кўз олдингда одамлар тикан ва хасу хашакка айланибди.

254. Соқолга тароқ уриб, салла учини ташлаб, кибрдан гарданигни чўзибсан.
255. Тожигу турлар сени улуғ дейишларини хоҳлабсан.
256. Ўзингни ҳаммадан билимдон деб билиб, улуғ мақомда ўтиришни хоҳлабсан.
257. Агар барча пайғамбар авлоди бўлса ҳам, улардан ҳам юқори поғонани кўзлабсан.
258. Илминг бор, инсон у манманлик билан тўла, гўё хазина устидаги аждарга ўхшайсан.
259. Аждар учун хазинадан ҳеч бир фойда йўқ, унинг ризқи рўзи ва ранждан ўзга эмас.
260. Эй хабари йўқ, ҳирсинг учун илмни дунё воситаси қилибсан.
261. Дунё ва бойлик учун илм ҳосил қилибсан, уқбо саридан юз ўгирибсан
262. Умринг дунё талабида ўтибди, охиратни дунё қидириш билан алмаштирибсан.
263. Улуғлар ҳар лаҳза сенга айтганларки, дунё олими охиратни сотувчидир.
264. Агар сенга илми ҳол нима экани маълум бўлганда эди, сенинг шум нафсинг қачон шундай бўлур эди?!
265. Эй дағал, сенинг илминг шундай-у амалинг бундай, илму амалдан шарм қилмоғинг керак.
266. Яна ҳадисга мувофиқ биз пайғамбарларнинг меросхўримиз, дейсан, эй хабис.
267. Анбиёлар аслида нифоқ, риё ва кибрдан пок бўлганлар.
268. Сен бошдан оёқ адоват, гина ва ҳасаддан иборатсан, пайғамбарлардан қандай қилиб мерос етсин?!
269. Водариғ, сен омиларга ўхшаб қолибсан ва маърифат дарсининг баҳсидан узоқдасан.
270. Зоҳирий илмлар денгизига шўнғибсан, бироқ маъни гавҳарини қўлга киритмабсан.
271. Зоҳирий илмлар маънавий илмнинг бир шохобчасидир, кимки буни билса, демак у кучлидир.
272. Зоҳир дунё ва китоблар юки маънавият йўлига тўсиқдир.
273. Маънавий йўлдаги омий ориф дунёвий олимдан кўра яхшироқдир.
274. Охират олимлари, гарчи гумроҳ а аблаҳ бўлсалар ҳам аҳлуллоҳдирлар.
275. Маърифат ҳосил қил ва аблаҳ бўлмагин, аҳлуллоҳлар ҳолатининг мункири бўлма.

## ТАРИҚАТ ЙЎЛИНИНГ САЙЁҲЛАРИ ВА ҲАҚИҚАТ ДАРЁСИНИНГ СУЗУВЧИЛАРИ ЗИКРИДАКИМ, УЛАР ЖАЛОЛ (УЛУҒЛИК) ОСМОНИНИНГ ЮЛДУЗЛАРИ ВА ЖАМОЛ (ГЎЗАЛЛИК) БЎСТОНИНИНГ ГУЛ ТЕРУВЧИЛАРИДИР

276. Маърифат покиза дурлар билан тўла бир хазинадир, унинг жойи эса хароб диллар хазинаси ичрадир.
277. Бу йўлнинг қадрини аҳли диллар биладилар, улар бу денгиз ичра кеча-кундуз ғарқдирлар.
278. Улар изтироб билан ўз жонларидан қўл ювгандирлар, тавҳид хумхонасининг майи билан мастдирлар.
279. Улар Жало денгизи ичра ғарқ бўлиб, Жамол тажаллиётидан ҳайратдадирлар.
280. Адан дарёси каби ботинлари дур билан тўла ва шавқ насимидан ҳар дамда тўлқинланиб турадилар.
281. Уларнинг танлари бутунлай фано (йўқ) бўлган, жонлари эса висолни қидришда, лабларига муҳр урган, диллари эса сўзлашдадир.
282. Тоғ каби оёқлари тариқат йўлида мустаҳкам, туя каби хору хас билан пок ташувчидир.
283. Улар ўзлигидан ғойиб, аммо мушоҳадада ҳозир, вужуд бобида Аллоҳдан ўзгани кўрмайдилар.
284. Хилват гўшалари уларнинг нурлари билан мунаввар, уларга жаннат боғидан нишон беради.
285. Бу дилкаш боғда гул ва ғунча мисоли гоҳ шоддирлар, гоҳ эса ғамгиндирлар.
286. 286.Уларнинг дардлари кўп бўлиб, илож эса йўқ, улар Мансури Ҳаллож каби юк кўтара олмайдиганлардандир.
287. Улар исмлар ва сифатлардан огоҳдирлар ва воридот карвонининг нузул қилишидан бехабардирлар.

288. Орифликнинг шоҳроҳ кўчасига етиб келгандирлар, уларнинг сайри гоҳ сирда гоҳ хафийдадир.
289. Улар ботин орқали нигоҳ қиладилар ва ғайб сирлари томон йўл топгандирлар.
290. Яна улар Аллоҳ хулқи билан хулқланган бўлиб, ср бобида улар тасарруфга эгадирлар.
291. Улар руҳ сифати билан сифатланган бўлиб, уларга куллий ва жузвий ҳолатлар каш бўлган.
292. Улар гоҳ қуруқликда учиб юрсалар гоҳида денгиз узра қадам қўйиб юрадилар.
293. Улар синиб чўкаётган кемани қутқариб қолиб, чўкаётганларни сувдан чиқариб, оладилар.
294. Гоҳида хатар водийсининг йўлларида қолган сафар аҳлининг ёрдамига етишадилар.
295. Улар ҳиммат осмонининг шоҳбози ва раҳмат байроғи соясида ўтирувчилардир.
296. Агар улар ҳиммат қаноти билан парвоз қилсалар осмоннинг баланд жойларида жавлон қила оладилар.
297. Уларнинг кўзлари бу ерда бўлса-да, бироқ руҳлари еттита осмондаги малоикалар билан тасбиҳ айтувчидир.
298. Бу азизлар ҳозирлик арбоблари бўлиб, ҳам мукаммал ҳамда мукаммил зотлардир.
299. Улар мажнун аҳлларидан эмас, улар маломат кўчасидан ташқари чиққан одамлардир.
300. Инкор қилувчиларнинг таъна ва жафолари уларнинг кўнглига асло оғир ботмайди.
301. Улар елка юкига чидам билан турувчилардан бўлиб, бировдан ранжимайдилар ва бировни ранжитмайдилар.
302. Бировдан етган минглаб алам ва хорлик улар учун бир хас (чўб) миқдорича эмас.
303. Давлат хонидан етган оз нарсани хам улуғ неъмат деб, ундан лаззат оладилар.
304. Улар роҳат ва лаззатни меҳнатдан топадилар, балки меҳнат ва қийинчиликни айни давлат деб биладилар.
305. Уларнинг дили ғамдан қон бўлмайди, уларнинг тани ситамдан озор топмайди.
306. Дунёдаги юзи хўмрайган туршрўйлардан сабр қилиб, ёқимсиз сабр заҳрини ичувчилардир.
307. Ситам юкини кўриб, ундан қочувчилардан эмас, бало етганда тоғ каби собитқадам турувчилардир.
308. Улар Ҳақ нурларидан қуёш каби равшан, улар соя каби нур ичида тўлиқ кўмилганлардир.
309. Дин мулки улардан равнақ топувчилардир, кимки уларга мункир бўлса, улар бединлардан ҳисобланади.
310. Дунё хорлигини азизлар тортадилар, охират юкини тамизи йўқлар тортади.
311. Агар тамизинг бўлса бу ҳикматни фаҳмла, уқбо (охират) аҳлини қидир ва сўзини эшит.
312. Булардан бирининг этагига қўл ур, токи мақсадинг сари бешак етқазсин.
313. Уларнинг дилида талабдан бир дард бор, улар мардлар каби бир марднинг талабида бўладилар.

## ЯНА УЛАРНИНГ АЙТГАНЛАРИ (УЛУҒВОР СОЯЛАРИ КЕНГ ЁЙИЛСИН)

314. Эй биродар, риёзат сари ҳаракат қил, токи бу эшикдан ўз мақсадингни топгайсан.
315. Агар бу йўлнинг мувофиқ одамини топсанг, бундай зот неъмат ва улуғлик билан тўла бўлади.
316. Бундай одам доимо риёзат ишида бўлади, унинг дили ҳамиша дилдорни кузатишда бўлади.
317. Эй биродар, агар сен шундай одамни топсанг, унга ҳамдам бўл, унинг ҳузурида бошингни қуйи сол.
318. Йўқса, боргин-да танҳоликни ихтиёр қил, ваҳдат ва ёлғизлик кунжида ўтир.
319. Барчанинг баҳридан кеч ва мардона бўл, ўзлигингдан кечиб, девонавор бўл.
320. Исо (а.с.) каби дунёдан узоқ бўл, жуҳуд, габр ва тарсо сифатлилар билан дўст бўлма.
321. Ўзлик йўлидан Халил каби қутилиб чиқ, бутпарастликдан ўзингни озод қил.
322. Шундай қилсанг, Мусойи Калим каби сенга Ҳақдан калом ва бевосита паём (хабар) етади.
323. Аҳмад (а.с.) учун қоба қавсайндан ҳам ўт, токе орадаги парда кўтарилсин.
324. Илоҳий кемалардан воқиф бўлсанг сен учун уларнинг сирлари ҳосил бўлади.

325. Шунда сенинг тилинг сўз учун тбоғланиб қолади, нутқсиз ва сўзлашсиз ҳол юз беради.
326. Бу ҳолга эга бўлган кишига шодликлар бўлсинки, бундай одамнинг сўзлаш учун қачон парвоси бўлади?!
327. Бундай одам бу дунёга сиғмайди, у минглаб завқ ва лаззатни кўради.
328. У ҳар қандай одамни бағрига олса қандай қилиб бу зотни у ёддан чиқарсин?!
329. У хавфу хатардан омонлик топади, бир лаҳза ҳам ундан ғойиб бўлмайди.
330. Эй дил, доимий салот шудир, нечун сен бу йўлда оёғинг лой ичида қолди?!
331. Агар сенда дил муроди ҳосил бўлса борлиғу йўқлик сенинг учун бир хил бўлади.
332. Ҳар кимнинг дарди унинг дини бўлса қачон у ё - бу нарсага парвоси бўлади?!
333. Кимдаки бир зарра ҳам дард бўлмаса марди майдонларнинг васфига лойиқ бўлмайди.
334. Бу беҳудагўй киши ошиқлардан эмас, у зулмат ва жаҳолат ичрадир.
335. Агар Сен ошиқ бўлсанг, тунни бедор ўтказ, нола ва зардан бир лаҳза ҳам ғофил бўлма.
336. Ишқ келини жилва билан юз кўрсатса сени бу кўчага беихтиёр олиб киради.
337. Минглаб шоҳона завқнинг лаззати илоҳий файзлардан сен учун ҳосил бўлади.

## ҒАЗАЛЛАР

338. Эй барча олам ичида пинҳон ҳам Ўзинг, пайдо ҳам Ўзинг, ошиқ дилининг дарди ҳам Ўзинг, дармони ҳам Ўзинг.
339. Сен биз билан қўшилгач, сармастликдан дейманки, биз бутунлай Сенмиз, эй ёр, ёхуд ҳаммаси Сенсан.
340. Эй Сен ишқсан, ошиқ эса маъшуқнинг либосида, Сен шайдо Вомиқсан ҳамда дилбар Узро ҳам Сенсан.
341. Гоҳида бизга ноз қиласан ва бизни ниёзга келтирасан, бу икки нарса Сенга зийнат, Мажнун ҳам Ўзинг, Лайло ҳам Ўзингсан.
342. Кўзингдан Ҳусайн учун ғамза солибсан, эй жон, юз фитна ҳам ўзинг, ғавғо ҳам ўзингсан.

* * *

343. Мен йўқлик сари кетяпман, Сенинг ишқинг мен билан ҳамроҳдир, жоним зорланади, ҳамнафасим эса чекаётган оҳимдир.
344. Эй ой, кўчангдан айрилиб қолиш ўз-ўзидан эмас, бу ҳам менинг бахтимнинг сустлиги ва дилимнинг гумроҳлигидан.
345. Эй дўст,муддаий сенинг олдингда менинг ғийбатимни қилса, унинг сўзига қулоқ солма, у мени ёмон кўрувчидир.
346. Ишқинг йўлида паймол бўлсам не ажабки, мен маломат йўлининг хасу хашагиман, тан эса сомон кабидир.
347. Ҳусайн каби ким талаб йўлида қадам қўя олади, фақат менинг шоҳим талабида ўзини йўқотгангина қадам қўя олади.

* * *

348. Келгил, дардимга бир нафас даво қил, най орқали ҳижрон ҳикоясини адо қил.
349. Сен жон оламининг қушисан қафасда асир бўлма, бирорта соҳибдил сари парвоз қил.
350. Келгил, сенсиз аҳли ҳолларнинг барчаси беҳолдирлар, беҳолатларнинг ҳолати учун бир садо қил.
351. Баҳор келиб, ҳар бир булбул наво қилмоқда, кел, булбул бўлиб, бизнинг боғимизда наво қил.
352. Ҳусайн каби агар ишқ сулуки керак бўлса, ўз жойингдан чиқиб, бу ерни ўзинг учун жой қил.

* * *

353. Биз жон бердигу ёр висолини сотиб олдик, дўст куйига биз осонликча етганимиз йўқ.
354. Ғаминг бизни маломат кўчасига элтди, шу сабабли саломатликни ўша куйдан кўрмоқдамиз.
355. Дилдаги ишқинг оташи сабабли девоналарча ҳар кўчага чопмоқдамиз.
356. Жамолинг ишқи рўзи азалда бизни ҳайрон қилган, шу сабабли, барча халойиқдан узилиб қолганмиз.
357. Ҳусайний каби ҳар бир нарсадан қутулганимиз, ҳиммат этаги сари талаб қадамини қўйганимиз.

* * *

358. Дўст юзининг шавқидан девона бўлибмиз, ўзимиздан ҳам, ошинолардан ҳам бегонага айланибмиз.
359. Рўзи азалда жамолинг шамъини кўриб, балоларнинг оташида вайрона бўлибмиз.

360. Лаъли лабингдан бир қатра май тотиб, майхона шаробхўрлари риндига айланибмиз.
361. Итларингни олдига жонимизни туҳфа қилибмиз, шу сабабли кўчанг итлари билан ҳамхона бўлибмиз.
362. Ҳусайн каби ўз жонингдан кечгинки, биз жонимиздан кечиб, жононага айланибмиз.

* * *

363. 363 Юзингни хаёлида тундан то кунгача бирга бўлибмиз, шу сабабли висолинг давлатига етишибмиз.
364. Бунинг дилимизда азал нашъала бўлиб, шу сабабли дард, ғам ва куйиш билан бўлибмиз.
365. Эй Зоҳид бизга ҳақорат кўзи билан боқма биз ўша кундан ринд ва ҳушсиз бўлибмиз.
366. Фироқ кечасида юзинг ёди билан йиғлаб, то кундузгача ёнувчи шамъ каби бўлибмиз.
367. Ишқинг оташи Ҳусайннинг дилини ёндирипти , шундай маълумки, юраги ёнувчи ошиқ бўлибмиз.
368. Ҳар ким тажаллиётинг партавини топса гўё қуёш бўлибди-ю барча оламни ёритибди.
369. Талаб йўлида меҳнату хорлик тортган киши олам халқи устидан юз шарафу иззат топибди.
370. Ҳар ким иродатли бўлса азал мақбули бўлиб, кимки ундан гарданини тортса абадий мардуд бўлибди.
371. Кимки унинг фурқатида ўзлигини қўлдан берсо, ўзгадан кўзини юмиб, висол сари шошибди.
372. Оқибатда Ҳусайн каби мақсади сари етишибди, ўзлигини унутгач, бутунлай уни топибди.

## РУБОИЙЛАР

373. Эй дил, юзингни бутунлай ўша даргоҳга қарат, барча ишдан қўлингни торт.
374. Хом хаёлдан ва бошдаги андишадан ўт, нола, ёниш ва дард билан йўлга туш.

* * *

375. Мени дарбадар қилган ишқдир, ҳар куни дарди билан мени бадтар қилибди.
376. 376.Оламда ҳар қандай дард, бало ва ғам бўлса мен бечора куйган учун тайёр қилинибди.

* * *

377. Бу йўлда дилу жонини қўлдан берганлар барча коинотдан дил узибдилар.
378. Юз андуҳ билан ғам кунжида ўтириб, ишқ дарди ва балосига тушибдилар.

* * *

379. Эй дил, агар сенда висол завқи бўлмаса, демак хаёлдан адоват, ҳасад ва риёни чиқариб ташла.
380. Агар ўша ёқимли ҳарамга йўл топишни хоҳласанг, улардан кечмай етиш муҳолдир.

* * *

381. Сенинг йўлингда жону дилимни фидо қилажакман, ўша қадимий аҳдга вафо қилажакман.
382. Гиёҳ каби тупроқдан бошимни чиқарган пайтда, мен юзимни сафо суффасига қўяжакман.

* * *

383. 383.Ҳамиша олтину кумуш пайидан бўлган кишиларни инсон дема, улар мол ва эшакдан ҳам пастдирлар.
384. Улар сасиган ўлимтик устидаги ит кабидирлар, Худо ҳақики, улар итдан минг баробар баттардирлар.

* * *

385. Дунё қидирувчиларнинг барчаси ҳирс сабабли мастдирлар, Мусони ҳалок қилувчи ва бузоқпарстдирлар.
386. Худо билан боғланган ҳар бир аҳдлари пул учун ва олтин учун синувчидир.

* * *

387. Мен дўстлар ичида камтарин бандаман, уларни деб гўёки асҳоби Каҳф итдурман.
388. Бадгўй одамларнинг таънасидан мен учун танглик йўқ, чунки мен Абу л-Ҳубобам изидан юрувчиман.

* * *

389. Агар унинг қуллик давлатини топа олсам, икки жаҳон салтанатидан воз кечаман.
390. Жазо куни номамнинг қора бўлишидан нима ғам, чунки Абу-л-Ҳубоб эшиги итларининг халиданман.

* * *

391. Токи ишқинг менинг вайрона дилим ичида экан, менинг маънавий оламим ичида менинг иқболу саодатимдир.

392. Дард, ситам, жафо, андуҳ ва бало, юз шукрки, буларнинг ҳаммаси менинг жоним ичрадир.

* * *

393. Сенинг эшигингда бир умр розил бордир, сенинг итларинг билан кўчанг бошида зорлар қиламан.

394. Агар сенинг висол давлатинг муяссар бўлмаса, сенинг талабингда зар бўлиб ўламан.

*Маҳмуд Ҳасаний*

# ҲУСАЙН АЛ-ХОРАЗМИЙ

*Тариқатнинг пешвоси*
*Ҳусайн ал-Хоразмий,*
*Олимлар раҳномаси*
*Ҳусайн ал-Хоразмий,*
*Валоят интиҳоси*
*Ҳусайн ал-Хоразмий,*
*Шоирларнинг аълоси*
*Ҳусайн ал-Хоразмий,*
*Суфийлар мақтадоси*
*Ҳусайн ал-Хоразмий,*
*Олам ичра кўз очган мавлиди*
*Андижондир,*

Бунда илм касб этган
оқили навжувондир,
Тақдири Илоҳ била
Хоразмда меҳмондир,
Халқни Ҳаққа бошлаган
муршиди меҳрибондир,
Авлиёлар авлоси Ҳусайн
Ал-Хоразмий.

Дўстлар хоҳиши била
Самарқандга юз тутди,
Улуғ шаҳарнинг халқи унга
нону туз тутди,
Самарқанддан тун кетди
шаҳарни кундуз тутди,
Ҳақ анвор ул-ҳудоси
Ҳусайн ал-Хоразмий.

Куни келиб Ҳаж сори олим
бўлди равона,
Қанча муридлар билан йўл
босдилар мардона,
Шарафиддин ўғли ҳам ёнда
эй парвона,
Ҳамдард эди олимга
подшоҳи замона,
Каъбатуллоҳ шайдоси
Ҳусайн ал-Хоразмий.

Ҳаждан сўнгра қадамни
қўйди Шоми шарифга,
Обод қилди бу ерни
сиғмас асло таърифга,
Жавоб берди сўнг барча
ёру дўсту ҳарифга,
Сўнг «Иржиъи» нидоси келди
Махдум ғарибга,
Аллоҳнинг ғурабоси
Ҳусайн ал-Хоразий.

Кубравиййа йўлида
камолотга етишди,
Маҳкам тутди бу йўлни,
саодатга етишди,
Ҳусайниййа йўлида
кароматга етишди,
Улуғ мақсадни кўзлаб,
ҳаловатга етишди,
Самарқанднинг Куброси
Ҳусайн ал-Хоразий.

«Иршод ал-муридин»ни бизга
мерос қолдирди,
Юракларда ўзидан зўр
эҳтиросни қолдирди,
Катта-кичик кўнглида ажиб
ихлос қолдирди,
Залолатдан гўёки бизга
халос қолдирди,
Илоҳиёт садоси
Ҳусайн ал-Хоразий.

«Одоб ал-муридин»да
тариқатнинг одоби,
Муридларга йўлланма
унинг ҳар битта боби,
Мақсад сари элтувчи
гўё дару абвоби,
Улуғ йўлда йўлларга
нур сочувчи офтоби,
Кўнгил оҳанрабоси
Ҳусайн ал-Хоразий.

«Рисолаи мавъиза»
одоб-ахлоқ конидир,
Камол топай деганнинг
танидаги жонидир,

Манзума марваридлар лиқ тўла
бир хонидир,
Ҳар бир байти гўёки
юракларнинг қонидир,
Тариқат шуароси
Ҳусайн ал-Хоразий.

Ғазаллари кўнгилга
ажиб ором бахш этар,
Баъту иқбол сарига
гўё хиром бахш этар,
Ишқ сарига чорловчи
улуғ маром бахш этар,
Улуғ шоир руҳига зўр
эҳтиром бахш этар,
Шоирларнинг мавлоси
Ҳусайн ал-Хоразий.

Шоирнинг улуғ пири
Махдуми Аъзам эди,
Неча йиллар ёнида ҳарифу
ҳамдам эди,
Мактублар йўллаб доим
жонига марҳам эди,
Шоир севиб пирини ихлоси
маҳкам эди,
Пирнинг сидқу сафоси
Ҳусайн ал-Хоразий.

Самарқандда пир қурган
масжид ҳамон турибди,
Эл учун хизмат қилиб,
узоқ замон турибди,
Улуғ зотдан ёдгорлик
дорул омон турибди,
Бугун таъмирдан чиқиб,
зеби жаҳон турибди,
Бу бинонинг банноси
Ҳусайн ал-Хоразий.

Самарқандда Махдуми
Хоразмий гузари,
Ҳамон боқий турмоқда
гўё пирнинг назари,
Моҳитўра опамиз шу
гузарнинг заргари,
Улуғ пирнинг йўлида
доим саъйу сафари,
Мададкордир бобоси
Ҳусайн ал-Хоразий.

Маҳмуд, бўлдим улуғ пир
китобига таржимон,
Ҳикматлари қалбига
таъсир қилди бегумон,
Яшагайдир улуғ пир то
тургунча бу жаҳон,
«Сайқали рўйи замин»
пирга ҳамдам ҳар замон,
Эл қалбининг давоси
Ҳусайн ал-Хоразий.

# ФОТОСУРАТЛАР



1. Бобохонова Салтанатпошшо (1912-1998 йиллар) Махдуми Хоразмий авлодларидан





Порсоев Сафохон ва Бобохонова Салтанатпошшоларнинг никоҳ қайд қилиш маросими.

Салтанатпошшо – тўнғич қизи ва куёви билан



Турсунов М. оиласи билан бирга урушга кетиш олдидан, 1941 йил.



Мирумар ва Аслам Турсуновлар урушга кетиш олдидан, 1941 йил.



Турсунов М. урушда полкдошлари билан, 1943 йил.



Бобохонов Тўрахон кенжа қизи ва ўғли билан.



Бобохонов Мақсудхон



Порсоевларнинг қиз томонидан невaралари - Мубарахон.



Душанбе шаҳри. Саъдиев Шуҳратнинг тўйида Бобохоновлар авлодининг қатнашиши



Салтанатпошшо янгалари ва жиянлари орасида



Мирумар ака ва хотини кенжа ўғли Каҳрамон билан



Салтанатхоннинг катта қизи оиласи билан



М.Турсунов шогирди билан Регистон майдонида



М.Турсунов Тошкентда дам олиш уйида жиянлари билан



Салтанатпошшо келини, қизлари, набиралари ва абиралари билан



Маданият қизлари - оиласи билан бирга



М. Турсунов хотини, болалари ва абиралари билан бирга


Мирумар ака ва Салтанатхонларнинг урушдан сўнг болалари


Салтанатпошшонинг невaралари



Салтанатпошшо 80 йиллик юбилейида қайнилари ва дугоналар орасида



Салтанатпошшо 80 йиллик юбилейида икки авлод қатнашиши



Моҳитўра Турсунова турмуш ўртоғи билан





Қодировлар сулоласи



Салтанатхоннинг кенжа қизи оиласи ва синглиси билан



Салтанатхоннинг катта ўғли Фарҳод оиласи билан



Авлод чевараси – Давлатхон туғилиш муносабатига бағишланган маросим



Ғиждувонлик қудалар - Насруллаевлар



Ғиждувонлик қудалар - Холиқовлар




М.Турсунова курсдошлари билан бирга



Авлодлар маросимда




Бобохоновлар неваралари Мақсудхоннинг тўй маросимда



Невалар ва абиралар



Кенжа невара ва унинг умр йўлдоши Давлатхон



Вилоят тарихий обидаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш инспекцияси томонидан Махдуми Хоразмий мажмуаси лойиҳаларини тасдиқлаш жараёни



Журналист Шахло Ахророва
Махдуми Хоразмий жамғармаси
фаолиятини кенг тарғиб этиб келмоқда



Махдуми Хоразмий жағармаси ҳисоботини тайёрлаш жараёни



Салтанатпошшонинг аввалги турган хонадони.
Попурчилик касбини унинг жияни Пўлатхоннинг турмуш ўртоғи давом эттирмоқда



Кичик ўғил оила аъзолари билан



М.Турсунова вилоят кўз касалхонасида иш бошлаган илк даврлар. 1965 йил.



1-сон шаҳар болалар касалхонаси. 1982 йил, ҳамкасблари билан


Вилоят аёллар ассоциацияси билан Махдуми Хоразмий жамғармасида Наврўз байрами ўтказилиши


Наврўз тадбирида



Махдуми Хоразмий ҳовлисида баҳорги ишлар





Махдуми Хоразмий мажмуасида 1-сонли шаҳар поликлиникасининг одатдаги шанбалиги




Япониядан келган меҳмонлар билан бирга



М.Турсунова курсдошлар ва ҳамкасблари билан бирга, 1992 йил.



М.Турсунова ҳамкасблар ва талабалар билан бирга дарсдан сўнг, 1995 йил.



Гўзалликка ташна қалб гулларни севади

# МУНДАРИЖА

МАХДУМИ ХОРАЗМИЙ – ЙИРИК МАЪНАВИЙ МУРШИД *(ҳаёти, илмий ва адабий мероси)* ..... 4
Э. Каримов ЎРТА ОСИЁ ҲУДУДИДА КУБРАВИЯ СЎФИЙЛИК ТАРИҚАТИ ..... 5
Б.Валихўжаев. МАХДУМИ ХОРАЗМИЙНИ БИЛАСИЗМИ? ..... 12
М. Ҳасаний. ҲУСАЙН ХОРАЗМИЙНИНГ ИЛМИЙ ВА АДАБИЙ МЕРОСИ ..... 13
К. Каттаев. ШАЙХ ХОРАЗМИЙНИНГ ПИРЛАРИ: МАЪНАВИЙ СИЛСИЛА ..... 15
Д. Салоҳий. ШАЙХ ХОРАЗМИЙ: "ИЛМНИ АМАЛГА ЯҚИНЛАШТИРМОҚ" ХУСУСИДА ..... 16
Б. Ўрнибоев. МАХДУМИ ХОРАЗМИЙНИНГ ҲАЖ САФАРИ ҚАДАМЖОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАЪБИРИ ..... 19
Ҳ. Аликулов. ҲУСАЙН АЛ-ХОРАЗМИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ («ИРШОД АЛ-МУРИДИН» АСАРИ АСОСИДА) ..... 21
Э. Миркомилов. ҲУСАЙН ХОРАЗМИЙ ҲАЁТИГА ОИД МУҲИМ МАНБА ..... 22
М. Раззоқова. ҲУСАЙН ХОРАЗМИЙНИНГ «РИСОЛАИ МАВЪИЗАИ МАНЗУМА» АСАРИДА ОДОБ-АХЛОҚ МАСАЛАЛАРИНИИГ ЁРИТИЛИШИ ..... 24
А.Қ.Мамаюсупов. КУБРАВИЯ ТАРИҚАТИНИНГ МАШҲУР НАМОЯНДАСИ ..... 25
М.Турсунова. МАХДУМИ ХОРАЗМИЙ – ШАЖАРА – САЛТАНАТ ПОШШО ТАҚДИРИ ТАРИХИ ..... 30
Ҳусайн Ал-Хоразмий. ИРШОД АЛ-МУРИДИЙН
(«МУРИДЛАРГА ТЎҒРИ ЙЎЛ») ..... 36
БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМ ..... 41
БИРИНЧИ ФАСЛ – АЛЛОҲ ТОЛИБЛАРИ, ИЛОҲ ОШИҚЛАРИ ВА БУЛ БОРГОҲНИНГ СОЛИКЛАРИГА ВАЪЗУ НАСИҲАТ БАЁНИДА ..... 44
ИККИНЧИ ФАСЛ – КОМИЛ ШАЙХГА ЭҲТИЁЖ БОРЛИГИ БАЁНИДА ..... 51
ЕТТИ РАВИШ ҲАҚИДА ФАСЛ ..... 53
ТЎРТИНЧИ ФАСЛ – СУЛУКДАГИ МУРИДНИНГ ОДОБЛАРИ ВА ШАРОИТЛАРИ БАЁНИДА ..... 56
ХОТИМА – АЛЛОҲ ТОЛИБЛАРИ ВА БУ ЙЎЛНИНГ СОЛИКЛАРИГА НАСИҲАТ ..... 66
ФОТОСУРАТЛАР ..... 65
Шайх Ҳусайн Хоразмий. РИСОЛАИ МАВЪИЗАИ МАНЗУМА (Назмий насиҳатлар рисоласи) ..... 68
ФИЙ НАЪТИ САЙЙИД УЛ-МУРСАЛИЙН ХОТАМ УН-НАБИЙЙИН АЛАЙҲИС САЛОМ ..... 68
ЗИКРИ АСҲОБИ РАСУЛ РИЗВОНУЛЛОҲИ ЪАЛАЙҲИМ АЖМАЪИН ..... 69
ДАР МАЗАММАТИ РАФИЗИЙЙА БАР САБИЛИ МАВЪИЗА ..... 69
ДАР ТАНБИҲИ ҒОФИЛОНИ БА ХУД МУБТАЛО ..... 70
ДАР СИФАТИ ФАҚР БАР МЕҲНАТ ВА РЎ НИҲОДАНИ ТОЛИБ БА РОҲИ ҲИММАТ ДАР ХИДМАТИ РОҲИ СОҲИБ ВАЛОЯТ ..... 70
ҲИКОЯТИ ДАРВЕШИ ОЛИЙҲИММАТ КИ БАВОСИТАИ ҲИММАТ ПОДШОҲИЙ БАДУ ҚАРОР ГИРИФТ ..... 71
МУТАНАББИҲ ШУДАНИ ДАРВЕШ ВА ҚАДАМИ ҲИММАТ ДАР РОҲИ ТАВАККУЛ НИҲОДАН ..... 71
ИТТИЛОЪ ЁФТАН ПОДШОҲ АЗ ҲОЛИ ДАРВЕШ ..... 72
ТАЛАБ КАРДАНИ ПОДШОҲ ДАРВЕШРО ВА ТАДБИРИ КОРИ Ў КАРДАН ВА ЛАТИФА ГУФТАНИ ДАРВЕШ ..... 72
ҒУТА ХУРДАНИ ҒАВВОС БА ДАРЁЙИ ХУНХОР ВА БЕРУН ОВАРДАНИ ДУРҲОЙИ ОБДОР ..... 73
ХАБАР ЁФТАНИ ПОДШОҲ АЗ ҲОЛИ ДАРВЕШ ВА ТАЛАБ КАРДАН ДУР АЗ Ў ..... 73
ОМАДАНИ ДАРВЕШ ПЕШИ ПОДШОҲ ВА МУЛЗАМ ШУДАНИ НАЗДИ ДАРВЕШ ВА АҚД БАСТАНИ ДУХТАР ..... 74
ГУФТОР ДАР МАЪНИЙИ ОН, КИ БЕ НАСИМИ РИЁЗАТ АБВОБИ ФАЙЗ КАМОЛ НАМЕКУШОЯД ВА ШОҲИДИ МАЪНӢ АЗ ПАРДАИ СУВРАТ ЖАМОЛ НАНАМОЯД ..... 74
ДАР МАЗАММАТИ УЛАМОЙИ ДУНЯВӢ, КИ ДАР УЛУМИ ЗОҲИРӢ КЎШИДААНД ВА ОЙИНАИ БОТИНРО АЗ ЗУЛМАТИ УШБУ КИБРУ РИЁ ПЎШИДА ..... 75

ДАР ЗИКРИ САЙЁҲОНИ ПАЙДОЙИ ТАРИҚАТ ВА САББОҲОНИ ДАРЁЙИ ҲАҚИҚАТКИ, СИТОРАГОНИ ОСМОНИ ЖАЛОЛ ВА ГУЛЧИНОНИ БЎСТОНИ ЖАМОЛАНД ....76
ВА АЙЗАН МАДДА ЗИЛЛУҲ УЛ-ОЛИЙ....77
ҒАЗАЛ....77
РУБОИЙЛАР....78
БИСМИҲИ СУБҲОНАҲУ ВА ТАЪОЛО (СУБҲОНАҲУ ВА ТАЪОЛО ИСМИ БИЛАН) ....80
ПАЙҒАМБАРЛАРНИНГ ХОЖАСИ ВА НАБИЙЛАРНИНГ СЎНГГИСИ МУСТАФО АЛАЙҲИС САЛОМНИНГ НАЪТИ ....80
РАСУЛ АЛАЙҲИС САЛОМНИНГ АСҲОБЛАРИ ЗИКРИДА (УЛАРНИНГ БАРЧАСИДА АЛЛОҲ РОЗИ БЎЛСИН)....80
МАВЪИЗА ТАРЗИДА РОФИЗИЙЛАР КИРДИКОРИНИНГ БАЁНИ....81
ЎЗИ ЎЗИ БИЛАН БЎЛИБ, ҒАФЛАТДА ҚОЛГАНЛАРГА ТАНБИҲ....82
РИЁЗАТГА НИСБАТАН БЎЛГАН ФАҚРНИНГ СИФАТИ ҲАҚИДА ҲАМДА БИР СОҲИБ ВАЛОЯТ ХИЗМАТИ ЙЎЛИДА ТОЛИБНИНГ ҲИММАТ САРИ ЮЗ ТУТИШИ БАЁНИДА ....82
ҲИММАТ ТУФАЙЛИ ПОДШОЛИККА ЭРИШГАН ОЛИҲИММАТ ДАРВЕШ ҲИКОЯТ ....83
ДАРВЕШНИНГ ТАНБИҲ ЕГАНИ ВА ҲИММАТ ҚАДАМИНИ ТАВАККУЛ ЙЎЛИГА ҚЎЙГАНИ....83
ПОДШОҲНИНГ ДАРВЕШ ҲОЛИДАН ОГОҲ БЎЛГАНИ....84
ПОДШО ДАРВЕШНИ ЎЗ ҲУЗУРИГА ЧАҚИРИШИ, У ҲАҚДА ТАДБИР КЎРИШИ ВА ДАРВЕШНИНГ ЛАТИФА АЙТИШИ ҲАҚИДА....84
ДУРРИ ШАҲВОР ТОПИШ МАҚСАДИДА ДАРВЕШНИНГ ДАРЁ ҚИРҒОҒИГА БОРГАНИ ....85
ҒАВВОСНИНГ ДАРЁ ТАГИГА ШЎНҒИГАНИ ВА ЯЛТИРОҚ ДУРЛАРНИ ТАШҚАРИГА ОЛИБ ЧИҚҚАНИ....85
ПОДШОҲ ДАРВЕШНИНГ АҲВОЛИДАН ХАБАР ТОПИБ, УНДАН ДУРЛАРНИ ТАЛАБ ҚИЛГАНИ ....86
ДАРВЕШНИНГ ПОДШО ОЛДИГА КЕЛИШИ, ПОДШОНИНГ ДАРВЕШ ОЛДИДА МУЛЗАМ БЎЛИШИ ВА ҚИЗИНИ УНГА НИКОҲ ҚИЛИШИ ....86
РИЁЗАТ НАСИМИСИЗ ФАЙЗ ЭШИКЛАРИНИНГ ОЧИЛМАСЛИГИ ВА МАЪНО КЕЛИНИ ЖАМОЛИДАН ПАРДА ОЛМАСЛИГИНИНГ МАЪНОСИ ҲАҚИДА СЎЗ ....87
ЗОҲИРИЙ ИЛМЛАРГА ҲАРАКАТ ҚИЛИБ, БОТИН ОЙНАСИНИ КИБР ВА МАНМАНЛИК ЗУЛМАТИ БИЛАН ҚОПЛАНГАН ДУНЁВИЙ ОЛИМЛАР ТАНБИҲИ ҲАҚИДА ....87
ТАРИҚАТ ЙЎЛИНИНГ САЙЁҲЛАРИ ВА ҲАҚИҚАТ ДАРЁСИНИНГ СУЗУВЧИЛАРИ ЗИКРИДАКИМ, УЛАР ЖАЛОЛ (УЛУҒЛИК) ОСМОНИНИНГ ЮЛДУЗЛАРИ ВА ЖАМОЛ (ГЎЗАЛЛИК) БЎСТОНИНИНГ ГУЛ ТЕРУВЧИЛАРИДИР....88
ЯНА УЛАРНИНГ АЙТГАНЛАРИ (УЛУҒВОР СОЯЛАРИ КЕНГ ЁЙИЛСИН) ....89
ҒАЗАЛЛАР ....90
РУБОИЙЛАР....91
Маҳмуд Ҳасаний. ҲУСАЙН АЛ-ХОРАЗМИЙ....93

XV-XVI АСР ТАСАВВУФ НАМОЯНДАЛАРИ ИЛМИЙ
МЕРОСИНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ
ЮКСАЛТИРИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ
II қисм
Илмий мақолар тўплами

Масъул муҳаррир — Д. САЛОҲИЙ
Мусаҳҳиҳ: — М. РЎЗИБОЕВ
Техник муҳаррир: — Е. ЦОЙ

Буйруқ №69 2008.19.06.
Нашрга қабул килинди
Нашр этишга рухсат берилди
Чоп этиш шақли А3 1/8. Times. гарнитураси.
Офис коғози, шақли А3.
Шартли босма тобоғи 7,20
Нашриёт ҳисоб тобоғи 7,25
Буюртма № 67. Аддади 50.

*СамДУ босмахонасида чоп этилди.*
*141015, Самарканд шаҳри, Университет хиёбони, 15.*

